

Э'ТИКОД УФКЛАРИ



Георгий Винс

Георгий Винс

ЭЪТИКОД
УФКЛАРИ

СҮЗБОШИ

*Чунки сизлар учун түзгән режаларимни аниң биламан.
Уибү режаларим сизларга ёмонлик эмас, яхшилик олиб келади,
ёргө келажсагу умид беради.*
Иер.29:11

Москва. Лефортово қамоқхонаси. Унинг расмий номи — СССР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги давлат хавфсизлиги қўмитасининг тергов изолятори. Бу ерда мени 1966 йилнинг 19 майидан 1967 йилнинг 15 фералигача ушлаб туришди.

1966 йилнинг декабрида суд бўлиб ўтгандан сўнг бизнинг камерамизга Тергов изоляторининг бошлиғи полковник Петренко ташриф буюрди. Унга майор Степанов изолятор бошлиғининг тартиб бўйича ўринбосари ва яна иккита зобит ҳамроҳлик қиласди. Камера жуда тор эди: камерада биздан — эскирган, ғижим кийимлардаги учта маҳбусдан ташқари, яна батартиб, погонлари ялтираб турган тўртта КГБ зобитлари бор эди. Хонанинг очиқ эшиги олдида яна иккита қамоқхона назоратчиси туради.

Полковник Петренко бизга мурожаат қилди: “Тергов изолятори маъмуриятига шикоятлар борми?” Биз жим турадик. Шунда полковник менга ўгирилди: “Хўш, Винс, сизнинг авлиёларингиз сизни ҳали дебраза панжараси орқали осмонга олиб кетишмадими?”

Кейин эса ифодали ўгирилиб тош деворларга ишора қилди:

— Мана сиз эришган нарсалар — тўрт девор ва панжара! Мен сизга ачинаман! Нима учун сиз ўз

ҳаётингизни барбод қиляпсиз? Мавжуд бўлмаган Худога мавҳум эътиқод, олдинда шимолий лагерлар — мана сизнинг барча уфқларингиз!

— Ўртоқ бошлиқ! Менинг уфқларим бу — тирик ва ҳақиқий Худога эътиқод уфқларидир. Масих одамларга керак, Ҳақиқат ва ҳаёт фақат ундадир! Худо сизга ҳам керак, — мурожаат қилдим мен полковникка.

Аммо полковник қўлинин силтади:

— Бас, етар! Эшитишни ҳам хоҳламайман. Лагер ҳаёти сизга қанчалар адашаётганлигингизни кўрсатади!

Полковник Петренко ҳамроҳлари билан бизнинг камерани тарқ этди. Темир эшик шарақлаб ёпилди... Бир ойдан сўнг Мен Уралда — шимолий тайга лагери йўлида эдим.

БИРИНЧИ БОБ

Шимолий этап

1967 йилнинг март ойи. Эрта баҳор. Шимолда бу вақтда жуда совуқ бўлади. Маҳбуслар ўтирган учта катта юк машинаси қуролланган аскарлар назорати остида қийинчилик билан секин қорли тайга йўлларидан шимол томонга — фақат шимолга ҳаракат қиласади.

Махбуслар юк машинаси кузови полида бир-бирларига сикилиб, кўл ёки оёқларини қимирлата олмай ўтиришарди. Кузовнинг бир қисми мустаҳкам темир панжара билан аскарларга — 18–20 ёшли ёш йигитлар ва баҳайбат қўриқчи овчарка ит учун ажратиб қўйилганди. Яна тўрнинг нариги ёғида маҳбусларнинг ночор лаш-лушлари ётарди: унча катта бўлмаган қоплар ва сумкалар. Биз тўрга — аскарларга орқа қилиб ўтирадик. Аскарлар тиззасигача тушадиган иссиқ пўстинлар кийиб олишганди, бошларида иссиқ шапка, оёқларида иссиқ пийма, қўлларида эса иссиқ қўлқоплари бор. Машиналарнинг биттасида — хайдовчиларнинг ёнида соқчилар бошлиғи — зобит ўтиради.

Соқчилар, умуман олганда, маҳбусларнинг кўпчилиги ҳам ёшлар эди. Бу даҳрийлик, шафқатсизлик ва маънавий қадриятларни инкор қилиш руҳида тарбияланган авлод эди. Аслида улар динсиз жамиятни — Худосиз, эътиқодсиз, ахлоқсиз, келажаги йўқ, шафқат

ва ҳамдардлик руҳидан маҳрум жамият яратиш бўйича марказлашган ғоявий дастурнинг мевалари эдилар. Уларга Масих, унинг таълимотининг нури, хушхабар маънавий қадриятлари жуда керак эди! Худо шу учун бизни — художўйларни бу совуқ ўлкаларга Масих ҳақида, бу ёш жиноятчилар ва соқчиларга бўлган Худо севгиси ҳақида айтиб бериш учун юбормадимикан? Менинг миямга шундай фикрлар келади. Мен сокин ибодат қилиб: “Худойим, сен ҳақингда айтиб беришга ёрдам бер!” деб сўрайман.

Шимол томонлар учун оддий бўлган тупроқли ўрмон йўли баланд Урал қарағайзорлари орасидан айланиб ўтарди. Маҳбусларнинг бошлари машина бортидан чиқиб турагар, машина сакраганда уларнинг аъзойи бадани оғрирди. Ўрмон йўлининг барча ўнқир-чўнқирлари — хавфли бурилишлар, нотекис йўллар бунга сабаб эди. Совуқ уюшиб қолган қўл ва оёқларига ҳамла қиласди. Бизга этап* олдидан берилган пахтали шимлар, пиймалар, пахтали камзул ҳам ёрдам бера олмасди. Деярли бутун кун бўйи ана шу тарзда совуқ йўлда сувсиз ва иссиқ овқатсиз юрдик.

Бизнинг этапимиз шимолий Уралнинг Соликамск жўнатиш лагерида совуқ эрта тонгда бошланди. Аммо мен учун этап бундан деярли бир йил олдин — мен Москва марказидаги Дзержинский майдонида — “Темир Феликс”нинг қаршисида 1966 йилнинг 19 майида қамоққа олинган куним бошланган эди. Мен учун машъум ўша кунда мени бешта яхши кийинган бақувват йигитлар ушлаб олиб, қора “Волга”га судраб олиб киришди. Нигоҳим охирги марта гавжум ва машиналар қатор турган майдонга, жиддий боқиб тур-

* Этап — конвой билан олиб бориладиган маҳбуслар тўдаси.

ган темир ҳайкалга тушди: хайр, озодлик! Кейин машинанинг орқа ўринидигида икки томонимдан иккита кучли йигит маҳкам ушлаб турғанларида мен улардан бирининг хириллаган овозда: ”Совет ҳокимияти мустаҳкам” деганини эшидим. Мен овозимни чиқармадим. ...Мени қамаётганларида ҳам Муқаддас Ёзувнинг: “Жаҳлини тийган — қудратлидан, ўзини тута биладиган эса шаҳарни енгандан яхшиrok” (Ҳикмат.16:32) деган сўзларини эсда тутиб қаршилик кўрсатмадим.

Мен нима қилаётганимни билардим. Москва марказидаги бу қамоққа олинишимни ҳам билардим. Аммо бошқача йўл тута олмасдим. 1966 йилнинг 16 майида 500 кишидан иборат художўйлар делегацияси Украина, Молдова, Белоруссия, Кавказ, Сибирь, Урал-Ленинград ва бошқа кўп шаҳарлардан Москва га келишди. Булар хушхабарни тарғиб қилгани учун таҳқирланган масиҳий баптистлар вакиллари эди. Улар давлат бошликлари билан учрашишни сўрашди, уларга тақводорларнинг таъқиб қилинаётгани ҳақида арзномалар ва илтимосномалар топширмоқчи эдилар. Аммо кейинги куниёқ — 17 майда шу ерда, Москва марказида — Партия Марказий кенгаши биносининг олдида ҳаммалари қамоққа олиндилар.

Делегациянинг қамоққа олинишидан икки кун кейин, тақводорлар менга ва менинг эътиқод бўйича биродарим Хорев Михаил Ивановичга делегация тақдирини аниқлаш учун Партия Марказий Комитетнинг қабулхонасига боришни топширишди. 19 майда биз Михаил Иванович билан бирга Марказий Комитетнинг қабулхонасига бордик, делегация тақдири ҳақида расмий талаб қўйдик ва натижада қамоққа олиндик. Аммо Худо сўзи шундай дейди: “Сенга қарши ясалган Ҳар кандай қурол ғалаба қилмайди.

Сен билан даъволашган ҳар бир одамни Сен маҳкум қиласан. Менинг қулларимнинг улуши мана шу, Уларни Мен оқтайман” (Ишаё 54:17).

Биз Муқаддас Китоб сўзларига ишонар эдик. Биз, шунингдек, Масихнинг қўйидаги сўзларини ҳам эсда тутардик: “Ким ўз жонини дўстлари учун бағишиласа, бундан ортиқ севги йўқ” (Юхан.15:13). Москвага Худо севгиси номи билан делегация келди — унинг мақсади таҳқирланганларни ҳимоя қилиш эди, лекин қамоққа олинди. Шу севги номи билан биз ҳам Хорев билан делегация тақдирини билиш учун боргаган эдик.

Бизни қамоққа олишгандан сўнг Лефортов қамоқхонасида қатъий ажратиб қўйиш режимида ушлаб туришди, тергов қилишди — кейин суд ва хукм чиқарилди: умумий тартибли лагерда 3 йил. Кейин Москва шаҳридаги Красная Пресня жўнатиш қамоқхонасида панжара орқали хотиним билан бўлган қисқа учрашув, “Столипин” вагонидаги этап, Пермъ жўнатиш қамоқхонаси, кейин Соликомскдаги жўнатиш лагери. Ва мана энди — яна Шимолга этап...

Москвада, Красная Преснядан бизни жўнатаётганларида аллақачон баҳор нафаси келиб қолган, қор эрий бошлаганди. Бу ерда — Уралда — эса ҳали қаҳратон қиши фасли эди. Биздан икки ҳафта илгари Соликомскдан Шимолга худди шундай усти очиқ юқ машиналарида жуда қаттиқ совуқда жўнатилган маҳбусларнинг олдинги этапи ҳаёти фожеали тугади: йигирмадан ортиқ маҳбусларнинг қўллари, оёқлари, юзларини қаттиқ совуқ уриб кетди. Уларнинг кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қолишиди. Кейинчалик, лагерда бўлган пайтимда мен уларнинг баъзиларини кўрдим. Айниқса менинг хотирамда бир ёш маҳбус қолди: у йигирма ўшларда бўлиб, лагер ичida жуда

қийинчилик билан таёққа сүяниб ҳаракатланарди. Ўша пайтда ёз ойи эди. Унинг иккала оёқларининг товонлари қоп-қора эди. Иккала оёқларининг бармоқлари сүяклари аста-секинлик билан қуриб борар ва бирин-кетин тушиб кетарди. Баъзида эса ўзи уларни пичоқ билан кесиб ташларди. Кейин эса бечора маҳбус бармоқлари қолдикларини латта-путталар билан боғлаб кўярди. Даҳшатли томоша...

Биз ўтиб бораётган жойлар эса жуда гўзал эди! Қишигидан, ҳамма нарса оппоқ ялтироқ қор қоплами билан ўралган... Одатда қишигидан шапка кийган баланд Урал кедрлари шоҳлари орасидан сизиб ўтадилар. Бугунги совуққа чидаса бўлади: $20\text{--}25^{\circ}\text{C}$ дан ортиқ эмас. Қуёш нурлари остидаги қор кўкимтири товланади ва худди шульга сочаётганга ўхшайди. Қарағайлар ва арчаларнинг шоҳларида йирик—йирик юмшоқ қор парчалари. Атрофдаги ҳамма нарсалар оппоқ, тоза ва сокин — худди эртаклардаги қишки шоҳликка ўхшайди. Худонинг дунёси, Худо яратган нарсаларнинг гўзаллиги ажойиб! Атрофга хушбўй ҳид таралиб турибди, ҳаво тоза, мовий осмон қандай гўзал ва бепоён!

Мен ёнимда ўтирган маҳбусга қарайман: озгин, соқоллари олинмаган, юзи қалин сарғиш соқол билан қопланган. Унинг бошида маҳбуслар киядиган қишики шапка — маҳбуслар ҳазиллашиб уни “балиқ териси”дан деб аташади. Бу шапка сичқон рангига ўхшаган кулранг. Унинг эгнида ҳам худди шундай қулрангдаги ўхшовсиз паҳтали камзул. Худди полиздаги қўриқчига ўхшайди. Ўзим ҳам худди шундайман. Бу одам билан мен салгина танишман: унинг исми Василий, у менинг тенгдошим, москвалик, Москва марказида ёқалашгани учун уч йилга хукм қилинган.

Биз у билан ҳали Пермдалигимиздаёқ бир жўна-тиш камерасида бирга ўтирганимиз ва Худо ҳақида сухбатлашганмиз. Василий ғамгинлик билан атрофга қарайди. Совуқдан ва қаттиқ шамолдан унинг кўзла-ридан соқоли олинмаган ёнокларига аста-секин кўз ёшлари думалаб, сариқ соқоллари орасида музлаб қолади. Мен унга ачинаман. Уни қандай қилиб бўлса ҳам руҳини кўтариш, жонлантириш учун мен!

— Василий, қара, атроф қандай гўзал: қандай ажойиб қиш манзараси! Буларнинг барчасини Худо яратган! — дейман.

— Сен яххиси, ўзингга қара! — жавоб қилади у менга. — Кимга ўхшайсан?! Совуқдан жунжикиб қолгансан, очсан. Яна: “Гўзал ажойиб ўрмон!” деб такрорлайсан. Совуқ, совуқдан қотиб қоляпмиз, сен эса Худо, Худо дейсан!

Мен чиндан ҳам машинамиздаги бошқа маҳбуслар каби совқотяпман, аммо қалбимда қувонч ва ёруглик бор. Худо ҳақидаги фикрлардан танам иссиқроқ бў-лаётганда ўхшайди: Мен бу ажойиб, гўзал ўрмонни, бу тоза қорни ва биз-одамларни Ким яратганини биламан. Бу — Тангри! У бизни севишини, одамларга эзгулик, нажот ва мангу ҳаёт таклиф қилишини ҳам биламан. Мен худди шу ҳақда ўз ҳамроҳимга айтиб бермоқчиман: “Биласанми, Василий, этап — бу ҳали ҳаммаси эмас! Бизнинг устимизда — донишманд, мангу ва бизни севувчи Олий Куч бор. Хушхабарда бир оят бор. У жуда муҳим ва унда масихийликнинг бутун моҳияти ифодаланган”. Шунда мен совқотган лабларим билан Юҳанно Хушхабарининг 3:16 оятини айтаман: “Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўёлини берди, токи Унга ишионган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин”.

Менинг олдимда ва ёнимда ўтирган бошқа маҳбуслар ҳам гапларимни тинглашяпти. Ўнг томонимда ўтирган, худди шундай совқотган ва оч қолган қўшним шундай дейди: “Сиз — баптистлар ғалати одамларсиз, фақат Худо ҳақида гапирасиз, ўз эътиқодингизни тарғиб қиласиз!”

Совуқ, жуда совуқ. Аммо қоронғи ва ифлос жўнатиш қамоқхонасидан, унинг дим, қўланса тамаки ҳидига тўйинган ҳавосидан сўнг кескин фарқ — ўрмонга тушиб қолиш, гарчи соқчилар назорати остида бўлса-да. Машиналар бир томондан иккинчи томонга чайкалиб тутун чиқариб зўрга олдинга юришади. Йўлни эса қор босиб қолган, у кўринмайди. Жуда кўп бурилишлар, тепаликлар ва ўнқир-чўнқирлар. Машина худди ҳали ҳам инсон қадами етмаган табиий ўрмондан бораётганда ўхшаб туюлади...

Йўл ёқасидан қор устида ўрмон ҳайвонларининг ва қушларнинг жуда кўп излари аниқ кўриниб турибди. Озод ҳайвонларнинг, озод қушларнинг... Ҳайвонлар хоҳласа йўлдан югуриб юради, хоҳласа ўрмон ичкарисига кириб кетади ва ҳеч ким унга қаерга боришни, нима қилишни буормайди... Қушлар ҳақида гапирамса ҳам бўлади: қаерга хоҳласанг — шу ёққа, уч — эркинлик, озодлик! Бу қандай гўзал — озодлик!

Маҳбус учун эса ҳамма нарса таъқиқланган, ундан ҳамма нарса тортиб олинган. Унинг ҳаёти соқчилар қўлида. Машина кузовида аскар ва итнинг ёвуз ва эҳтиёткор нигоҳи остида сенга қаратилган автомат оғзи рўпарасида қимиrlамай ўтири... Шубҳасиз тортиб олинган эрк ҳақидаги, тутқунликнинг оғирлиги тўғрисидаги доимий фикрлар ҳар бир маҳбуснинг онгida яшайди. Аммо бугун совқотган, оч, одам тўла машинада нокулай вазиятда қимиrlамасдан ўтиргандан оёқ-қўллари қотиб қолган маҳбуснинг биргина

истаги бор: тезроқ инсонлар яшайдиган иссиқ жойга бориш, майли лагер бўлса ҳам. Шимол томонга олиб кетаётган номаълум лагер шундай азиз —қадрдон уйимизга ўхшаб туюла бошлайди. Тезроқ етиб борсайдик.

Тўсатдан кутилмагандан, ўрмон ортидан катта қишлоқ кўринди. Ўрмон инсон учун жой бериб тамом бўлади. Тайга йўли баланд қор уюмлари йигилган кенг кўчага айланади. Кўчанинг икки томонида вақт таъсирида йўғон ёғочлари қорайиб кетган катта-катта уйлар қад ростлаб турибди. Ҳар бир уйнинг олдида тепасида йўғон қорайган тахталардан ясалган кичикроқ томга ўхшаган соябони бор дарвозалар бор. Нарироқда эса, ҳовлилар ичкарисида яна ёғочдан қурилган баланд омборхоналар қад ростлаб турибди. Омборхоналарнинг яssi томларида баҳайбат қор шапкалари. Баъзи уйлар икки қаватли. Барча биноларнинг қурилганига камида 100 йил бўлган, аммо улар ҳали мустаҳкам эканлиги кўриниб турарди. Уйлар ҳам, омборхоналар ҳам бизга машинадан жуда баланд, қадимий ва қудратли, худди қадимги рус достонлари вақтида қотиб қолган қальяларга ўхшаб туюларди.

Маҳбуслардан кимдир: “Бу — Чердинь” деди. Мен илгари ҳам Чердынь ҳақида эшитгандим — бу қадимий рус шаҳрига XV асрда новгородликлар томонидан асос солинган. Ўтган асрда Чердынь сургунлар маконига айланганди. Аммо сургун қилинган аҳоли, айниқса, бизнинг асримизнинг 20–30-йилларида кўпайди: 30-йилларнинг бошларида бу ерга шоир Осип Мендельштам сургун қилинганди. У шу ердаги маҳаллий касалхонада ётган, бутунлай умидсизликка тушиб 2-қаватдан ўзини пастга ташлаб ўлдирмоқчи бўлган.

Маҳбуслар ўтирган машиналар кимсасиз майдоннинг қоқ ўртасида тўхтади. Атрофда қор ва вакт ўтиши билан қорайиб кетган уй деворларидан бошқа хеч нима йўқ эди. Кўларида мактаб сумкасини ушлаган бир нечта мактаб ўқувчилари сал нарироқдан бизга диққат билан қараб туришибди. Бир гала маҳаллий итлар қаттиқ хуриб тўхтаган машиналарга қараб югуришди. “Бизни озод қилиш учун югуриб келишяпти”, — ҳазиллашди тутқунлардан кимдир. Аммо Чердинъ итлари машиналардан аскарлар билан бирга сакраб тушаётган йиртқич соқчи итларни кўриб думларини қисиб қочиб қолишли. “Ёмон қуткарувчилар, қўрқоқлар!” — ҳазиллашишди маҳбуслар.

Фақат ўқувчиларгина жойларида қолиб қараб туришарди. Маҳбуслар, айниқса, оиласилиари кўзларидан соғинч билан уларга боқишиади: кўпларининг уйда болалари қолган... Яна қачон уларни кўриш насиб қиларкан! Болалар эса ҳам ҳам бизга қараб туришарди. Афтидан улар маҳбуслар тушган машинани, автомат ушлаган аскарлар ва шафқатсиз қоровул итларни биринчи марта кўрмаётган эдилар. Уларнинг қалбларида кўрганларидан нима қолади: яхшиликми ёки ёмонликми? Шафқатми, ёки шафқатсизликми? Сургун қилинганлар ва маҳбусларнинг бир неча авлодлари шу шаҳар орқали ўтишган, кўп сургун қилинганлар ҳозир ҳам бу шаҳарда яшашади. Бу, эҳтимол, ўшаларнинг болалари ва набиралари, ҳозир навбатдаги этапга жим қараб тургандирлар?

Соқчи зобитнинг командасига кўра, бизга ҳам машиналардан тушишга ва оёқларимизнинг чигалини ёзишга рухсат беришади. Аммо ҳаммага бирдан эмас: олдин биринчи машина, кейин иккинчиси, сўнгра учинчиси — навбат билан. Аскарлар итлари билан

бизни машиналар ёнида қўриқлаб турибдилар, бизнинг юришга ёки сакрашга ҳақимиз йўқ, биз фақат қотиб қолган оёқларимиз ва қўлларимизнинг чигалини ёзиш учун турган жойимизда сал қимирилашимиз мумкин. Деярли барча маҳбуслар тамаки тутунини очкўзлик билан ютиб чекишиади. Ҳамманинг сезиларли даражада руҳи кўтарилидди. Улардан бири менга папирусни кўрсатиб: “Сен, художўйсан ва буни тушунмайсан! Мен учун эса тамаки нондан ҳам, ҳаттохи озодликдан ҳам азизроқдир”, — дейди.

Кейин бизни яна машиналарга ўтқазишиади. Аммо биз ҳали бир соатдан ортикроқ турдимиз. Аскарлар навбат билан қаергадир бориб келишди; эҳтимол, овқатланишгадир. Ниҳоят, машиналар тайга йўлидан яна йўлга тушишди. Бизнинг йўналишимиз фақат Шимолга ва Шимолга қараб боради. Аммо биз бугун Чепечанкадаги ўз лагеримизга етиб бора олмаслигимизни, бугун ҳисобида навбатдаги жўнатиш лагери Чепецга ета олишимизни билардик. Аммо биз шунга ҳам хурсанд эдик. Фақат тезроқ иссиққина жойга етиб олсак бўлди. Кечга томон кескин совуқ тушди. Биз қаттиқ совқота бошладик. Маҳбуслар бир-бирлари билан сухбалашишни батамом тўхтатишиди. Юзлари қотиб қолди, агар бир нарса демоқчи бўлсанг, итоатсиз лаблар ҳеч тушуниб бўлмайдиган товушларни айтарди. Бир нарса аниқ эди: “Совуқ! Совқотяпмиз!”

Кечкурун соат еттиларда машиналар Чепец лагерига етиб келишди. Баланд девор, яна битта эмас, бир неча қатор, темир дарвоза, бурчакларда аскарлар турган миноралар. Вишкаларнинг устида кучли таъкиқланган жойларни ёруг нур билан ёритиб турган прожекторлар. Чепец қатъий тартибли лагер эди. Бу ерда 2000га яқин маҳбуслар бор. Лагернинг ёнида

тахталар, бруслар ва мебель тайёрлайдиган ёғочни қайта ишловчи завод бор эди. Заводда маҳбуслар ишлашарди. Чепец лагери ҳам шунингдек, ушбу районга келадиган маҳбуслар этаплари учун жўнатиш пункти бўлиб хизмат қиласарди. Шу ердан уларни Уралнинг узоқ шимолий лагерларига юборишарди.

Буйруқка асосан машиналардан сакраб ерга тушамиз. Аммо иссиққача ҳали бор, ҳали бизни тинтув қилишади. Бизнинг қаршимизда баланд туширилган шлакбаумли темир дарвоза. Тинтув бошланди — тўғри совукда қор устида, прожекторларнинг шуъласи остида. Ҳамма нарса текшириляпти: кийим-бош, пойафзал, шахсий нарсалар. Токи аскарлар ва зобитлар нарсаларни синчиклаб текшириб бўлгунларича қор устида фақат пайпоқда туриш жуда совук. Ҳамма совукдан қалтиради. Атрофимизда эса муайян бир масофада ярим доира бўлиб биз томонга қаратилган автоматлари ва соқчи итлари билан аскарлар туришарди.

Қалбимда оғир тош бор эди: мен Киевда азиз оиласдан ва дўстларимдан, жамоатдан қанчалар узоқда эдим. Шимол, тайга, лагерь! Агар барчасига эътиқодсиз ва ишончсиз қаралса, оғир умидсизлик шимолнинг муз нафаси билан юракни қамраб олади. Ушбу майда-чуйдасигача бегона дунёда масиҳий қандай ёлғиз! Ҳамма нарса бизга — художўйларга қарши. Биз руҳий уйғониш байробини кўтардик, руҳий қадриятларни ва ҳаётнинг, эътиқоднинг барча саволларида Муқаддас Китобнинг мутлақ нуфузини ҳимоя қилдик. Эзгулик ва ҳақиқатнинг ғалабаси ҳақида гапиряпмиз. Буларнинг барчаси орзу эмасми, қатъий адоватли ҳақиқатдан узилиб кетиш эиасми? Худосиз, улкан мамлакатда Масиҳга ишонадиганлар ва унинг таълимоти бўйича яшайдиганлар қанчалар

кам! Улар кимлар: хаёлпарастларми ёки “ўтмиш қолдиқларими?” “Лагерь ҳаёти сизга сизнинг адашаётганингизни кўрсатади!” — деди менга бундан бир ой илгари Лефортово қамоқхонасида КГБ полковниги Петренко. Ўшандан бери мен этапларнинг, қамоқхоналарнинг ва жўнатиш пунктларининг “жозибалари” билан бироз танишдим. Лагерга келганимдан сўнг ўз кечинмаларимни “Бандининг фикрлари” шеъримда ифодаладим:

Сен ёшлигингда ҳакиқатни ҳимоя қилдинг,
Эзгулик ва мангу қутулиш куйчиси,
Ва мана энди сенинг меҳнатларингнинг натижаси:
Тайга ўлкаси ва қуршалган қамоқхона

Этаплар, жўнатиш пунктлари торлиги...
Цемент пол энди — шоирнинг ўрни.
Энди ҳаво ўрнида — қўланса ҳидли дим,
Камера деворлари — дунёнинг ҳамма томони.

Сен эзгулик ва баҳтни тасдиқладинг,
Эътиқодсиз ўғилларни ёруғликка чорладинг,
Сен мангу орзуни тарғиб қилдинг.
Нуқсонлар ва иккюзламачиликни фош қилдинг

Хўш, энди нима бўлди? Орзулар чиппакка чиқдими?!
Ёшлик умидлари ва ранг-баранг орзулар?
Соқчи итлари — бу гуллар эмас,
Қаттиқ совуқлар шеърият эмас.

Аммо бўронлар ҳайқириғи аро иймон ва севги
Қўшиғи илгариgidай кўкрагимда янграяпти.
“Кўрқмасдан садоқат сўқмоғидан буюк
Орзулар сари боравер”, — дейди бир ички овоз.

Эзгулик ва ҳакиқат ёвузынни енгади!
Қайта тирилиш нури олдида зулмат чекинади!
Зиндонлар вайрон бўлади! Уларнинг пўлат
Анжомларини ҳамма кўрсинг деб музейга беришади.

Бизни ярим доира шаклида ўраб олган ва арқонларидан ушлаб турилган итлар чарчашибди, улар ҳам очқаган эди. Уларнинг сабр-тоқатлари тугаб борарди: тезроқ казармага, қоровулхонага. Улар сабрсизлик билан ҳуришарди. Баъзида эса биз томонга қараб жаҳл билан ҳуришади. Қор устидаги тинтуб эса давом қиляпти. Менинг нарсаларим турган қопимда Муқаддас Китоб бор эди. мени тинтуб қилаётган аскар қопимдан бошлади ва дарҳол Муқаддас Китобни топиб олди. У, эҳтимол, Муқаддас Китобни биринчи марта кўраётгандир ва жуда ҳайрон қолади:

— Бу нима, ҳақиқий Муқаддас Китобми? — сўрайди у китобни секин вараклаб.

— Ҳа, ҳақиқий, — деб аранг жавоб бераман совқатганимдан ва жуда чарчаганимдан.

— Сенга лагерда рухсат беришмайди! — аскар кўзлари билан зобитни излаб. Муқаддас Китоб эса ҳали ҳам унинг қўлида эди, у эса нима қиларини билмасди.

“Муқаддас Китоб хавф остида! Мендан Муқаддас Китобни тортиб олишлари мумкин!” — бу фикр миямдан яшиндай ўтди. Мен ҳатто исиб кетдим. Лефортово қамоқхонасида бундан ярим йил илгари Муқаддас Китоб қўлимда бўлиш ҳуқуқи учун курашгандим. Мен қамоқхона бошлиғи номига камерада Муқаддас Китобдан фойдаланишга рухсат беришини сўраб ариза ёзгандим. Ўшанда мен олти кун овқат емасдан, Худога, менга ёрдам бер, деб ибодат қилдим.

Ўшанда мен камерада Миша исмли 35 ёшли бир маҳбус билан бирга ўтирадим. У мени ишонтирмоқчи бўларди: “Ўзингизни қийнаманг, оч юришни бас қилинг, овқатланинг! Овқат шундай ҳам яхши эмас, паст калорияли. Организмингиз заифлашган, соғлиғингизга путур етказманг! Лефортово қамоқхонасида сизга ҳеч қачон Муқаддас Китобни бериб қўйишмайди. Чунки бу КГБнинг асосий қамоқхонаси — бу ерда ҳали ҳеч қачон ҳеч кимда Муқаддас Китоб бўлмаган!”

Аммо олти кундан кейин мен Муқаддас Китобни олдим. Камерамизга зобит келиб менга Муқаддас Китобни топширганда, ҳамхонам жуда ҳайратланди. Ўшанда зобит шундай деганди: ”Мана китобингиз, уни хоҳлаганингизча ўқишингиз мумкин!” Зобит камерадан чикиб кетгандан кейин Миша мендан илтинос қилди: “Менга Муқаддас Китобни ўқишига рухсат берасизми? Мен ҳали умримда бу китобни қўлимга ушламаганман!” Ярим йил давомида Муқаддас Китоб ёнимда, ё Мишада бўлди ва биз доимо ўқирдик.

Мана энди Муқаддас Китобни мендан тортиб олишмоқчи. Мен энди совуқни сезмасдим. Аскар қўлида Муқаддас Китобни ушлаб иккиланиб турарди: у зобитни кутарди. Аммо унинг ёнига ҳеч ким келмасди, чунки барча зобитлар ва аскарлар тинтув билан банд эдилар. Улар шошардилар, чунки ўзлари ҳам совуқ қотгандилар. “Муқаддас Китобни қопимга қайтариб сол, — секин ва хотиржамлик билан дедим мен. — Шовқин кўтарма! Муқаддас Китоб — яхши китоб, у менга жуда керак. Москва қамоқхонасида уни менга қайтариб бермагунларича олти кун нон емаганман”. Бу гапларнинг барини мен тез, аммо паст овозда факат унинг бир ўзи эшитадиган қилиб гапирадим. Аскар бир дақиқага ўйланиб қолди. Кейин китобни

қайтариб менинг қопимга солди. “Раҳмат!” — дедим мен секингина.

— Сенга қайси моддани беришган? — сўради аскар.

— Диний! Мен уч йилга Худога бўлган эътиқодим учун ҳукм қилинганман.

— Мен сенинг художўй эканлигингни дархол билдим, — деди аскар ва мени тинтув қилишни бас қилиб. “Бор!” — деди у менга баланд овозда. Кейин секин қўшиб қўйди: “Муқаддас Китобни бу ерда жўнатиш пунктида ўқийвер. Чепечанка лагерида уни сендан барибир тортиб олишади: у ернинг бошлиғи жуда қаттиққўл”.

Тинтуvdan сўнг бизларни лагерга киритиши. Соқчилар ва итлар лагер ташқарисида қолиши. Биз эса нарядчи — маҳбус ҳамроҳлигига зона бўйлаб жўнатиш барагига бораидик. Нарядчик бизга тушунтиради: “Бу ерда 3—4 кун бўласизлар. Кейин эса сизларни темир йўлдан Чепечанкага — умумий тартибли лагерга олиб кетишади”.

Мен савол бераман:

— Чепечанкага неча километр?

— 70, — жавоб берди у. Маҳбуслардан кимdir аниқлик киритиб сўрайди:

— Нима, бу ерда, Шимолда темир йўл борми?

— Ха, бор, узунлиги 70 км: Чепецдан Чепечангача. Аммо фақат тор изли темир йўл. Уни ҳам урушдан илгари куришган, — изоҳ берди нарядчи.

Жўнатиш бараги иккита кичик хонадан иборат. Уларни лагерда бошқача қилиб бўлим деб ҳам атасади. На кроват, на сўри бор. Полда ухлашади. Аммо пол тахта ва барак ичи иссиқ, печ ёниб турибди. Қандай яхши. “Иссиқроқ бирон нарса бўлсайди, — илтимос қилиши махбуслар. — Кун бўйи овқатсиз юрдик!”

Нарядчи бизни лагер ошхонасига бошлаб борди. Кечки овқатнинг тугаганига анча бўлган. Ошхонада на-вбатчи ошпаздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Биз бу этапда олтмиштacha эдик. Ҳар биримизга бир товоқдан қолган лагер шўрвасидан беришди: овқат фақат сувва бир нечта пишиб кетган ёрмадан иборат. Аммо иссик овқат, ҳаттоқи хушбўй туюлади, биз хурсандмиз. Бизга бир катта бўлакдан қора нон берганларида янада хурсанд бўлдик: овқатланиб бўлдик, исиндик ва анча руҳимиз кўтарили... Нарядчи кетди, биз эса жўнатиш бараги томон йўл олдик.

Уч кундан сўнг бизни Чепечанкага олиб кетишиди. Энди бизни машиналарда эмас, маҳбуслар вагонида тор изли темир йўлдан олиб кетишарди. Бу йўлдан Чепечанка лагеридаги ёғоч тайёрлаш заводидан ёғочни Кама дарёсига олиб келиш учун фойдаланишарди, кейин эса катта ёғоч баҳорда дарё бўйлаб пастга оқизиларди. Маҳбуслар тушган вагонни мотавоз тортиб борарди. Бир неча соатдан бери йўлдамиз, жуда секин ҳаракатланяпти, чунки темир йўл жуда ёмон, деярли авария ҳолатида эди.

Кечга томон Чепечанкага етиб келдик. Яна лагер олдида қор устида тинтув. Яна менинг Муқаддас Китобимни топишиди ва четга кор устига олиб кўйишиди. Тез орада барча маҳбусларни лагерга киритишиди. Катта темир давроза очилиб навбатчи зобит маҳбусларнинг фамилияларини рўйхат бўйича ўқиди ва ҳар бир одам ўз исми, фамилияси, отасининг исмини, туғилган йили ва ўзига берилган жиноят кодекси моддасини, неча йилга кесилганини айтиб лагер зонасига киради. Менинг навбатим келганида, зобит мени тўхтатади.

“Олдин лагер бошлиғига учранг! У сиз билан шахсан сухбатлашади!” Кейин зобит аскарлардан бирига

деди: “Унинг нарсалари ва Муқаддас китобни олиб, бошлиқнинг хонасига олиб бор”.

“Менинг кетимдан юринг!” — менга мурожаат қилди аскар. У мени лагер бошлигининг хонаси жойлашган хизмат биносига олиб борди. Бошлиқнинг хонаси — унча катта бўлмаган, катта эман дарахти ёғочидан бўлган эски стол, панжарали иккита кичик деразаси бўлган ва хона бурчагида оғир темир сандик турган хона эди. Деворда узун товонигача шинел кийган ва бутун бўйи билан тушган Дзержинскийнинг катта сурати. Суратда Дзержинский жуда озғин, ёноклари чўқкан. Стол орқасида ўтирган одам — лагер бошлиги Станицкий ҳам худди шундай қиёфада.

Зобит мени кабинетга олиб кирганда, Станицкий аллақачон менинг хужжатларимни дикқат билан ўрганиб ўтиради: айлов хulosаси, Москва судининг ҳукми, менинг суддаги ёзувларим. Улар жуда кўп эди, 200 варакча, мен уларни катта папкада сақлардим. Унинг олдида шунингдек, мен учун энг қимматли нарса — катта, оғир — Москвада нашр қилинган Муқаддас Китоб ётарди. Бошлиқ ҳар бир қофозни дикқат билан кўздан кечираради. Кейин қўлига Муқаддас Китобни олиб варактай бошлайди ва мен тагига чизиб кўйган ҳар бир оятни ўқиди.

— Муқаддас Китоб — таъқиқланган китоб, мен уни лагерга киритмайман! — узил-кесил гапирди у.

— Нима, Муқаддас Китоб бизнинг мамлакатимиизда расман манъ қилинганми? — сўрайман мен. — СССР Конституцияси Муқаддас Китобни таъқиқламаган-ку!

Бошлиқ менга узоқ ва диққат билан тикилиб қарайди. Кейин унинг чеҳрасида мазах қилувчи кулги пайдо бўлади, у секин ва маъноли қилиб дейди:

— Ёзилган ва ёзилмаган қонунлар бор! Биз асосан ёзилмаган қонунларга асосан яшаймиз. Бу коммунизм ва материализм қонунлари. Ушбу қонунларга кўра, Муқаддас Китоб — заарли китоб ва бу китоб таъкиқланган! Ёзилмаган қонунлар — Конституция ва бошқалар — бу сизлар — баптистлар учун эмас. Балки чет элликлар, инсон хукуклари тарафдорлари учун. Мана бизнинг Конституциямизни ўқийверишин, биздаги виждан эркинлигига ҳайрон қолишсин! — шундай деб у сурбетларча кулди.

Мен шимолий Урал ўрмонлари ичидаги жойлашган бу лагер бошлиғи оддий одам эмаслигини тушундим. У динсиз давлатининг динга нисбатан сиёсатини яхши биларди.

— Сиз қандай муддатга ҳукм қилингансиз? — сўради бошлиқ яна менинг қоғозларимга диққатини қаратиб.

— Уч йилга, — жавоб қилдим мен .

— Қаерда ҳукм чиқаришди?

— Москвада.

— Нега бунча қоғозларингиз кўп?! — бошлиқ стол устига ишора қилди. — Бу ерда бир неча юзта қоғоз бор. Қандайдир илоҳӣ ёзувлар, шеърлар... Сиз нима ёзувчимисиз?

— Ёзиши яхши кўраман. Аммо бу, — мен қўлим билан қоғозларни кўрсатдим. — асосан менинг Москвадаги суд жараёнига тайёргарлик қилиб ёзганларим.

Станицкий қоғозларимни кўришда давом қиласди. Баъзиларини у диққат билан ўқиди. “Ўтилинг!” у нихоят менга эшик олдидаги стулни кўрсатди. Сукут ичидаги ўн беш дақиқача вақт ўтди. Бир неча марта Станицкий бошини кўтариб менга синовчан назар ташлади. Кейин у ўрнидан турди, столдан узоқлашиб,

умуман расмий бўлмаган, дўстона оҳангда сўради: “Кутиш зерикарлими? Яхши, сиз ҳозир зонага борасиз. Қоғозларингизни мен ўзимда олиб қоламан. Яна бир кўриб чиқаман ва эҳтимол қайтариб берарман. Муқаддас Китобни эса — йўқ!” Станицкий эшикни очди ва коридорда тахта пол юваётган маҳбусни баланд овозда чакирди: “Навбатчи!”

Шунда кутилмаган бир воеа юз берди: маҳбус бошлиқнинг хонасига кирганда, мен ҳайрон қолдим — бу мен жуда яхши танийдиган Фёдор Владимирович Маховицкий эди: у икки йилга лагерга ҳукм қилингандай бизнинг Ленинграддаги қайд қилинмаган жамоатимизнинг просвитери эди. Биз қулоқлашиб, хурсанд бўлиб бир-биришимиз билан кўришдик.

“Маховицкий, Масихдаги биродарингни қабул қилиб ол! Ўзинг яшайдиган биринчи баракка жойлаштири. Аммо, қара, уни дарҳол тунаб кетишмасин, биласан-ку бу ерда бизни янгиларни шундай қарши олишади!” лагер бошлиғи ўрнидан туриб столидан нарироқ бориб, бизга қизиқиш билан қаради. Фёдор Владимирович икки ойдан бери шу лагерда эди. Лагерда яна бир тақводор — Кавказлик Каншауби Джангетов ҳам бор эди. Бу ҳақда менга биринчи дақиқалардаёқ Фёдор Владимирович айтиб беришига улгурди. У гапиришни, ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни хоҳлаётгани сезилиб турарди.

“Мен Москвадаги бошликларни тушунмайман — нима сабабдан улар менинг лагеримга учта баптистни юборишидиди?!?” — бошлиқ бизга савол назари билан қаради. Аммо биз жим турардик. “Қулоқ солинг, Винс! Сиз баптист котибмисиз? Мен сизни ҳукм қилинишингиздан буни тушундим. Маховицкий, сиз эса Ленинградлик баптист попсиз, шундайми? Кав-

казлик Джангетов эса — баптист мусулмонларининг бошлиғи! Ана бўлмаса — баптистлар учлиги!” Кейин у кўлини силтади ва Маховицкийга мурожаат қилиб: “Уни баракка олиб бор!” — деди.

— Менинг Муқаддас Китобим—чи? — сўрадим мен бошлиқдан. — Уни менга қайтариб беринг! Мен шу Муқаддас Китобдан Москвадаги Лефортовода — КГБнинг камоқхонасида фойдаланганман.

— Йўқ. Муқаддас Китобни мен зонага қўймайман! Мен бутун лагер баптистларга айланишини истамайман. Боринглар! — дўқ қилди бизга қараб бошлиқ.

Биз зонага кирганимизда, мен билан бир этапда келган ўртоқларим ҳали баракларга тарқалишмаганди. Улар дарвоза яқинида туришарди. Барча янги келганларни, ёки бу ерда “янги этап” деб аталадиганларни шу ердаги маҳбусларнинг катта гурухи ўраб олганди. Маховицкийни навбатчи зобит чақирди, мен маҳбуслар орасида ёлғиз қолдим. Одатдаги саволлар: “Этап қаердан? Москваликлар, Ленинградликлар борми? Озодликда нима янгиликлар? У ёқда ҳаёт қандай?” Тайга лагери аҳолининг озодликдаги ҳаётдан жуда узоқликлари сезилиб турарди. Баланд бўйли, озғин маҳбус менга шундай деди: “Мен ўн олти ёшимдан бери лагердаман. Ҳозир мен йигирма тўққиз ёшдаман. Мен озодликдаги ҳаётни тасаввур ҳам қила олмайман!”

Мени 5–та маҳбус ўраб олди ва деярли зўрлаб четга олиб чиқиши: “Пул, чой, тамаки борми?” — улар менга еб қўйгудай бўлиб қараб туришар ва жавоб кутишарди. Мен лагерда биринчи мартаман, ҳали унинг тартиб-коидасини билмасдим.

— Мен чекмайман. Мен — тақводор масиҳийман! Пулим ҳам йўқ. Ахир, лагерда ёнингда пул бўлиши мумкинми? — соддалик билан сўрадим мен.

— Сен пулларни қаерингга тиқдинг? — яна сўрайди маҳбуслардан биттаси, менинг камзулимдан тортқилаб. Мен индамайман...

— Барибир топиб, олиб қўямиз! — қўшилди иккинчиси.

Мен жим туравердим. Шундай машаққатли йўл ва қор устидаги тинтувдан сўнг иссиқкина хона ва дам олиш ўрнига қароқчилар кўлига тушиш — ох, қандай даҳшат! Сал нарироқда яна бир маҳбус туриби — у ҳам қора камзул кийиб олганди. У русга сира ўхшамас, ўрта бўйли эди. Бу одам ҳеч нима демай менга қоп-қора кўзларини тикиб турар, ниманидир кутарди... Ниҳоят, мен бу ёқимсиз вазиятга нуқта қўйишга қарор қилдим. “Йигитлар, қулоқ солинглар! — мени ўраб олган маҳбусларга мурожаат қилдим (уларнинг мендан ёш эканлиги кўриниб турарди — ҳаммаси 20–25 ёшда эдилар). — Яххиси, менга баракка қандай боришни кўрсатинглар, — мен лагер бошлиғи менга айтган барак рақамини айтдим. — Менда пул ҳам, чой ҳам, тамаки ҳам йўқ, деб айтдим-ку! Мен масиҳийман, Москва суди томонидан Худога эътиқодим учун уч йилга лагерга ҳукм қилингандман!”

Гуруҳ норозилик билан ғудраниб тарқалди. Аммо четроқда турган маҳбус бошқалар билан кетмади. У жимгина менга яқин келди: катта-катта кўзлар, қоп-қора қалин қошлар, кирғий бурун, озғин ёноқлар... Мен унга қандайдир бир хавотирлик билан қарайман: унга мендан нима керак? Ким у? Нега у бу вакт ичида четда турди, бир ўзим қолишимни кутди? Эҳтимол, у пул талаб қилганлардан ҳам хавфлироқдир? Мен кескин орқамга ўғирилдим ва энг яқин барак томонга қараб ундан узоқлаша бошладим, тўсатдан: “Сиз — масиҳиймисиз?” деган савонли эшийтдим.

Мен бирдан тўхтаб қолдим, яқинлашиб келаётган маҳбусга қарадим. Балки, менга шундай эшитилгандир. Ким шундай жойда бу муқаддас сўзни айта олади? Тўсатдан унинг юзи кенг, деярли болаларча, унинг бутун қалби акс этган жилмайишдан ёришди... Йўқ, бу қароқчи эмас — бу дўст, менинг Масиҳдаги биродарим!

Мен дарров жавоб бердим: “Ха, мен Масиҳдаги биродарингизман. Сиз кимсиз?” Мен қўлимни чўздим. У ҳам менга қўлини чўзиб, қувонч билан деди: “Мен ҳам Масиҳдаги акангизман!” Биз қучоқлашдик, иккаламизнинг ҳам кўзларимиизда ёш... Мен ўзимни таништирдим, менинг янги акам ҳам ўз исмини айтди. “Мен — Джангетовман, бу менинг фамилиям. Исмим эса — Каншауби. Мен черкас миллатиданман, Кавказда яшаганман. Мен мусулмонман. Ўн тўққиз ёшимда Исо Масиҳга худди ўз Кутқарувчимга эътиқод қилгандай эътиқод қилдим. Мана, йигирма йилдан буён Масиҳнинг издошиман. Энди эса Хушхабарни тарғиб қилганим учун бу ерда — лагердаман”. Унинг русча нутқи тўғри эди, аммо овози қандайдир бўғик эди.

Шундай узок Шимолдаги ўрмонлар ва қорлар орасидаги ёлғиз лагерда эътиқоддаги биродарингни учратиш қандай баҳт! Тутқунликда ёлғиз бўлишинг, оғир, аммо икки ёки уч киши бўлса — бу жамоат-ку! Масиҳнинг Хушхабарда ва бизнинг юракларимиизда ёзилган сўзлари кишини рухлантиради: “Икки ё уч киши Менинг номим билан йифилса, Мен уларнинг орасида бўламан” (Мф.18:20).

Масиҳдаги биродарлик — бу жуда буюк сўзлар! Улар ҳаётнинг ва ишончнинг янги уфқларини очиб қалбни иситишади ва қанотлантиришади. Мен биродарларимни учратдим, қишли этапнинг машақ-

қатлари, совук, тутқунлик азоби, шафқатсизлик ва худосизлик судининг зўравонликлари эсдан чиқди. Буларнинг бари жуда узоқ-узоқларга чекинди. Ҳатто мен бир неча йиллик ҳаётимни ўтказишим керак бўлган Тайга лагерининг қаттиқ тартиби ҳам тушкунликсиз ва қайғусиз, умид ва ишонч ила қабул қилинади. Масиҳдаги биродарлик — бу сўзларда қандай куч ва кўтаринки рух мужассам!

Мен сени севаман, Масиҳ биродарлиги!
Сенинг эътиқодингта юксак парвоз.
Эзгу хабар буюк сўздир,
У асрлар оша ўлмайди!

Сен Масиҳдан совуқда ва иссиқда
Умид қилишга ўрганишга тайёрсан,
Ва ёвузлик билан ҳеч дўстлашмасликни,
Фақат тор йўлдан боришни ундан ўрганасан.

Кавказда, Украина чўлларида
Москва остидаги қишлоқларда, Урал тоғларида,
Сибир текисликлари кентгикларида
Сенинг эътиқодинг ғамларда мустаҳкамланди.

Мен сенинг зарранг бўлишдан,
Сен билан бирга қувонч ва ғамни бўлишишдан
хурсандман,
Сен ҳақингда доимо ибодат қилишга,
Масиҳ билан тезроқ учрашишга тайёрман.

ИККИНЧИ БОБ

Каншаубининг ҳикояси

“Сиз мусулмон бўлгансиз, энди эса сиз Масиҳга эътиқод қиласиз — бу қандай содир бўлди? Айтиб беринг, Каншауби”, — сўрадим мен Масихдаги янги биродаримдан ишдан кейинги бўш кечкурунлардан бирида. У менга ўз халқи, ўз ҳаёти ва оиласи ҳақида айтиб берди.

Кавказ водийлари ва тоғлари орасида унча кўп сонли бўлмаган халқ — черкаслар яшашади. Уларнинг сони бугунги кунда 100 мингдан ортиқ эмас. Баланд оппоқ қорли тоғ чўққилари, тошлок ўзандан силлиқ тошларни шовқин-сурон билан думалатувчи тезоқар ва жадал тоғ дарёлари, ям-яшил гуллаётган водийлари. Барча шу гўзалликлар узра осмон, кундузи у кўм-кўк, жануб қуёши у узра нур сочиб туради, тунлари эса — қоп-қора, сирли, ёрқин ёнувчи юлдузлар... “Бу — менинг Ватаним! — шодлик билан жилмаяди Каншауби. — У ерда мен жуда севадиган ва Масиҳга жуда муҳтож менинг халқим яшайди!”

Каншауби болалик йилларини эслайди. Унинг ҳамма қариндошлари — мусулмонлар. У туғилиб ўсан овулдан унча узоқ бўлмаган жойда рус қишлоғи жойлашган эди. у болалигига қариндошлари ва қўшниларининг руслар ҳақида, уларнинг ҳаётлари ва урф-одатлари ҳақида айтиб берганларини кўп

эшитган... Русларда ўз Худолари — Масих бор ва руслар ўзларини масиҳийлар деб атashади. Черкас қарияларнинг айтиб беришларича, қачонлардир, 100 йиллар илгари руслар ва черкаслар ўртасида катта уруш бўлган... Аммо бугунги кунда улар тинч яшашади — рус қишлоғи ва унинг ёнида черкаслар овули. Кўп руслар черкас тилини билишади, кўпчилик черкаслар эса, айниқса ёшлар, рус тилида яхши сўзлашишади.

Черкас овуллининг марказида устида ярим ой бор чиройли мачит бор. Рус қишлоғи ўртасида эса катта хоч бўлган проваслав жамоати. Бир куни овулга шаҳардан қандайдир бошлиқлар келишди. Улар овул халқини мачит олдидаги катта майдонга мажлисга йиғишиди ва нима ҳақдадир узоқ гапиришиди, баланд овозда кичқиришиди ва қўлларини силкитишиди. Уларни энг кўп ҳаяжонга солган нарса — бу черкаслар Худоси ва руслар худоси Масих эди! Улар кўп марта: “Оллоҳ йўқ! Худо ҳам йўқ!” деб такрорлашди.

Йиғилишдан сўнг улар мачитни ёпиб, эшигига катта қулф осишди. Мачит мулласини эса қамоққа олишди. Оқ соқолли черкас қариялар норозилик билан бошларини иргитиб, ҳаммалари нималардир ҳақида пичирлаб сўзлашишиди. Тезда рус қишлоғидаги жамоатни ҳам ёпишгани ва унинг ҳам эшигига катта қулф осишгани маълум бўлди. Рус мулласини эса — рухонийни ҳам қамоққа олиб кетишиди. Бир йилдан сўнг жамоатни ҳам, мачитни ҳам дон-дун сақланадиган омборхонага айлантиришиди.

Каншауби болалиқдан кўп нарсалар ҳақида хаёл сурини яхши кўрарди. У айниқса кун бўйи бир ўзи ёлғиз қўйларни боққанда ўзи яхши кўрган иши билан шуғулланарди. У тез-тез русларнинг Худоси ҳақида ўйларди: Ким У?

“Худо муруввати туфайли мен тақводор бўлдим,— давом қилди ўз ҳикоясини Каншауби.— Худо менинг руҳим уйғониши йўлини белгилаб берди. Менниг онам Хушхабар ҳақиқатини билмаса—да Худога ишонарди. У Худога Яратувчи сифатида ишонарди, шунингдек, у дунёга ва тирикларнинг ҳам, ўликларнинг ҳам устидан Худо ҳукми албатта бўлишига ишонарди. У болаларига, яъни бизга шундай дерди: “Болаларим! Унутманглар: ҳар бир одамни ўлим кутиши муқаррар бўлгани каби, ҳаммани қайта тирилиш ҳам кутади. Вакти келиб ҳар бир одам Худо ҳукми олдида туради ва ҳар бир айтган сўзи, ер юзида ҳар бир қилган иши учун ҳисобот беради”. Онам бизга шу гапларни тез-тез такрорларди ва ёш болалигимизданоқ бизнинг юракларимизда Яратганга ва Ижодкорга ишонч, ўликларнинг қайта тирилишига ишонч уруғларини сочарди.

Мени болилигимданоқ ўлим ҳақида фикр даҳшатга соларди. Мен кўпинча: “Нима сабабдан Худо одамни ўладиган қилиб яратди? Ох, агар одам ҳеч қачон ўлмаганда эди!” каби саволлар устида бош қотирадим. 1942 йилда отам ўлди. 1946 йилда эса онам баҳтсиз ҳодисага учради: уни машина босиб кетди. Шундай қилиб, биз етим бўлиб қолдик. Бу пайтда катта акам қамоқда эди. Бизнинг етим бўлиб қолган уйимизда мендан ташқари икки укам ва бир синглим қолди: бир укам тўрт ёшда, иккинчиси — 8 ёшда, синглим эса 12 ёшда эди. Укаларим ва синглимни боқиш учун уйимиздан 40 км. нарида узоқда бўлган тоғларда пода боқиш учун ёлландим. У ерда бизни холавач-чамиз ўз оиласи билан яшарди, у бизнинг ўзининг уйига олиб кетди. У яшайдиган овул ёки русчасига қишлоқ аҳолиси аралаш эди: ҳам руслар, ҳам черкаслар. Аммо улар тинч яшашарди, жанжалашишмасди.

1947 йилнинг ёзи ўртасида мен бир йигитча билан танишдим. У ҳам чўпон эди. Бир куни биз подани сугоришга ҳайдаб келдик. Тушлик пайти эди. Унинг қариндошларидан кимdir унга тушлик келтирди. Мен ҳам укаларимни тушлик олиб келишларини кутаётган эдим. Биз суҳбатлаша бошладик. Унинг исми Володя эди. У менга ҳаёти ҳақида айтиб берди: “Бизнинг бувимиз художўй бўлган. Унинг ибодатлари туфайли барча ўғиллари урушда тирик қолган!” Кейин у қўшиб қўйди: “Биз баптистлармиз”. Мен умримда биринчи бор бундай сўзни эшитиб турган эдим. Шунинг учун “баптистлар” бу бир миллат деб ўйладим.

Аммо Володя менга тушунтириб берди: “Биз — художўйлармиз, бизда Муқаддас Китоб бор. Отам тез-тез ундан бизга парчалар ўқиб бериб туради. Бизнинг отамиз ичмайди, чекмайди ва ҳеч қачон сўкинмайди”. Шундай қилиб Володя менга ўз оиласининг масиҳийлик ҳаёт тарзи ҳақида сўзлаб бера бошлади. У менга буларни сўзлаб бераётганда, Муқаддас Китобдан жуда қўп оятларни ёддан айтиб берарди. Бу мени жуда қизиқтириб қўйди. Мен ундан:

— Кулок сол, Володя, менга Муқаддас Китобингни олиб кел. Мен уни ўқимоқчиман, — деб илтимос қилдим.

Аммо Володя шундай деб жавоб қайтарди:

— Муқаддас Китоб ҳаммага ҳам тушунарли эмас.

Мен сўрадим:

— Нега бундай? У рус тилида-ку! Мен рус тилида яхши ўқийман.

Аммо Володя менга барибир Муқаддас Китобни ўқиши учун олиб келмади. У шундай деди:

— Биласанми, Каншауби, Муқаддас Китоб — жуда азиз китоб. Отам уни жуда асрайди ва уни уйдан олиб чиқишига рухсат бермайди.

1948 йили мен колхозга ишга кирдим. У ерда мен яна тақводорлар билан учрашдим. Мен колхозда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган қиз билан танишдим. Олдинига мен унинг ким эканлигини билмадим. Аммо у бошқалардан ўзининг камтарлиги билан ажратиб туришини сездим. Мен қизиқиб қолдим ва болалардан у ҳақда суриштира бошладим. Улар: “У — баптист!” — дейишиди. Ана шундай мен яна “баптист” сўзини эшитдим. Менинг саволларим кўп эди. Мен у билан яқинроқ танишишга қарор қилдим. У менга дүёнинг яратилиши ва барча нарсанинг Яратувчиси Худо ҳақида, Исо Масих ҳақида, Нажот тоғиши йўллари ҳақида мамнуният билан сўзлаб бера бошлади. Мен қўшни қишлоқда бешта хушхабарчи масиҳий-баптистлар оилалари яашини билиб олдим.

Ундан ўқиши учун менга бирон нарса беришини илтимос қилдим. У “Биродарлик хабарномаси” масиҳийлар журналини келтирди. Мен журналнинг биринчи саҳифасини очиб, ўқидим: “Битта Худо, битта эътиқод, битта имон келтириш”. Хўш, “Битта Худо, битта эътиқод — буни тушунса бўлади, аммо “битта имон келтириш” — дегани нимани англатади? Кейин мен ундан Муқаддас Китоб келтиришини илтимос қилдим. Қиз менга кичкинагина китобчани — Матто Хушхабарини келтирди. Чунки унда Муқаддас Китобнинг ҳаммаси йўқ экан. Мен Хушхабарни ўқий бошладим. Аммо кўп нарса менга тушунарсиз эди. Шунда мен Володянинг: “Бу китоб ҳаммага ҳам тушунарли эмас!” деган сўзларини эсладим. Энди мен ўзим Муқаддас Китобда чуқур

денишмандлик мужассам эканлигига ва уни дархол тушуниб етиш қийин эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Бир куни мен колхознинг қурувчилик биргадасида ишлаб юрганимда, тушлик танаффусида қурилаётган уйнинг томида бир ўзим қолиб Хушхабарни ўқиётган эдим. Мен Матто Хушхабарининг 24-бобига эътиборимни қаратдим. У ерда Масихнинг охир замон воқеалари ҳақида ўз ўқувчилари билан қилган сухбати тасвирланган эди: күёшнинг сўниши ва ой ўз нурини бермаслиги ҳақида, ер юзи ва ундаги бор нарсалар куйиб кул бўлиши ҳақида. Мен бунга жуда қизиқиб қолиб ўйладим: “Масихнинг ўзи охир замон ҳақида нима дейди?”

Шундай қилиб мен Матто Хушхабарининг 24-бобидаги оятларни бирин-кетин ўқий бошладим ва: “Бу сўзларнинг бари Масихнинг ўзиники!” деб ўйладим. Шу пайт тушликдан менинг ҳамкасларим қайтиб келиб, русча Хушхабарни ўқиётганимни кўришди. Кимdir устимдан кулди, кимdir ҳайрон қолди. Аммо мен эътибор қилмадим. Мен шу бобнинг 14-оятини ўқиганимда, тўсатдан ҳаммасини тушундим: “Шоҳлик тўғрисидаги Хушхабар бутун дунё бўйлаб ваъз қилинади, шу тариқа ҳамма ҳалқлар буни эшигади, ниҳоят, охир замон келади” (Мат. 24:14). Бу менинг барча шубҳаларимни тарқатиб юборди ва Хушхабарга бўлган ҳар қандай ишончсизлигимни йўқ қилди.

Бунгача мен “Қуръон ва Мұхаммад — биз мусулмонлар учун, Масих ва Хушхабар — руслар учун, масиҳийлар учун”, — деб ўйладим. Аммо мен: “Хушхабар барча ҳалқларга тарғиб қилинади ва шунда охир замон келади”, деб ўқиганимда, мен қараашларимни ўзгартирдим. Мен Хушхабар гувоҳлигини худди

ягона ва мутлақ ҳақиқат каби қабул қилдим: Хушхабар бутун халқларга, жумладан, черкасларга ҳам тарғиб қилиниши тугамагунча Худо охир замонни ушлаб уради!” Демак, биз черкаслар ҳам Хушхабарга ишонишимиш из ва Масихни Худо Ўғли каби қабул қилишимиз керак! Мен қўлимдаги очик турган Хушхабар билан сакраб ўрнимдан туриб кетдим. Мендан сал нарироқда холамнинг ўғли турарди. Унинг олдига келиб ишонч билан дедим:

— Қара! Мана бу Хушхабар барча халқларга тарғиб қилиниши керак, шунда охир замон бўлади!

Аммо у менга қараб. аччиқланиб жавоб қилди:

— Ўзингнинг русча Хушхабаринг билан ёнимга келма!

Кейинроқ менга Матто Хушхабарини берган қизни учратдим ва унга: “Қулоқ сол! Хушхабар нафақат русларники, балки барча халқларники, шу жумладан бизники — черкасларники ҳам экан-ку! Шунинг учун Хушхабар барча халқларга, жумладан, мусулмонларга ҳам тарғиб қилиниши керак!” дедим.

Шундан бошлаб менда Хушхабарнинг ҳақиқийлигига, унинг Худодан эканлигига ишонч пайдо бўлди. Мен тақводорларнинг йиғилишларига боришига қарор қилдим. Биз жуда камбағал яшардик: менда яхшироқ кийим-кечагим ва оёқ кийимим йўқ эди. Аммо мен бор нарсамни кийдим. Биз кетдик: мен ва ўша қиз оиласи билан. Худога хизмат қилишга бағишлиланган мажлис руслар қишлоғида — бизнинг овулимииздан 16 км. нарида эди. Тўрт соатлар юриш керак эди. Йўлда суҳбатлашиб кетаётганимизда мен сўрадим:

— Масихнинг Матто Хушхабарида ёзилган 10:35–36-оятларни қандай тушуниш керак: “Ўғилларни от-аларига қарши қўйгани, қизларни оналарига қарши

қүйгани, келинларни қайноналарига қарши қүйгани келгәнман. Одамнинг оила аъзолари унинг душмани бўлади.” Мени бу сўзлар ҳайрон қолдиради. Наҳотки агар мен Худо йўлини танласам, мендан бу учун нафратланишади? Бўлмаган гап!

Аммо тақводорлар менга шундай жавоб беришиди:

— Сен Худо йўлидан боришга харакат қил, шунда сени қандай таъқиб қилишларини кўрасан. Энг аввало. улар ўзингнинг қариндошларинг бўлади!

Мен бунга ишонмасдим. Биз мажлисга етиб келдик: оддий ахоли яшайдиган уй, катта хона, столга оқ дастурхон солинган. Стол устида катта Муқаддас Китоб, деворлarda эса: “Биз хочга тортилган Масиҳни тарғиб қиласиз” — деган ёзув бор. Хонада 50 тача одам йифилган эди. Бу менинг ҳаётимдаги биринчи тақводорлар йиғилиши эди. Ўша якшанбада нон синдириш куни эди: Художўй одамлар Исо Масиҳнинг одамлар гуноҳлари учун чеккан азобларини ва ўлимими эслашарди. Ҳамма: “Жаннатга биз Гўлўта орқали борамиз” қўшигини куйлашарди. Мен эса эшитиб ўтириб ўйлардим: “Жаннат ҳақида мен онамдан кўп марта эшитганман: у бизга жаннат ва дўзах бор деб ўргатарди”.

Воиз Масиҳ ҳақида ва Унинг биз учун қилган қурбонлиги ҳақида сўзларди. Йиғилиш пайтида мен одамларга қарадим: мен бу одамларнинг ҳаммасининг юзида умумий бир ифода — илҳом ва қувонч борлигини бутун умрга эслаб қолдим. Йиғилишдан сўнг мажлисни бошқараётган одам сўради: “Ким нон синдиришда иштирок қиласади?” Мен ўрнимдан турдим. У менга: “Бу сизга тегишли эмас. Саволим жамоат аъзоларига қаратилган. Сиз эса бугун факат тингловчисиз”. Бошқа воиз жилмайиб, қўшимча қилди:

“У ўрнидан турдими, демак, у тез орада бизнинг биродаримиз бўлади!” Менда бу биринчи йигилиш жуда катта таассурот қолдирди: мен ушбу тақводорларга ўхшашни орзу қилардим.

Менинг яқинларим рус тақводорларнинг йигилишига борганимни билишарди. Аммо бошида улар ҳеч нима дейишмади. Афтидан, улар мени бу йигилишга қизиқиб борган деб ўйлашди. Аммо мен йигилишга кейинги якшанба куни яна борганимда, улар хавотирга тушишди. Бу ҳакда қўшниларимиз ва овулнинг қолган аҳолиси ҳам билди.

Бир куни кечкурун мен овулдан ташқарига чиқдим ва ўтлоқда ибодат қилиш учун тиз чўқдим: “Худойим! Менга ўз ҳақиқатингни аён қил!” Бундан олдин мен Матто Хушхабаридан: “*Бизни васвасага дучор қилмагин. Бизни иблисдан қутқаргин. Шоҳлик, куч-қудрат ва шон-шуҳрат тоабад Сеникидир*” (Мат.6:33) деган оятни ўқиган эдим. Мен оддий ҳаёт муаммолари билан тўла банд эдим: иш, ойлик, етишмовчилик. Аммо Худо менга энг аввало маънавий қадриятларга — Худо билан мулоқотга, Худо Шоҳлигига интилиш кераклигини кўрсатди. Биз — мусулмонлар Худодан умид қилар эканмиз, ҳаётий муаммоларимиз асосан моддий томонга йўналтирилган. Энди эса Худо менга Ўз Хушхабари орқали ҳаётдаги асосий мақсад — бу Худога эътиқод ва унга Итоаткорлик, Хушхабарга асосан соғ масиҳийлик ҳаёти эканлигини аён қилди.

Менинг черкас қишлоқдошларим Масиҳга эътиқод қилишни бошлаганимни билганларида, улар катта акамни менга қарши гиж-гижтай бошлишди. Улар акамга: “Сенинг уканг бизнинг мусулмон динимизга хиёнат қилди, Мұхаммадга хиёнат қилди, ота-боболаримиз динидан бош тортди. Бизнинг

одатларимизга кўра уни тошбўрон қилиш керак!” дейишарди.

Биринчи марта акам уларга яхши жавоб берибди: “Сиз ўзингиз аввал Қуръон ва Муҳаммад ўргатганидай яшанг! Ҳақиқий мусулмон бўлинг. Динимизда кўрсатилган барча амрларни бажаринг. Кейин менинг укамни эътиқодга ўргатишга келинг!” Улар эса хеч нарса дея олмабдилар. Чунки уларнинг кўпчилиги фақат анъаналарга кўра мусулмон деб аталардилар, ўзлари эса даҳрийлар каби яшардилар. Акам ана шундай деб менинг ёнимни олибди. Афсуски, бу фақат бошида эди. Акам менга Масихга эътиқод қилишни ва Худога тақвадорлар йигилишларига боришимни таъқиқлаб қўйишини қишлоқдошларимиз сўраб талаб қилишда давом этдилар. Шунга акам менга қарши ғазаб отига минди.

Бир куни кечки пайт мен ишдан кейин печка ёнида ўтиардим. Акам эса орқага-олдинга, олдинга-орқага (у ёқдан—бу ёқка) бориб келарди. Тўсатдан у шундай деди: “Сен бизни бугун черкас халқи олдида шарманда қилдинг! Сен мусулмон ота-боболарингга, ота-онангга хиёнат қилдинг! Сен Худодан ва унинг пайғамбари Муҳаммаддан юз ўғирдинг!”

Мен индамадим. Кейин мен хонадан чиқиб, ертўлага тушдим. Устимдан эшикни ёпиб тиз чўқдим ва Худодан акамнинг юрагини юмшатишини ва унга Хушхабар ҳақиқатини очишини сўраб қизғин ибодат қила бошладим. Шу пайт акам ертўла эшигини очди ва менинг ибодат қилаётганимни кўрди. “Ҳа, сен шу ерда ҳам ўз Масиҳингга ибодат қиляпсанми?!” — қичқирди у ва мени дўйпослай кетди. Унинг болала-ри — жиянларим югуриб келишди ва: “Каншаубини урманг!” деб ялина бошлашди. Улар мени жуда яхши кўрардилар, шунинг учун ачиндилар.

Акам мени уйдан ҳайдаб юборди ва ҳовлида узок бакирди: “Иккинчи уйга оёғингни босма!” Мен ҳовлидан чиқдим. Юрагимни тош босиб турарди. Аммо айни пайтда Худо номи учун ҳақоратларга чидаганим ва дўппосланганим учун қалбим қувончга тўла эди. Мен Матто Хушхабарининг 10:22да ёзилган Масихнинг сўзларини эсладим: “Ҳамма одамлар Мен туфайли сизлардан нафратланадилар, аммо охиригача қатъият билан турадиганлар најсот топадилар”

1949 йилда мен имонимга кўра сувда имонга кирдим ва жамоат аъзоси бўлдим. Мен қўшни қишлоқда яшай бошладим. Орадан бир йил ўтгач, амакимни учратдим. Акам мени уйдан ҳайдаб юборгани учун у жуда хафа эди. Биз у билан суҳбатлаша бошладик. Шунда амаким, Масихни яхши одам бўлган деб ҳисоблайман, деб айтди. Аммо амаким Масихнинг фақат пайғамбар эканлигини, Худонинг Ўғли эмаслигини таъкидлади. Амаким шундай деди: “Мана Мұхаммад ҳам Масих ҳақида, Исо деган пайғамбар бўлганлиги ҳақида айтган! Аммо масихийлар Уни Худо Ўғли деб атаб ноҳақдирлар. Худода Ўғли бўлиши мумкин эмас! Худо одамларга Мұхаммадни, ўзининг сўнгги пайғамбарини юборган. Ва Мұхаммадга ўзининг охирги вахийлигини берган. Шунинг учун Мұхаммаднинг сўзи — энг асосий ва тўғридир!”

Мен Муқаддас Китобни олдим ва Ваҳий китобини очдим. Кейин Исо Масихнинг сўзларини ўқидим: “Мен Ибтидо ва Интиҳо, Аввалию Охир,

Боши ва Сўнгдирман” (Вах.22:13). “Муқаддас Китобда шундай деб ёзилган, — дедим мен амакимга. — Масих буни ўзи ҳақида Мұхаммаддан 600 йил илгари айтган. Шунинг учун ҳам Масихдан сўнг Мұхаммадгача жой йўқ! Масих биринчи ва охирги,

ҳаммасининг бошланиши ва охири!” Амаким бунга қўшилмасди. Аммо мени жуда яхши кўрганлиги учун туғилиб ўсган овулимга қайтаришга ҳаракат қиласди.

Эллигинчи йилларда мен овулимга қайтдим. Амаким ҳали ҳаёт эди. Мен унинг ўғли Яшаникida яшай бошладим. Ишга жойлашдим. Орадан бир неча кун ўтди. Бир куни кечқурун Яшанинг уйида барча қариндошларимиз йифилишди. Бир пайтлар мени уйдан ҳайдаб юборган акам ҳам келди.

Кариндошларим менга шундай дейишди: “Биз сенинг туғилиб ўсган овулингга қайтганингдан хурсандмиз. Агар сен масиҳий бўлиб қолсанг ва шундай деб ўйлашда давом қиласанг, унда бизнинг орамизда сенга жой йўқ! Бугун шуни ҳал қил: агар биз билан яшашни хоҳласанг, Масиҳдан воз кеч ва бизга ўхшаб яша. Сен биздан ортиқ эмассан! Ҳозир юр мулланинг олдига. Сен адашганинг ҳақида мулланинг олдида тавба қиласан ва у сени Масиҳга берган қасамингдан озод қиласди. Амакинг сенга Худога ибодат қилишни ўргатади — у Қуръонни ҳаммадан яхши билади. Агар Худога сигинишни истамасанг — унда комсомолга, партияга кир, ўсиб-ун! Аммо олдин Масиҳдан воз кеч!”

Мен уларга шундай деб жавоб қилдим: “Мени амал-лавозим қизиқтиrmайди, мени лавозим пилла-поялари қизиқтиrmайди. Мен тақводорман! Мен Худо қонунларига асосан яшайман. Худо сизнинг ҳам, азизларим, эътиқодда ва тақводорликда яшашингизни хоҳлайди!” Улар менинг устимдан кула бошлашди: “Авлиё!” Акам эса ўрнидан сакраб турди, қўлига таёқ олди ва мени бир неча марта урди. Ва ўша кечасиёқ у мени амакиваччам Яшанинг уйидан ҳайдаб юборди.

Мен пўстинимни олиб, отхонага тунаш учун жўнадим. Мен у ерда ишлардим, отларга қаардим. Кейинги куни мен Яшаникига тушлик қилишга келдим. У уйда йўқ эди. Унинг хотини менга шундай деди: “Яша ишга кетди, менга сенинг қорнингни тўйғазишмни буюрди. Ўтири, овқатланиб ол!” Кейин у кўшиб қўйди: “Сен қандай бахтсизсан! Қандайдир рус Масихи учун азоб чекяпсан!”

Кейинги куни мен туғилиб ўсган овулимдан чиқиб кетдим...

Мен жуда қизиқиши билан Каншаубининг ҳикоясини эшитдим: унинг Масихга томон йўли жудатиканли эди. Энди эса кишанлар ва ҳокимият таъқиблари, бу тайга лагери. Унинг кейинги ҳикоясидан мен Каншаубининг ўз овулидан чиқиб кетиб, тез орада ёш рус тақводор қизига уйланганини билдим.

“Хотинимнинг исми Тоня, Антонина Гавриловна. У Худога сидқидилдан ва самимий ишонади. Худо бизга олтига фарзанд берди. Турмуш қурганимиздан сўнг биз Тоня билан Черкасск шахридан унча узок бўлмаган Уст-Жегута қишлоғида яшай бошладик. Мен колхозда дурадгор бўлиб ишлай бошладим. Якшанба кунлари эса Хушхабарчи Масихий-баптистларнинг жамоатида ваъз ўқирдим.

1966 йилнинг 14 сентябрида мени Хушхабарни тарғиб қилишим учун қамашди. Биз — суд қилинаётган тақводорлар Кавказ ва Ростов вилоятининг турли шаҳарларидан бўлган саккизта киши эдик. Биз учун қўйилган айблок асосан диний йигилишларни ўтказиш эди. Биз эркакларнинг орамизда судланувчилар қора курсисида яна уч боланинг онаси, собиқ мактаб ўқитувчиси бизнинг эътиқоддаги опамиз ҳам бор эди. Уни болалар билан эътиқодга оид машгулотларни ўтказгани учун суд қилишди. У

ҳомиладор бўлиб, тўртинчи боласини қутарди. Аммо барибир уни уч йилга лагерга хукм қилишди. Лагерда у ўғил туғди. Бизнинг Уст-Жегут жамоатимиздан судланувчилар орасида бир ўзим эдим. Мени ҳам уч йилга умумий тартибдаги лагерга хукм қилишди.

Жазони ўташ учун мени бу ерга — шимолга юбориши. Олдин мен бошқа эътиқоддаги биродарларим билан Пятигорскда ва Ростовдаги жўнатиш пунктларида бўлдим. Камерада биз тақводорлар тўрт киши эдик. Мен қамоқхонадаги жўнатиш камералари одамларга Масих ҳакида гувоҳлик бериш учун энг яхши жой эканлигини билдим. Худо ҳалқи ибодатлари бўйича Раббий биз билан эди, бизга У гувоҳлик берishimiz учун куч ва донишмандлик берарди. Ростовда бир жиноятчи бизга жуда қарши чиқди ва бизнинг гувоҳлигимизга қаршилик қилди. Аммо камерадаги бошқа маҳбуслар уни тўхтатишарди: “Бизга ҳалақит берма! Булар авлиё одамлар. Улар бизга ҳақиқатни гапиришяпти!”

Ростовдан кейин мени, афсуски, биродарларимдан ажратишиди ва этап билан Уралга жўнатиши. Мен Пятигорскнинг, Ростовнинг, Уражавканинг, Горькийнинг, Кировнинг, Пермнинг, Соликамскнинг жуда кўп жўнатиш қамоқхоналаридан ўтишимга тўғри келди. Қамалишимдан сал илгари мен бир қария билан — Мозалевич фамилияли бизнинг эътиқодимиздаги бир биродаримиз билан танишдим. У менга 1932 йилда эътиқоди учун сургун қилинганлигини айтиб берди. Ўшанда сургун қилинганларнинг катта гурухини баржада Шимолий дарё орқали олиб кетишибди ва Сибирь тайгасида баржадан туширишибди. Атрофда на уй, на бирон кимса йўқ... Уларни кеч кузда, шундайгина очиқ осмон тагига туширишибди. Кўпчилик-

нинг кийими эса ҳали ёзлик эди. Совуқ ёмғир ёғарди. Сургундагиларнинг кўлига арра ва болталар бериб: “Мана ўрмон — уни кесиб, ўзингизга яшаш учун уй қулинг”, — дейишибди.

Ўша сургун қилинганлар гурухи ичида иккита тақводор одам бор экан: Мозалевич ва яна бир биродар. Иккаловига битта эскигина пахтали камзул бор эди. Мозалевич ака шундай деб ҳикоя қиласди: “Биз гулхан ёқдик, совуқ, тун... Гулхан ёнида ўтирибмиз. Уйкумиз келяпти, чарчаганмиз. Биз иккаламиз келишиб олдик: биттамиз гулхан ўчмаслиги учун уни ёқиб турамиз, иккинчимиз ухлаймиз. Шундай қилиб бир-бирибмиз билан алмашиниб турдик. Камзулни ҳам навбат билан кийдик. Аммо эрталабга яқин иккаламиз ҳам ухлаб қолибмиз. 2 биродаримиз гулхангяқин ўтирганлиги учун унинг эгнидаги камзул куйибди. Ярми куйиб кетибди. Шундай қилиб иккаламизга яримта камзул қолди. Аммо Худо ёрдами билан тирик қолдик!”

Каншауби давом қилди: “Мен Уралда, Соликамскда сургунда бўлган пайтимда биз йигирма кишига мўлжалланган камерада 40та одам яшаганмиз. Жой етишмас, ҳаво бузилган эди. Мен пастки нараларда ўтириб ухлардим: агар кимdir уйқусида оёғини йиғиштиrsa, мен ўша ерга ўтирадим. Шундай ухлардим, аммо кимdir уйқусида оёғини чўзган пайтда мен полга йиқилиб тушардим. Ўрнимдан туриб камерада у ёқдан-бу ёққа юардим ва кимнингдир оёғини йиғиштиришини кутардим. Ана шундай ҳолатда мен деярли ухламасдан 3–4 кунни ўтказдим. Жуда чарчадим ва шунда ўз ҳаётимдан норозилик пайдо бўлди. Аммо мен биродарим Мозалевичнинг ҳикоясини эсладим: ўрмон, тун, совуқ куз ёмғири, гулхан, икки кишига битта ярми ёниб

кетган камзул. Мен-чи, мен иссиққина жойдаман, кийинганман, қорним тўқ. Шунда мен Худодан норозилигим учун кечирим сўрай бошладим ва самовий Отамга унинг менга қилган ғамхўрлиги ва васийлиги учун миннатдорчилик билдиридим”.

Мен Каншаубидан: “Сиз қүёшли Кавказ одамисиз, шимолнинг қаҳратон совуқларига ва тайга лагерининг оғир шароитига қандай чидаяпсиз? Масихга эргашгани учун бугун пушайман эмасмиз?” сўрадим.

— Йўқ, пушаймон эмасман, — жавоб қилди Каншауби, — бу ягона тўғри йўл — Муқаддас Китоб таълимотида қатъий туриш ва Масихга хиёнат қилмаслик.

— Ҳа, аммо сиз, бу совуқларга, бўронларга ва чукур қорларга ўрганмагансиз-ку!

— Мен ўзимга кучни Исо Масихдан оламан, Унинг ёрдамида ҳаммасига кўникаман, — жилмайди у.

Шунда мен I асрда яшаган бошқа бир эътиқод учун қамалган тутқуннинг — ҳаворий Павлуснинг сўзларини эсладим: “Мен танқислиқда ҳам, мўл-кўлчилиқда ҳам қандай ҳаёт кечиришни биламан. Ҳар қандай шароитда ва ҳар ерда ҳам тўқ бўлиш, ҳам оч қолиш, ҳам фаровонлиқда яшаш, ҳам муҳтожлиқда қолишнинг сирларини ўргангандман. *Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан*” (Флп.4:12,13).

Чепечанкадаги лагерга энди келган вақтлари Каншауби ўзини жуда ёлғиз ҳис қиларкан. Лагер бошлиғи уни қўполлик билан ва мазах қилиб кутиб олибди: “Мен сенга чиқарилган ҳукмни ўқидим, бир нарса-га сира тушуна олмаяпман: сен — черкас, мусулмон қандай қилиб баптистга айландинг? Сенга Рус Худоси нега керак? Кўрдингми, у сени қаерга олиб келди: муз мамлакатга, Шимолга, Тайга лагерига! Эсингдан

чиқарма: бу ерда ўрмонда хўжайин — айик, лагерда эса мен хўжайнинман. Бу ерда мендан бошқа ҳеч қандай ҳоким йўқ. Сен ўзингнинг Масиҳ — Худоингдан воз кеч ва коммунизмга, Ленинга ишон. Дунёда факат битта эътиқод бор — у коммунизм, битта Худо бор — бу — Ленин!”

Бошқа сафар бошлиқ Каншаубини баракда учратиб сўради: “Хўш, Худоингнинг ишлари қалай? Фикрингни ўзгартирмадингми, ҳали ҳам ишонасанми? Мен Сталин даврида сенга ўхшаганларни ўзим отиб ташлаганман!”

УЧИНЧИ БОБ “Букри”

Лагер бошлиғининг лақаби “Букри” эди. Бу лақабни унга Чепечанка маҳбуслари беришганди ва у бу лақабга шундай ёпишиб қўя қолганди. Чунки у шу лақабга жуда мос эди. Ҳа, ҳаёт уни гоҳ юқорига, гоҳ пастга отиб роса эгган, оқибатда унинг қомати буқчайиб қолганди.

Бошлиқнинг фамилияси — Станицкий эди. Бу 50 ёшлардаги баланд бўйли, озғин, оқ сочли, ҳар доим соқолларини қириб олиб юрадиган, ёноклари кўқимтирип одам эди. у маҳбуслар билан, шунингдек, қўл остидаги зобитлар ва аскарлар билан доимо қатъий расмий муносабатда бўларди. Бирор билан сухбатлашаётганда кулранг кўзларининг нигоҳи жуда оғир, деярли ҳаракатсиз қотиб туришарди. Станицкий кўпинча маст ҳолда юрар, аммо маст бўлмаган пайтларида камгап бўлар, шунда нафақат маҳбуслар, аммо зобитлар ҳам унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилишарди.

Станицкий ичиб олса, кескин ўзгаради: кўп ҳазиллашар, баланд овозда сўкинар, лагер бўйлаб деярли югуриб юрарди. Кўпинча у тез ва илдам қадамлар билан аскарлар назорати остида ўрмонда ишлаётган маҳбусларнинг ёнига борарди. У маҳбусларни озгина гуноҳлари учун қаттиқ жазолашни айтиб қўрқитар, аммо бу ҳеч қўрқинчли туюлмасди, аксинча, ҳатто

у маҳбусларга қўлида таёқ билан ташланганда ҳам ҳазилишаётган ўхшаб туюларди.

Мени лагерга олиб келганларида Станицкий капитан унвонида эди. у 10 йилдан бери шу ўрмонлар ва ботқоқлар ичидаги ёғоч тайёрлаш лагерида бошлиқ эди. Бу ерда 64⁰гача совуқ бўларди. Совуқ ҳаводан бир марта нафас олган одамнинг кўкраги ва ўпкасида қаттиқ оғриқ турарди. Ёзда эса машиналар галаси ва майда чивинлар булути жонга тегарди. Улар шунчалар кўп бўлардики, худди осмонни қоплаб олганга ўхшарди ва улардан на ўрмонда, на маҳбуслар яшайдиган баракларда, на озод аҳоли яшайдиган қишлоқларда тинчлик бор эди.

Ўтмишда Станицкий КГБ полковниги бўлган ва Ленинградда яшаган эди. Бу омадли, қадди расо КГБ полковниги ҳеч қачон ўзини шу тайга лагерида узок йиллар яшашини кўз олдига келтирмаганди. 1953 йили Stalin ўлганидан ва КГБ бошлиғи Berиянинг инқирозидан сўнг полковник Станицкий ҳам ҳеч кимга ёқмай қолди. Уни кичик лейтенант унвонига туширишди ва Ички Ишлар Вазирлигига ишга ўтказишиди. Факат КГБ генералларидан бирининг — ёшлиқдаги дўстининг муруввати билан Станицкий Shimolий Уралдаги Чепечанка лагерига бошлиқ қилиб тайинланди.

Ленинграддаги оқ тунларни, Невский ва ёзги боғ ҳашаматини, шунингдек, катта ойлик, КГБ полковникининг мовий погонларини ва жуда кўп нарсаларни унутишга тўғри келди... Шунингдек Станицкий ишхона ихтиёридаги ажойиб уйдан ҳам маҳрум бўлди. Соchlари оқарган полковник кичик лейтенантга айланганида хотини ундан воз кечди ва ажрашди. Нима сабабдан у Ленинградни қаттиқ шимол совуғига ва паашхаона ботқоқларига алмаштириши керак?!

Хатточи болалари ҳам унвони пасайган Станицкийдан юз ўгиришди.

Сталин ўлиб, Берия ўз яқинлари билан йўқотилгандан сўнг КГБда “тозалаш” деб аталган жараён борарди: Бериянинг кўп ходимлари барча имтиёзлардан маҳрум қилиб ҳайдалди. Муқаддас Китобда ёзилган: “Одам нимаики экса, шуни ўради”, — деган сўзлари қандай адолатли (Гал.6:7). Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан одамлардан ўз ҳамтовоқлари қасос олишиди.

Шимолга келгач, КГБнинг собиқ полковниги бир неча йилдан сўнг бир ёш аёлга уйланди. Станицкий ёш хотинини лагерни қўриқлайдиган аскарлардан жуда рашик қиласарди. Хотини бир неча марта уни ташлаб кетишга ва умуман тайгадан кетишга ҳаракат қилди. Аммо Станицкий ҳар сафар унга етиб олиб лагер ёнидаги қишлоқчадаги уйига қайтариб келарди.

Бир неча йилдан сўнг Станицкий капитан бўлди. Тайга лагерида у ароқقا ружу кўйди ва атрофдагилар уни тез-тез маст ҳолда кўрадиган бўлди. Қишлоқда лагернинг дўкони бўлиб, у ерга ойида бир марта озиқовқатлар, шу жумладан, ароқ ҳам олиб келишарди. Бир неча қути ароқ лагер бошлиғига бериларди ва у ҳар бир зобитга қанча ароқ беришининг рўйхатини тузарди. Албатта, у ароқнинг кўп қисмини ўзига олиб қоларди. Зобитлар очиқ норозилик билдиришга қўрқсалар-да, орқаворотдан мингиллишарди: уларга ойда бир қути ароқ нима бўларкан? Зобитлар бир-бирлари билан, шунингдек, маҳбуслар билан ҳам ўз норозиликлари ҳақида ўртоқлашишарди: “Яна букири бутун ароқни ўзига олди!”

Ичиб олган Станицкий маҳбусларнинг ўрмонда қандай ишлаётганликларини текширишни яхши кў-

парди. Маҳбусларни иш пайтида қўриқлаётган ас-карлар одатда уни узоқдан кўриб уларни огоҳланти-рардилар: “Букри келяпти!” Маҳбуслар жон-жаҳдла-ри билан ишлай бошлардилар. Агар Станицкий ким-нидир дам олаётганини ёки гулхан ёнида ўтиргани-ни кўриб қолса, шу заҳоти қўлидаги таёгини ишга со-ларди. Аммо шу билан бирга Станицкийнинг ўзи кў-пинча маҳбусларга сигарет, тамаки ва қуруқ чой олиб келар ва улар билан бирга “кефир” деб аталадиган қуюқ дамланган чой ичарди.

Лагерда тез-тез пичоклашишлар, ҳатто қотиллик-лар билан тугайдиган карта ўйини авж олганди. Маҳбуслар одатда картани кечқурунлари ва тунлари, кўпинча тонг отгунча баракларда ўйнашарди. Барак-ка кираверишда карта ўйнаётган бир нечта кузатув-чини кўйишарди. Агар зобитлар ёки аскарларнинг баракка келаётганини улар кўрсалар, ўйнаётганларни хавфдан огоҳ қилишарди. Ўйин дарҳол тўхтатилар, карталар беркитилар, ўйинчилар шоша-пиша ўз жой-ларига ётиб олишарди.

Карта ўйини лагерда жуда кўп томошабинларни жалб қиласарди. Улар ўйинчиларни ўраб олишарди. Ўйин асосан лагерда сақлаш расман манъ қилинган пулга ўйналарди. Ютқизганлар пул, папирос, озиқ-овқат, ўз кийим-кечаги, пойафзали билан қарзларини тўлардилар. Агар катта пул ютқизиб қўйиб, уни тў-лашга ҳеч нималари бўлмаса, унда ҳаётлари билан қарзларини узардилар. Бизнинг этапимиздан бўлган бир Москвалик маҳбус картада ўзининг қоплама тил-ла тишини ютқизиб қўйди. Шу заҳотиёқ унинг тиши-ларидан тилла қопламани суғуриб олишди. Бунда катта темир михдан фойдаланишди.

Бир куни “Васъка-қиморбоз” лақабли маҳбус бор-йғини — ҳамма пулинни ва ҳатто ўзининг қамоқхона

кийим-бошию, пойафзалларигача ютқазиб қўйди. Ютқизганларини қайта ютиб олиш учун у лагер бошлигининг ҳаётига ўйнашни таклиф қилди — агар Васька ютса, барча нарсалари ва пулини қайтариб олади, аммо агар у яна ютқизса, у бошлиқни ўлдириши керак бўлади. Ўйин бошланди. Аммо бу ўйин ҳам Васька учун муваффақиятсиз бўлди. Васька наралар устида биргина трусида ўтиради — у ҳамма нарсанини, ҳаттоқи майка ва пайпокларини ҳам ютқазиб қўйганди! Мана энди бошлиқнинг ҳаётини ҳам... У жуда ғазабда эди. “Омадим чопмади!” — дерди Васька ғазаб билан дунёдаги ҳамма нарсани сўкиб.

Унинг шериги, картадаги рақиби ва кўп йиллик душмани уч кун муддат белгилади. — Васька уч кун ичидаги қотиллик орқали қарзини узмаса, у лагердаги бачабозлар қўлига тушарди. Васька лагер бошлигини ўлдиришга қарор қилди. У Станицкийнинг кабинетига борди. Бошлиқнинг кабинети лагернинг ичидаги эди. Кимдир вақтинча ўз кийими ва оёқ кийимини Васькага бериб турди. Бу кийимларнинг Васькага тўғри келмаслиги қўриниб турарди. У калта шим ва енглари калта бегона курткада жуда кулгили қўринарди. Васьканинг бўйлари узун, озғин, ёши йигирмалар атрофида эди.

“Бошлиқ! Мен сенинг ҳаётингни қиморда ютқазиб қўйдим ва сени ўлдиришим керак!” — деди у Станицкийнинг столига яқинлашиб ва қўлларини шимининг чўнтағидан чиқармай. Букри қўрқмади, фақат бошини кўтариб маҳбуснинг кўзларига қатъият билан қаради. Васька ҳам бошлиқнинг кўзларига боқиб индамай турарди. Шу тарзда улар бир дақиқача бир сўз демай туришди.

“Ўйнаб бўлибсан-ку, аҳмоқ қиморбоз! — нихоят ғазаб билан деди Станицкий. — Ҳозироқ орқанг-

га қайтиб баракка бор, бугуноқ менинг ҳәётимни ютиб ол. Энди қўлингни чўнтағингдан чиқар, “пар”ни ташлаб юбор!” — у қўли билан ахлат чеганини кўрсатди. Васька ҳеч нима демай орқасига қаради ва пичоқни ахлат чегагига ташлади. Кейин бошлиқнинг хонасидан чиқиб, югуриб барак томон кетди. Тун бўйи қизғин ўйин давом қилди. Кейинги кун аллақачон ўз кийимларини кийиб олган Васька хурсанд ҳолда ютиб олган пулларини тинтув пайтида аскарлар топиб олмасликлари учун ўртоқларига берди.

Лагер бошлиғи Васькани кабинетига чакирди. У ерда Станицкийдан ташқари яна иккита зобит бор эди.

— Қани, бечора қиморбоз, ўз қаҳрамонликларинг ҳақида айтиб бер-чи! — қатъият билан сўради Букри.

— Ўртоқ бошлиқ! Ҳаммаси жойида: мен сизнинг ҳаёtingизни ютиб олдим! — тетик ва хурсанд ҳолда деди мағрур Васька. У, бошлиқ мени мақтайди, деб кутганди. Аммо Станицкий унинг гапини бўлди:

— Аҳмоқ! Бошлиқнинг ҳаётига ўйнайсанми? Ўйнай олмасанг, қўлингга картани олма! Бошланишига 15 кун жарима изоляторига, бир ўзини бир камера-га! — кутурарди Станицкий. — 15 суткадан кейин эса уни зонага киритмасдан бошқа лагерга жўнатинг! — буюрди зобитларга у.

Хурсанд Васькани — жуда хавфли карта ўйинининг ғолибини — бутун лагер кўз ўнгидага худуди бўйлаб қўлига кишан солиб жарима изоляторига олиб бораётганларида қаҳрамондан аянчли маҳбусга айланди. “Кўлингга карта олма! Агар ўйнай олмасанг қўлингга карта олма!” калака қилишарди уни аскарлар.

Бизнинг лагеримиз ва унинг бошлиғи ана шунака эди! Мана шу лагерга Худо учта Хушхабар тар-
фиботчисини: Каншауби Жонгетовни, Фёдор Махо-
вицкийни ва мени юборди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Лагерда уч киши

Чепечанка лагери Пермь вилоятининг шимолида Соликомск шаҳридан 400 км масофада жойлашган эди. Қишлоқ — бу ўлкаларда фойдалана олинса бўладиган ягона транспорт тури бўлган магистрал темир йўли тугайдиган жойда эди. Ундан сўнг то шимолгача, жумладан, бизнинг лагеримизгача ҳам йўл йўқ. Лагер нисбатан кичкина, бор-йўғи 700–800-тacha маҳбус бор. Лагер тартиби умумий: бу ерга биринчи марта судланган маҳбусларни юборишида. Аммо баъзиларнинг қамоқ муддати 10 йилгacha бўлади.

Учаламиздан биринчи бўлиб лагерга Каншауби Джангетов — 1967 йилнинг январь ойида Шимолий Уралдаги энг қаҳратон совуқлар даврида олиб келинганди. Биринчи тинтув вақтидаёқ Каншаубининг барча озодликдаги кийимларини — иссик қишки кўйлаги, жун свитери ва ҳаттоки шарфини ҳам олиб қўйишганди. Шунинг учун Каншауби енгил қамоқ кийимида жуда совқотган. Лагер маъмурияти уни ўрмондаги ишчи гурухга дарахт кесиш ва тор изли темир йўл учун жой тайёрлашга тайинлаганди. Лагердан иш жойигача 5 кмга яқин масофа эди. Гурухда эса асосан ёшлар бўлиб 30–40та маҳбус бор эди. Юриш қийин, иш оғир, бунинг устига, лагер овқатининг мазаси йўқ. Соқчилар — учта аскар қўлларида ав-

томат ва маҳсус машқ қилдирилган ва аскарларнинг буйруғига кўра маҳбусларга ташланадиган овчарка ити билан.

Маҳбуслар оч: уларни сасиган балиқдан пиширилган овқат билан боқишиади. Кўпинча лагерга келтириладиган балиқ шунчалар сасиган бўладики, уни ҳатто лагердагилар учун ҳам овқатга ишлатиб бўлмайди. Шунда бу балиқни ошхона ёнига чириган карам, чириган картошка ва сабзи билан бирга ташлаб юборишиади.

Колаверса, аллақачон қуртлаб кетган ва жуда чириган маҳсулотларгина ташланади.

Лагерда бир нечта от ҳам бор. Уларда озиқ-овқат, ўтин ва дарёдан сув олиб келишиади. Бу жуда озғин, лагер маҳбуслари тили билан айтганда, силласи қуриган отлардир. Ишдан бўш вақтларда отлар лагер ўртасида — ошхона яқинидаги ташландик, музлаб ётган озиқ-овқатлар ёнида юришиади. Оч қолган отлар туёқлари билан музлаган озиқ-овқат парчаларини уришиади, кейин тишлари билан чириган балиқ ва бошқа озиқ-овқатларни юлиб олишиади. Узид олган бўлакларни суюқ-қилтиқлари билан ва муз парчалари билан очкўзларча ейишиади.

Кўпинча отларнинг ёнида ташландик озиқ-овқатлар тўдаси устида батамом тубанлашган маҳбусларни ҳам учратиш мумкин. Лагерда бундайлар анчагина. Доимо оч, соқоллари олинмаган, ифлос, бит босган ва жулдур кийимларда улар таёқ билан муз ичидан чириган балиқларни ёки чириган карам бўлакларини ковлаб олиб, очкўзлик билан ейишиади. Баъзизда улар отларни тепиб ҳайдаб оч отларнинг оёқлари остидан чириган балиқ парчаларини олиб ейишиади. Бундай ҳодисани лагердан ташқарида камдан-кам кўрасан. Лагердаги маҳбуслар учун қилинадиган овқат учун

ажратиладиган жуда кам микдордаги гўшт ҳам бузилган ва сасиган бўлади. аммо уни чириган балиқ каби ташлаб юоришмайди, балки марганцовка эрит-масида ивитиб кўйиб кейин пиширишади.

Каншауби биринчи қунлари жуда қийналди: оч, совқотган, ёлғиз. Каншаубининг миллати черкас, лагерда эса асосан руслар. Маҳбусларнинг баъзилари унга ёқтиромай қарашган: рус эмас, бунинг устига тақводор! Зобитлар эса унинг устидан ва унинг эътиқоди устидан очиқчасига кулардилар: “Мусулмон ва баптист! Жангетов, сен нега Масихга ишонасан?! Масих — афсона! Мана биз — руслармиз, аммо на Худога, на Масихга ишонамиз. Сен, черкас қандай қилиб Худога, яна Мухаммадга эмас, балки Исо Масихга ишонасан?!”

Ҳар куни шунга ўхшаш мазах қилишлар ва таҳқирлар давом этарди. Каншауби овқатдан олдин ибодат қилаётгандা, маҳбуслардан кимдир унинг шўрва солинган темир косасини олиб кўйишга ҳаракат қиласарди. У баракнинг пана жойида ибодат қилиш учун тиз чўкканда унга ифлос пойафзални отишарди... У уйига ҳар хафтада хат ёзиб турса-да, яқинлари уни эслашмасди ҳам. У ўзини жуда ёлғиз ҳис қиласарди.

Ҳафталар, ойлар ана шу тарзда ўтиб борарди. Каншаубининг руҳи умуман тушиб кетди. Унда на Муқаддас Китоб, на Хушхабар бор эди. Дардларини ўртоқлашиш учун ҳеч ким йўқ эди: бутун лагерда унинг биронта ҳам яқин одами йўқ эди. Каншаубининг ёшлиқ пайтларида, у эндиғина Масихга эътиқод қўйган пайтларида ҳамда қариндош-уруглари ва қишлоқдошларининг таҳқирларига учраган пайтлардагина унга шундай оғир бўлганди. Аммо Каншауби Худо уни яхши кўришини, ёлғизликда ва гам-

қайғуда қолдирмаслигини, албатта ёрдам беришини биларди. Худо сўзида шундай деб ёзилган: “*Асирларнинг оёқ ости бўлганини, одамлар ҳақ-хуқуқдан маҳрум бўлганини Худойи Таоло кўриб турибди. Бир ёқлама ҳукм чиқарилганини Раббий кўрмайди, деб ўйлайсанми?!*” (Йиги 3:34–36). “*Эгамиз муҳтожсларни эшиштади, асир бўлган халқидан нафратланмайди*” (Забур 68:34).

Мартда лагерга янги этап билан маҳбуслар келишиди. Ҳар сафар, янги этап келганда, лагер маҳбуслари учун катта воқеа бўлади. “Этап қаердан? Юртдошлилар бормикан?” — одатда маҳбуслар келган этапдагиларни кузатиб шу билан қизиқишарди. Ўшанда бошлиқнинг ўзи янги келганларни кутиб олар ва баъзиларидан у баланд товушда сўрарди: “Нега хукм қилингансан? Ўғримисан? Қотилмисан? Растратчимисан? Қайси модданг? Қанча олиб келдинг?” деб лагер тилида сўрарди Станицкий янги келганлардан. Бу: Неча йилган қамалгансан?” деган маънони билдирарди.

Каншауби ҳам янги этапнинг қабул қилинишини узокдан кузатиб туради. Унинг қалбида доимо бир умид яшарди: балки Худо лагерга биттагина бўлсада эътиқоди бир бўлган биродарни жўнатар? Тўсадан Каншауби лагер бошлигининг овозини эшитди: “Маховицкий! Муддатинг қанча? Нима учун қамалгансан?”

Очиқ юзли, баланд бўйли маҳбус жавоб берди:

— Исо Масихга эътиқодим учун, икки йилга қамалганман!

— Нима, сен баптистмисан? — сўради бошлиқ.

— Ҳа, мен тақводорман, баптистман.

— Қаердансан?

— Ленинграддан.

— Ҳа-а, Ленинграднинг бош попи! — хо-хо-лаб кулди бошлиқ. — Майли, зонага бор! У ерда сени бир эътиқоддаги мусулмонлардан бўлган биродаринг кутяпти, — ҳайратомуз овоз билан деди у.

Кейин лагер бошлиғи овозини пасайтириб деди: “Нега улар — у Москвадаги бошлиқларни назарда тутарди — бизнинг лагеримизга иккинчи баптистни ҳам юборишибди? Нима, бу ерда баптистлар ҳудудини пайдо қилишмоқчими-ё?”

Фёдор Владимирович Маховицкий келиши билан Каншаубининг анча рухи кўтарилиди, қалби қувончга тўлди — бир эътиқоддаги биродари ёнида! Каншауби гапириб гапини тугата олмасди, улар ишдан кейинги кечкурунлари бошларидан ўтказгандари, оиласлари, Жамоат ҳақида бир-бирлари билан сухбатлашишарди. *“Нақадар яхшиидир, ёқимлидир”*

“Биродарлар бирга аҳил яшасалар”, — дейилган Худо сўзида (Забур 132:1). Ва энди совуқ — совуқ эмас, тайгадаги ёлғиз лагер — қамоқхона эмас, балки Худони шарафлаш ва руҳий куч олиш жойи эди.

Джангетов ва Маховицкий бир баракда, 70 киши яшайдиган бир бўлимда жойлашишди. Улар энди очиқласига баракда, ётадиган жойлари олдида эрталаб ва кечкурунлари ибодат қилишарди. Кўп маҳбуслар уларнинг олдиларига келиб Худо ҳақида, эътиқод ҳақида саволлар беришарди. Энди улар ибодат қилаётганларида, ҳеч ким улар томонга пойафзалини отмасди. Маҳбуслар бу тақводорларни кўпроқ ҳурмат қила бошлашди: “Қара, — дерди улар бир-бирларига, — бир баптист Кавказдан ва рус эмас, иккинчиси — Ленинграддан. Улар илгари бир-бирларини билмасдилар ҳам, энди эса худди туғишган акаукалардай яшашади: “Ҳамма нарсалари — худди бир оиласидаги ўртада!””

Баракдаги маҳбусларнинг ҳаёти одатдагидай давом қиласарди: улар баланд овозда сухбатлашишар, баҳслар, қимор ўйини, ҳеч ким ибодат қилаётган тақводорларга эътибор қилмаётгандай туюларди... Аммо шу пайтда хонага зобит кириб келса, маҳбуслар дарҳол огоҳлантиришарди: “Бошлиқ, секин, шовқин солма, баптистлар ибодат қилишяпти!” Ўзлари ҳам худди ибодатга кулоқ солаётгандай жим бўлиб қолишарди. Хонага мутлақо сукунат чўкарди: фақат ибодатнинг сўзларигина эшитилиб турарди — бу 70 дан ортиқ маҳбуслар яшайдиган баракда! Одатда бундай пайтда зобит ўзини йўқотиб қўяр, нима қилишини билмай елкасини қисар, ибодатга ҳалақит бермасликка ҳаракат қилиб тезда баракдан чиқиб кетарди.

Баракдаги ҳаёт эса зобит чиқиб кетгандан сўнг яна олдинги тарзига қайтарди: шовқин, баҳс, бақириқ-чақириқ. Ибодат тугагандан сўнг маҳбуслар Жангетов ва Маҳовицкийга: “Ҳозир яна бир зобит бу ерга келди, аммо биз уни тез чиқариб юбордик, бўлмаса у яна сизларга тирғаларди”, — дердилар. Яна улар ўзлари бир-бирларига шундай дейишарди: “Афтидан, баптистлар ибодатсиз яшай олмасалар керак! Улар ҳамма жойда: этапда ҳам, ошхонада ҳам, эрталаб жойларидан турғанларида ҳам, кечқурун ухлашга ётишларидан олдин ҳам ибодат қиласилар. Уларнинг эътиқодлари шунақа! Нега ҳокимият уларни таъкиб қиласиди, қамоқхонага қамайди?! Баптистларнинг эътиқоди энг тўғри эътиқод! Агар ҳамма баптистларга ўхшаган бўлганларида эди, аллақачон дунёда на қамоқхоналар, на лагерлар қоларди...”

1967 йилнинг апрелида Чепечанка лагерига мени ҳам олиб келишди. Мен лагернинг ишчи ҳудудидаги кичикроқ ёғоч бинода жойлашган дизель электро-

станциясига электрик қилиб тайинландим. Электро-станция ва ишчи худуд маҳбуслар яшайдиган худуддан унча узок эмасди. У ҳам аскарлар ва қўриқчи итлар билан қўриқланарди.

Мен лагерга кетишмидан бир оз илгари Каншауби кундузги жарима изоляторига ишга тайинланганди. Бу лагер худудида жойлашган ва аскарлар учун хизмат хонаси, бир нечта камералари бўлган лагер эди. Лагерда янги жиноят қилган ёки лагер тартибини бузганлар одатда 10–15 кунга жарима изоляторига қамаб қўйилар, у ерда уларга кунига фақат бир марта овқат берилиб, нон ҳам 400 гр гача камайтириларди. Одатда жарима изолятори жуда совуқ бўларди. Маҳбусларнинг иссиқ кийимларини эса изоляторга қамашдан олдин аскарлар тортиб олишар, фақат кечкурунлар учун эски, кир-чир, бунинг устига, битлаган пахтали камзул беришарди. Маҳбуслар жарима изоляторида ҳеч қандай ўрин-кўрпасиз яланғоч тахталар устида ухлашарди.

Каншауби кунига бир марта аскарлар назорати остида жарима изоляторидаги маҳбусларга овқат тарқатар, камераларни қиздириш учун печкаларга ўтин ёқар, камераларни тозалаб турарди. Бошида у жарима изоляторида ишлашга жуда қийналди. Кўпчилик маҳбуслар ўзларининг жарима изоляторидаги дўстларига Каншауби тамаки, сигарет, гугурт, гиёҳванд моддалар ва ҳатто пичоқларни олиб бориб беришини хоҳлашар, буни ҳатто талаб ҳам қилишарди. Аммо кўпчиликнинг таҳдид ва қўрқитишлирига қарамай, Каншауби бундан бош тортди. У қатъий тарзда: “Мен масиҳийман, ҳеч қачон тамаки, сигарет, гиёҳванд моддалар ва бошқа мумкин бўлмаган нарсаларни олиб бориб бермайман! Мен сизнинг дўстларингизга ёрдам беришга тайёрман, уларга жон деб нон, мар-

гарин, шакар ва бошқа емиш маҳсулотларини олиб бориб бераман. Чунки у ердагилар совуқ ва очликдан азоб чекаётгандарини биламан”.

У шундай қиларди ҳам: унга мураббо ёки маргарин суртилган нон бўллагини берганларида, Каншауби буларни газетага ўтара ва курткасининг катта чўнтағига соларди. Кейин пайт пойлаб, ёнида аскарлар бўлмаган пайтда нонни жарима изоляторидаги маҳбусларга берарди. Тез орада лагердаги барча одамлар Каншауби ҳеч қачон на гиёҳванд моддаларга, на сигаретга қўл теккизмаслигини, аммо жарима изоляторидаги маҳбусларга яширин тарзда нон ва бошқа озиқ-овқатлар олиб бориб беришга доимо тайёр эканлигини билиб олишди. Уларнинг эътиқодлари шунақа, жуда қаттиққўл! — тушунтиришарди бир-бирларига маҳбуслар. Каншаубини лагерда янада кўпроқ ҳурмат қила бошлиши. Кўпчилик у билан дўстона муносабатда бўлиб, ҳазиллашиб уни “ота” деб аташарди.

Аммо бир воқеа Каншаубини жуда хафа қилди. Навбатчи зобит унга битларга қарши жуда кучли восита солинган бутилкача ва чўткача берди. Тунда жарима изоляторидаги маҳбусларга қўрпа ва матрацлар ўрнига битлаб кетган камзуллар беришарди. Зобит Каншаубига эҳтиёткорлик билан камзулларнинг битлар ва сиркаси кўп чокларига чўтка билан шу доридан суртишни буюрди. Аммо дори жуда заҳарли эканлиги ва жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида огоҳлантириди: “Жангетов! Қара, қўлингга заҳар тегмасин, бу жуда хавфли, қўлинг куяди, яралар пайдо бўлади!”

Каншауби бўш камералардан бирида бу хавфли ишга киришди. У аскарларни огоҳлантириди: “Бу шишага тегманглар, унда заҳар бор!” Аммо камерадаги маҳбуслар бу ҳақда билиб қолиши ва шишадаги нар-

сага қизиқиб қолиши. Лагерда гиёхванд моддалар ва ароқ топиш жуда қийин эди. Маҳбусларнинг баъзилари маст бўлиш ва ўзлари айтгандай “кайф” ҳолатига тушиш учун ҳар қандай нарсани ичишга тайёр эдилар. Бу учун улар машиналар антифризини, ҳаттоқи тиш ювиш пастасини сувда эритиб, шу эритмадан жуда кўп миқдорда ичишдан ҳам тоймасдилар.

Битларга қарши восита ҳақида эшитиб маҳбуслар шишачани ўғирлашга қарор қилиши. Чунки буни Каншаубидан сўраш бефойда эканлигини билишарди. Улар заҳарли суюқликни сувда эритиб, ундан гиёхванд модда сифатида фойдаланишга қарор қилиши. Уларни назорат остида ҳожатга олиб чиқ-қанларида шишани ўғирлашга муваффак бўлиши.

Каншауби шишанинг йўқолгандигини дарҳол сезмади. Орадан бир неча соат ўтгандан сўнг у бу ҳақда билди. У бу ҳақда дарҳол аскарлардан сўради. Улар эса ҳеч нарса билмасликларини айтиши. Улар изолятор камераларидан бирига киришганда, ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлиши: камерадаги бешта маҳбус хурсанд бўлиб қўшиқ айтар, кулар ва рақсга тушиб сакрарди. Улардан бири полда ўтирас ва шифтга маънисиз тикилиб, бахтиёр куларди. Бошқаси қўллари билан ҳавода ниманидир ушлашга ҳаракат қиласарди. Ва уларнинг ҳеч қайсиси камерага келган аскарларга эътибор бермади. Кейин уларнинг ҳаммаси қайтариб куса бошлади, улар қичқирап ва инграпардилар... Каншауби уларнинг ҳаётидан хавотир ола бошлади. Навбатчи зобитни чақириб келиши. У ҳар бир гаёхванднинг оғзига ярим челяқдан сув қўйишни буюрди ва уларнинг ошқозонларини ювиши. Зобит шундай сўнг: “Яшашади! Уларга бало ҳам урмайди. Уларнинг ошқозонлари қалай билан қопланган!” — деди.

Кейинги куни бу камерада ҳаёт тинчлик билан ўтди. Махбуслар хотиржам ва тинч эдилар, ҳеч ким ўлмади, ҳеч ким соғлиғидан арз қилмасди. Улар Каншаубини кўриб, жилмайиши. “шишангни олганимиз учун бизларни кечир, ота! Шундай зўр кайф олдик, худди нашанинг кайфига ўхшайди! Сенда ундан бошқа йўқми?” — юмшоқлик билан сўрашди улар.

Мен лагерга келганимдан сўнг тахминан бир ойлардан сўнг бошлиқ лагерга келган вақтимда мендан олиб қўйган қофозларини қайтариб берди. Аммо Муқаддас Китобимни қайтиб бермади... Лекин қофозларимда Муқаддас Китобдан кўчирилган парчалар жуда кўп эди, айниқса Забур китобидан. Мен бу билан Лефортово қамоқхонасида шуғулланган эдим. Унда Муқаддас Китобни мендан олиб қўйишмаганди. Энди бу ёзувлар бизда эди. Улар биз учун жуда азиз эди. Кечқурунлари ишдан бўш вактларимизда биз саноларни ўкирдик, Каншауби эса ҳаммасини ўз дафтарига ёзиб оларди. Айниқса, биз 83-санони ўқишини яхши кўрардик. Мен уни ҳам Лефортова турмасида ёзиб олган эдим:

Сенинг маконинг ажойибdir,
Эй Сарвари Оlam!
Эй Эгам, Сенинг ҳовлингга кирмоқни қўмсаб
Жоним истар, ҳатто эзилар.
Эй барҳаёт Худо! Қалбим, вужудим
Севинч ила Сенга куйлар.
Эй Сарвари Оlam, Шоҳим, Худойим!
Курбонгоҳинг ёнида чумчук ҳам бир уй топган,
Полапонларим учун жой топай, дея
Қалдиргоч ҳам ўзи учун бир ин курган.
Бахтилидир Сенинг уйингда истиқомат қиласиганлар,
Улар доим Сенга ҳамду сано айтарлар.

Бахтлидир Сендан құдрат олган одамлар,
Күддусни чин дилдан зиёрат қилишга интиладиганлар.
Йиги сойлигидан улар ўтар эканлар,
Илк ёмғир ерни барака билан қоплагандай,
Улар бу ерни булоқлар маконига айлантираарлар”

Забур 83:2–7

Мен Мұқадdas Китобдан бу Забурни ёзиб олаёт-
ганимда мени Лефортово қамоқхонасидаги сукунат
хайратта солди: 2–3 кишига мүлжалланган тор каме-
ра, ҳамма томонида — тош ва темир, сукут сақлаган
қўриқчилар. Баланд деразаларда икки қаватли пан-
жаралар. Ва тамомила сукунат... Деразаларда ойна
ўрнига оқ пластик. Деразанинг устки қисмида шиф-
тинг шундоққина тагида форточка. У очиқ пайтда-
гина секин сузиб юрган булутлар ва осмоннинг бир
бўлаги кўриниб туради. Маҳбус мана шу кичкина
бўлакчага қайғу билан қарайди.

Аммо тақводор одам учун осмон — бу нафақат бу-
лутлар ёки узокда милтиллаб турган юлдузлар эмас.
“Эй Раббим, менинг овозимни эшишгин!

*Илтижоларимга диққат ила қулоқ солгин!” (За-
бур 120:2). “Бизларнинг ватанимиз эса осмондадир.
У ердан биз Халоскоримиз — Раббимиз Исо Маси-
ҳнинг келишини кутяпмиз” (Флп.3:20). Худонинг
ўзи тақводорнинг қалбини ўзининг абадий сўзи —
Мұқадdas Китоб орқали мустаҳкамлайди. Лефортово
қамоқхонасида 83-сано устида фикр юритиб мен
ушбу шеърни ёздим:*

Куч — Худойим, Куч — Худойим!
Сенинг яшаш жойинг жуда азиз!
Мен бор кучим ва ибодатимни
Худойим, сенга, йўлладим.

Менинг юрагим У ерда, чўқкиларда
Хаёлларим ҳам, истакларим ҳам учмоқда!
У ерда күшча ўзига маскан топади
Ва қалдирғоч ўзига ин қуради.

Ох, Худойим қалбим сен томонга
Интилиб, қандай чарчади.
На қамоқхона, на ташвишлар бўлмаган
Сенинг меҳрибонлигингга ва сенинг ўлкаларингга!

Энди бу тайга лагерида мен учун эътиқоддаги биродарларим билан руҳий мулоқот, Масихга уларнинг хизмат қилиши ва менинг хизматим қанчалар азиз эди! Лефортово қамоқхонасида полковник Петренко менга: “Қамоқхона деворлари ва тайга лагерлари — мана сенинг ҳаётингнинг бор-йўғи уфқлари”, деган эди! Аммо у жуда хато қилганди! У даҳрий бўлгани учун, Худо бизнинг ҳаётимизни қанчалар бойитишини, Унинг улуғворлиги ва донишмандлигини кўра билмаганди. Унинг одамларга севгиси ва меҳр-шафқатини тушуниш қийин. Бизнинг эътиқод уфқларимиз — бу Худога ва одамларга хизмат қилиш, бу Исо Масихнинг: боринглар, барча халқларни Хушхабар ҳақиқатига ўргатинглар, деган амрларини бажаришдир. Бу ерда, ер юзида биз шунга интиламиз, шунга бутун ҳаётимизни бағишлиймиз. Олдинда эса бизни Худо билан мулоқотдаги мангу ҳаёт кутмоқда. Шунинг учун биз бу совуқ лагерда руҳимизни тушунмасдик, балки Худога ёрқин ишонч билан шод боқардик.

Ҳар биримиз Муқаддас Китобдан жуда кўп оятларни ёддан билардик, биз уларни дафтарга ёзишга қарор қилдик. Каншауби менинг Москвадаги Лефортово қамоқхонасида қилган ёзувларимни ҳам олди.

У ҳар куни кечкурун ўз дафтарини Муқаддас Китобнинг янгидан-янги оятлари билан тўлдиради.

Биз кўпинча бирга ибодат қиласардик, сухбатлашардик, уйимиздан ва эътиқоддаги дўстларимиздан келган янгиликлар билан ўртоқлашардик. Хат жуда кўп келарди. Уларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, лагер текширувидан ўтарди. Аммо бизга бироз кечикиб бўлса-да, ҳамма хатларни беришарди. Биз ўзимиз эса бир ойда лагерда тўртта хат ёзиш ва уларни жўнатиш хуқуқига эга эдик. Биз ўз яқинларимизга ва дўстлармизга юпатувчи ва уларнинг руҳларини кўтарувчи хатлар ёзардик. Ўша қиши мен катта қизим Наташанинг хатига жавобан шундай шеър ёздим:

Азизам, сенинг меҳр ва жануб хотираларига тўла
Хатинг мен яшаётган тайга ўлкасига
Қаҳрли бўрон қўшиғи остидаги кеча етиб келди.

Ерга қизғин нурлари ила
Тонг шафағи тушган заҳоти
Мен сенинг қизғин саломинг
Қадрдон ва севимли Россиямнинг саломини:

Ҳайвонларнинг эркин излари менга
Озодлик кувончлари ҳақида сўзлайдиган
Хаёлчан тайгага,
Табиат темирчилик устахонасида қуйилган
Совут кийган тайга дарёсига етказди.

Яна сенинг саломингни, қизгинам,
Ўша узоқ тоғларнинг давом бўлган тоғлару,
Юрагим кенгликларига ва сен томон
Интилувчи тиканли лагер симларига етказдим.

Мендан ҳам қадрдон юртимга,
Азиз Киевимга, гуллаб-яшнаган Украинаамга,
Водийлар аро чопиб оқаётган Днепрга
Ва мени эслайдиган барча-барчага
Саломимни етказ, жонгинам.

Бу орада шимолга баҳор келди. Қүёшнинг меҳрли ва сахий нурлари тайгани ҳаётга уйготарди. Катта тоғ бўлиб ётган Урал қор уюмлари қорайиб, чўка бошлиди ва тез эриб кетди. Қор залворидан озод бўлган дараҳтлар енгил нафас олиб шоҳларини тўғрилади. Щўх-шодон жилғачалар, кичик-кичик тайга дарёчалари муз ёпинчиғларини ташлаб шовқин-сурон ила тез оқаётган қор-муз сув оқимларига айланишиди. Тайга ва лагер устидан баланд осмонда турналар, ғозлар ва ўрдакларнинг чексиз карвонлари ўта бошлишди. Тайга жанубдан қайтиб келган қушларнинг турли-туман қўшиқлари билан тўлди.

Лагерда ҳам ҳаво илиқроқ бўлди. Маҳбуслар ўзларининг оғир қишки камзулларини, оғир пиймалирини ташлашди, қишки телпаклар ўрнига кўк ёки қора фуражкалар кийишиди. Якшанба кунлари биз учаламиз бараклардан узокроққа кетардик. Яхшиям лагер худудининг бир томонида кесилган дараҳтларнинг баланд тўнкалари сақланиб қолган эди. Шу ерда биз ўзимиз мажлисларимизни ўтказардик: ибодат килардик, мадхиялар куйлардик, бир-биримизда юракларимизда ёзилган Худо сўзларини айтиб берардик.

Каншауби хотинидан ва эътиқоддаги дўстларидан кўп хат оларди. Уйда унинг олтита боласи қолганди. Унинг рафиқаси Тоня кунига 3–4 соатдан ортиқ ишлай олмасди, чунки болаларининг ҳаммаси ҳали мактаб ёшида эди. Аммо жамоат қамоқдагиларнинг

оилаларига ғамхўрлик қиласар, тақводорлар доимо унинг оиласига ҳам озиқ-овқатлар ва кийим-кечакдан ёрдам бериб туради. Бундан ташқари, оила учун Зойка лақабли сигир ҳам катта ёрдам эди. Каншауби ўзи озодликда юрган пайтда ўзи унга қараади. Унинг болалари Зойканинг сутини ичиб катта бўлишганди. Энди эса сигирга қарааш Тонянинг зиммасига тушди: у ўз хатларида Зойка ҳақида кўп ёзар, маслаҳат сўрар, агар сигир касал бўлиб қолса ёки овқатланмай кўйса нима қилиш кераклигини, янги тугилган бузоқчага қандай қараашни сўрарди. Каншауби ўз хатларида у ёки бу вазиятда нима қилиш кераклиги ҳақида батафсил маслаҳатлар берарди.

Каншаубининг фарзандлари, айниқса кичкиналари уни жуда хурсанд қилишарди: улар ибодатга боришар, хатларидан худога эътиқод ва қувонч уфуриб туради. Аммо унинг қалби катта ўғилларидан хавотирга эди: улар Худога бефарқ эдилар. Бу Каншауби ва Тоня учун жуда катта қайғуга сабаб бўларди. Каншауби ўз ўғиллари учун кўп ибодат қиласарди.

Бир куни мен Каншаубининг кўзларида ёш кўрдим. У оиласидан хат олганди ва уни шошилиб ўқирди. Кейин у менга шундай деди: “Оила билан айрилиқ қандай оғир! Фақат Худо менга бу айрилиққа чидаш учун куч беради...” Мен баъзида Фёдор Владимировичнинг юзида ҳам қайғу изларини кўрардим. Менинг ўзимга ҳам осон эмасди: болаларимни, хотинимни ва онамни эсласам — юрагим зирқираб оғирди.

Болаларим, боларим менинг! Яна айрилиқ йиллари...
Қамоқхона деворлари орқали сизнинг
кўзларингизни кўряпман.
Сизнинг азиз чехрангиз ва юмшоқ қўлларингиз —
Киприкларингизда ёш қалқииди.

Қисқа учрашувлар вақтида мен сизни қандай юпатаман
Үзим ҳам етти ёшимда отамдан ажралганимни
Ич-ичимдан келган йиғини босиб
Кейин йиллар давомида фақат суратига
қараганимни айтиб бераманми?

Ёки ушбу синовлар орасида
Мен бепоён ўлкамизни бутун борлиги
билан севиб қолганимними?
Кутб шуълаларининг ранг-баранг ипларию
Кадрдон Украинаамнинг хаёлчан ўрмонлариними?

Болаларим, азиз болаларим!
Мен сизга аҳд қолдираман!
Ишонч, ҳақиқат, севги — ана шулардадир
хаёт мазмуни!
Масих билан бирга умр гузаронлик
қилишни истайман,
Кейин эса — осмонлар, мовий ўлкаларга кетаман!

Каншауби Кавказлиқ бир тақводор чолдан жуда қизиқ хатлар оларди. Чол ўз хатларида нафақат Каншаубига, балки лагер бошлиғига ҳам мурожаат қиласарди. Хатлар тахминан қуйидаги мазмунда эдилар:

“Масихдаги азиз биродарим, Каншауби, сенга хотиржамлик ёр бўлсин!

Бу хатни сенга эътиқоддаги биродаринг Степан ёзмоқда. Сен мени яхши эсласанг керак, мен 84 ёшдаман. Биз сен билан жуда кўп марта учрашиб сұхбатлашганимиз. Энди сен қамоқдасан: Тангрим сени лагердаги маҳбусларга, барча аскарларга ва зобитларга, айниқса бошлиққа Худонинг севгиси ҳақида айтиб бериши учун лагерга юборди.

Ўртоқ бошлиқ! Худо сенинг лагерингга ўзининг содиқ хизматкорини, Каншауби Джсангетовни юборди. Унинг Худо ҳақидаги сўзларига қулоқ сол ва тавба қил, юрагингга Масихни қабул қил, шунда абадий ҳаётни қўлга киритасан!”

Қария Степан ўз хатларида Каншаубига таскин берарди: “Бошлигингнинг олдида иродасизлик қилма, биродарим Каншауби, жим турма, уни тавба қилишга чақир!” Лагер бошлиғи Станицкий бу ҳақда цензура орқали биларди ва Каншаубини худудда учратиб шундай дерди: “Нима сабабдан сенинг қариянг менинг қалбим ҳақида ташвишланади?! Ўзиники ҳақида ўйласин, у яқинда юзга киради, ўладиган вақти келди. Баптистлар ташвиқотини тарқатди! Ёки у бизнинг Чепечанка лагеримизга келмоқчими? Жой бор. У бошқа бундай хатлар ёзмасин, унга шундай деб ёз!”

Мен Чепечанкага келганимда Фёдор Владимирович менга ўз қувончи ҳақида айтди:

— Биласанми, мен бугун хотиним Клава билан учрашдим!

Мен:

— Рухсат беришдими?! Бошлиқ тўсқинлик қилмадими? — деб сўрадим.

У:

— Йўқ, муаммосиз шахсий учрашувга рухсат беришди, — деб жавоб берди.

Ҳар бир лагерда маҳбуслар ўз оилалари билан учрашадиган маҳсус бино бор. Бу бинода одатда 2–3та алоҳида хоналари, ҳожатхона ва ошхонаси бор. Деразаларида — панжаралари, эшик қулфланган, назорат остида бўлади. Чепечанкада иккита учрашув хонаси бор эди. Одатда, ўша йилларда умумий тартибли лагерларда оиласи билан шахсий учрашув маҳбусларга

бир йилда икки марта бир ёки икки кунга, жуда кам ҳолларда уч кунга бериларди.

Шимолдаги тайга лагерига маҳбусларнинг хотинлари, бола-чақасига ва оналарига етиб келиш осон эмасди. Жуда оғир йўл, йўлда ҳар хил хавф-хатарлар. Москвадан, Ленинграддан ёки Украинадан камдан-кам маҳбусларнинг хотинлари узоқ тайга лагерига эри билан учрашувни хоҳлаб йўлга чиқишга журъат қиласди. Аммо тақводор бандиларнинг хотинлари имкони бўлди дегунча ҳатто энг узоқ лагерларда ҳам ўз эрлари билан кўришиш учун келишга ҳаракат қилишарди.

Маховицкийнинг хотини, Клавдия Александровна эри Чепечанка лагерига келгандан сўнг икки ҳафтадан кейиноқ келди. У Ленинграддан келди ва улар уч кун бирга бўлишди. Клавдия Александровна эрига озиқ-овқатлар ва иссиқ кийим-бош олиб келганди. Аммо энг асосийси — у Маховицкийга эътиқоддаги биродарлари ҳакида айтиб берди, жуда кўп саломларни етказди ва кучайган зулмларга, қамашларга ва судланишларга қарамасдан нафақат Ленинградда, аммо бутун мамлакатда Жамоат тетик эканлигини айтди. Жуда кўп ёшлар Масихга келишяпти, кўп болалар йиғилишларда иштирок этишяпти. Буларнинг барчаси Фёдор Владимировичнинг руҳини кўтарди. У эса ўз навбатида Ленинграддаги Хушхабарчи масиҳий баптистлар жамоатининг пресвитери сифатида хотини орқали масиҳий биродарлари учун жуда кўп фойдали маслаҳатлар берди.

Мен лагерга келганимдан сўнг тез орада хотиним Надя ҳам Киевдан икки кунга мен билан учрашувга келди. Бу жуда қувончли воқеа эди, чунки у жуда кўп янгиликлар олиб келди. Надяning озиқ-овқатлардан ташқари, кичикроқ бутилкада узумдан қилинган

шароб олиб келганлиги бизни айниңса хурсанд қилди: Фисих байрами яқын эди, биз Фисих арафасидаги пайшанбада Раббий оқшоми ўтказишни жуда хохлардик.

Бизни бир нарса хафа қилди: бизда на Муқаддас Китоб, на Хушхабар йўқ эди. Лагер маъмурияти бизнинг хотинларимизни — Клавани ҳам, Надяни ҳам учрашувдан олдин синчилаб тинтуб қилганди: Муқаддас Китобни ахтаришганди. Надя учрашувга Хушхабарни олиб келганди. Аммо уни учрашувдан олдин зобитлар олиб қўйишганди.

Бизнинг Надя билан учрашувимиз икки кун давом қилди. Мен эътиқоддаги дўстларим ҳақида, Жамоат ҳақида, болаларим Наташа, Петя, Лиза ва ҳали икки ёшга энди кирган кичик қизим Женя ҳақида сўрадим. Мен қамалишимдан олдин 1966 йилнинг майида у энди юра бошлаган эди. энди мен уни қаҷон кўраман — буни фақат Худо билади! Бизнинг Надя билан хайрлашувимиз қайғули бўлган бўлса-да, олдимизда умидсизлик зулмати ва чорасизлик эмас, балки Худо севгиси ва Унинг бошқарувининг ёрқин уфқлари бизни кутарди.

Учрашувдан мен зонага нон синдириш маросими учун шароб солинган кичик бутилкани олиб келдим. Тинтуб пайтида аскар унга эътибор бермади. Биз уни баракда одатда кундалик нон паёгини, кружкани ва қошиқни сақлайдиган тумбочкада асрардик. Посилка орқали олинган ёки изимиздан келганлар олиб келган озиқ-овқатларни баракда сақлаш мумкин эмас эди — ўғирлаб қўйишарди. Лагерда шахсий озиқ-овқатлар сақланадиган маҳсус хона (каптерка) бор эди. Унда маҳбуслардан бири — Москвалик Коствя исмли собиқ таксичи ишларди. У озиқ-овқатлар хонасида туну кун бўлар, ўша ерда ухларди ҳам.

Виждонли ва ростгүй Костя бизга тақводорларга дүстона муносабатда эди.

“Мен баптистлар билан яхши танишман, — дерди у. — Менинг қўшниларим тақводорлар, баптистлар. Яхши одамлар. Уларга тўла ишониш мумкин! Ҳеч қачон қўшниларим билан ҳеч қандай уруш ва жанжаллар бўлмаган. Тўғри, газеталарда сиз — баптистларни, жуда уришишади. Аммо мен бунга ишонмайман, бунинг ҳаммаси Ташвиқот! Бизнинг хукуматимиз сизларга ҳасад қиласди. Чунки сизнинг масихийлик ахлоқингиз уларнинг атеистик ахлоқидан юқори. Бу учун мен сизни ҳурмат қиласман! Станицкий ҳам сизни ҳурмат қиласди, у факат тартиб учун лавозими бўйича сизларга бақиради”.

Мен Костядан сўрадим:

— Сен Станицкий бизни ҳурмат қилишини қаердан биласан?

— У сизнинг эътиқодингизни мақтаётганлигини ўзим эшилдим. Станицкий ҳозир тақводорлардан қамоқхона ва лагерларда асосан баптистлар бор, деб айтди, — қизғин ва ишонч билан дерди Костя.

Бизнинг хушхабар-баптист биродарларимизнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеалар аҳоли онгини ўзгартира бошлагани ҳақида ундан эшилдим. Костя менга айтиб берди: “Мен москвалик таксичиман. Таксичилар эса шаҳардаги ҳамма янгиликларни билишади; ўзлари ҳам кўп нарсаларни кўришади, буни йўловчилар хикоя қилиб беришади. Бундан бир неча йил олдин москвада мен Сибирлик бир арбобни олиб юрдим. У ўшанда эндиғина Барнаулдан келган экан. У ерда — Барнаул қамоқхонасида сизнинг баптист биродарингизни ўлдиришган экан. Барнаулда бутун Сибирдан келган баптистлар йигилиши — 1000 тача. Ўша сибирлик арбоб шундай деган эди. Шаҳарга аскарларни

олиб киришди, тартибсизликлардан қўрқишиганди!
Сен бу ҳақда эшитганмисан?”

“Ха, албатта, мен бу ҳақда эшитганман”, — жавоб қилдим мен Костяга ва унга Олтой ўлкасидағи Кулунда шахридан бўлган эътиқоддаги биродаримиз Николай Хмара ҳақида айтиб бердим. Николай Хмара Худога эътиқоди учун қамалган, Славгород қамоқхонасида азобланғанди. Кейин эса уни чалажон ҳолатда Барнаул қамоқхонасиға олиб келишади ва Хмара ўша ерда жон беради. Бу 1963 йилнинг декабрида юз берганди. Николай Хмаранинг мурдасини ҳокимиятдагилар дағн қилиш учун қариндошларига беришади. Дағн маросимига ҳақиқатдан ҳам жуда кўп художўйлар йиғилишганди. Аммо тартибсизликлар юз бермади, тақводорлар бу ишни текшириш учун Ҳукумат комиссияси тузишни талаб қилган бўлсалар—да, улар ўзларини яхши тутишади.

— Мен яна сенга ўтган йилнинг май ойида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бераман, — давом қилди сўзида Костя. — Мен Москвада баптистлар партия Марказий Кенгашини қўлга киритмоқчи бўлганларини ўз кўзим билан кўрдим. Улар бутун мамлакатдан Москвага минглаб йиғилишганди. Ўша куни мен шаҳар марказидаги Эски Майдондан ўтиб кетаётганимда, Марказий Кенгаш биноси олдида минглаб одамларни кўрдим — улар баптистлар эдилар! Аммо ҳукумат армияни ишга солди ва ҳамма баптистларни қамоқقا олишди.

Костянинг ҳикоясида муболага кўп эди, мен унга тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, бизнинг тақводорларимиз 1966 йилнинг майида Москвада йиғилишган эди. Улар мамлакатнинг 120 та шахридан келишган, ўзлари билан мамлакатимизда эътиқод учун оммавий

таъқиблар ҳақидаги юзлаб аризалар ва шафқатсиз таъқиблар ҳақидаги хұжжатларни, суратларни олиб келишганди. Тақводорлар партия Марказий Комитетини құлға киритмоқчы бўлмадилар, кейин улар борйүғи 500 киши бўлганлар. Улар давлат бошлиғи билан учрашишни илтимос қилишган эди, аммо уларнинг ҳаммасини қамоққа олишди ва кўпчилигини суд қилишди.

Шундай қилиб, биз Костя билан бир неча марта сухбатлашдик. Аммо гап Худога бориб тақалганда ва унинг эътиқодга шахсий муносабати ҳақида борганда, Костя жим бўлиб қолар, сухбатга бўлган ҳар қандай қизиқиш дарҳол йўқоларди.

Озиқ-овқатларини капитёркада сақлайдиган маҳбуслар одатда нонуштадан, тушлиқдан ёки кечки овқатдан олдин у ерга кириб ўз захираларидан керак нарсани олишарди. Биз ҳам Костя билан озиқ-овқатларимизни асрардик, аммо Раббий оқшоми учун шароб солинган бутилкани Костяга ишонмай баракдаги тумбочкада қолдирдик, чунки у жуда ичишни яхши кўрарди.

Солдатлар ва зобитлар тумбочкаларни текшириб баракларда тез-тез тинтув ўтказиб турардилар. Бизнинг шароб солинган бутилкамиз ҳам шундай то-пилди. Аскар уни ахлат челягига ташламоқчи бўлди, аммо тинтувни бошқараётган зобит уни қўлига олди, ҳидлаб кўриб, шундай деди: “Бу жамоат виноси, баптистлар уни причастие учун асрашяпти. Уни ташлаб юбориш мумкин эмас, Худо жазолайди!” У шаробни жойига қўйди. Буларнинг барчаси биз йўқлигимизда юз берибди, биз ўша пайтда ишда эдик, бизга кечкурун маҳбуслардан бири бу ҳақда айтиб берди.

Фисих кунлари яқинлашарди. Раббий биз учун хоҷда чеккан азоб-уқубатлари ва азобли ўлимига атаб

Унинг оқшом зиёфати кечасини ўтказишга жой то-пишимиз керак эди. Аммо қаерда? Баракда мумкин эмас — жуда шовқинли, кейин лагер бошлиқлари ҳам ҳалакит беради. Бир куни Каншауби шундай деди: “Мен санитар билан гаплашдим, у бизга пайшанба куни кечқурун касалхона палатасида йиғилишга рухсат берди. Ҳозир у ерда касаллардан ҳеч ким йўқ”.

Биз шундай килдик. Лагердаги бараклардан бирида врач хонаси жойлашган бўлиб, врачнинг ўзи 2–3 ойда бир марта лагерга келарди, холос. Врач хонасининг ёнида эса унча катта бўлмаган хона бор эди. У касал маҳбуслар учун мўлжалланган бўлиб, хонада 5–6та темир кроват турарди. Охиригина пайтларда бу хонада ҳеч ким йўқ эди. Албатта, лагерда касаллар бор эди, аммо врач бир неча ойдан бери лагерга келмасди. Бу палатада ётган беморлар ё тузалиб кетиб, улар баракларга ўтказилди, ёки ўлишди. Янги касалларни эса врач йўлланмасисиз бу ерга қўйиши масиди.

Палата ва врач кабинетини санитар — маҳбуслардан бири — тиббиётга умуман алоқаси бўлмаган, мутахассислиги ҳайдовчи бўлган одам бошқарарди. У бизга Раббий оқшоми бўш турган касалхона палатасида ўтказишга рухсат берди. Кечқурун биз шу ерда йиғилдик. Ўзимиз билан бир бўлак қамоқхонанинг қора нонидан олиб келдик, стол устига шароб солинган кичкина бутилка ва стаканни қўйдик. Кейин тиз чўкиб ибодат қилдик ва Тангридан бу кичик йиғилишни қўллаб-кувватлашини, бизни ёвуз одамлардан асранини сўрадик.

Биродарларим Фёдор ва Каншауби мендан, Раббий оқшоми ибодатини сен амалга оширгин, деб илтимос қилишди. Бизга айниқса, бу ерда — тайга лагерида Худо дастурхони атрофида рухий мулоқот жуда азиз эди. Мен деярли бир йилдан бери нон син-

дириш маросимида бўлмаган эдим. Фёдор ва Каншаби ҳам худди шундай эдилар. Биз учун Худонинг бу аҳди чуқур маънога эга эди, чунки Исо Масихнинг ўзи қамалиши, азобланиши ва хочда азоб-уқубатли ўлим топишидан олдин шуни амалга оширган эди. Бугунги кунда Масих жамоати, худди Унинг ўзи каби қувғинда. Худо бизга— XX аср масиҳийларига ҳам Унинг Муқаддас Сўзига бўлган садоқатимиз риштапарини синаб кўришни раво кўрди.

Бизнинг мамлакатимизда атеизм нафақат мафкура ёки дунёқарашибазифасини ўтайди, балки у давлат хукмронлигига ва зўравонликнинг қурдатли қуролига эгадир. Бу қурол — хукмлар, махфий полиция, қамоқхоналар ва лагерлардир. Атеистик давлат хукумати бизнинг Худога бўлган эътиқодимизни тортиб олишга ва маънавий қадриятларимиздан маҳрум қилишга ҳаракат қиласди. Учаламизни давлат атеизми Худога бўлган ишончимиз учун озодликдан маҳрум қилди. Аммо бу ерда — тайга лагерида — биз Раббимиз Исо Масихнинг хочда чеккан азоб-уқубатларини эслаш учун нон ва шароб атрофида йиғилдик. Унинг биз учун чеккан оғир машаққатларини, Унинг устидан кулганларини, Унинг бошига калтак билан урганларини ва ҳатто унга тупурганларини хотирлаш учун йиғилдик. Буларнинг барига У биз учун, бизнинг гуноҳларимиз учун чидади!

Тўсатдан кимdir эшикни тақиллатди, уни секин очди. Санитарнинг боши кўринди:

— Бу ерга Букри аскарлари билан келяпти!

— Нима қиласми? — қарадим мен биродарларимга.

— Давом қиласми! — жавоб беришди иккаласи ҳам.

Санитарга қарадим:

— Агар биз ибодатамизни давом қилдирсак, сен қарши бўлмайсанми?

— Йўқ, албатта, давом қилаверинглар! Мен фақат сизни огоҳлантирмоқчи бўлдим, холос, — шундай деб санитар эшикни ёпди ва кетди.

Мен Муқаддас Китоб сўзларини ёддан айтаман: “*Мен сизларга топширган йўл-йўриқни Раббимнинг Ўзидан олганман: Раббимиз Исо хоинона тутиб берилган кечада нонни олди, шукrona айтиб синдириди ва деди: «Олиб енглар, бу сизлар учун синдирилган Менинг танамдир. Буни Мени эслаб туриши учун қилиб туринглар». Шунингдек, кечки овқатдан кейин косани олиб деди: «Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги Аҳдидир. Ундан ҳар дафъа ичганингизда, буни Мени эслаб туриши учун қилинглар». Шундай қилиб, сизлар бу нонни ҳар дафъа еганингизда, бу косадан ичганингизда, Раббимиз келгунинг қадар Унинг ўлимини эълон этган бўласизлар.*” (1 Кор. 11:23–26).

Мен қўлимга бир бўлак лагер нонини олдим ва яна бир марта Раббимиз Исо Масихнинг сўзларини такрорладим: «*Олиб енглар, бу сизлар учун синдирилган Менинг танамдир. Буни Мени эслаб туриши учун қилиб туринглар*».

Масихнинг азоб-уқубатлари ҳақидаги хотиралар ҳеч қачон ўлмайди. Асрлар, минг йиллар ўтади, аммо тақводорлар Унинг азоб-уқубатларини ва Гўлгўта хо- чидаги ўлимини хотирлашда давом қиласидилар. Душманлар нафақат Исо Масихни жисмонан ўлдиришни истадилар, балки У ҳақидаги ҳар қандай хотирани йўқ қиласидилар. Масихнинг исмини инсоният онгидан батамом ўчириб ташламоқчи бўлдилар. Уни хонда азоб-уқубатли ва шармандали ўлим билан ўлдирилар, бу билан агар улар келажакда кимдир Масих хочга тортилгани ҳақида эсласа, фақат даҳшат ва нафрат билан эслашини истадилар.

Аммо Масиҳни унудиши мумкин эмас. Исо Масиҳ — дунё тарихининг марказидир. Бунинг устига, У — бутун оламнинг Манбаидир. “Бутун борлиқ Ундан чиқиб, У орқали бордир ва Унга қаратилгандир” (Рим.11:36). “У ҳали на ер, на далаларни, на ернинг тупрогини яратганда” (Ҳикмат. 8:26) У ер юзида бўлган. “Борлиқ У орқали бор бўлган, Усиз ҳеч нарса бор бўлган эмас. Неки бор бўлган бўлса, У орқали бор бўлган. Унда ҳаёт бор эди, Ҳаёт инсонларнинг нури эди” (Юҳанно 1:3-4).

Исо Масиҳнинг издошлари ҳамма замонларда, ҳар қандай вазиятларда Унинг азоб-уқубатларини эслашда давом қиласидилар. Мен нон устида ибодат қилдим, уни уч қисмга бўлиб, биродарларимнинг ҳар бирига бердим. Шу пайт яна эшик тақиlldади ва санитарнинг жилмайган юзи кўринди. “Ўтиб кетишди! Ҳаммаси жойида!”

Мен шаробни стаканга қўйдим. Стаканнинг 1/3 қисми бўлди. Қўлимга шароб солинган стаканни олиб, мен давом қилдим: “Худо айтди: “Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги Аҳддир. Ундан ҳар дафъа ичганингизда, буни Мени эслаб туриши учун қилинглар” (1 Коринф. 11:25). Кейин мен шаробни биродарим Маҳовицкийга бердим. У ҳам унинг устида ибодат қилди ва учаламиз Раббимизнинг ўлимини хотирлаб шу қадаҳни бўлишиб ичдик.

Шундай сўнг, тиз чўкиб Худога Унинг Гўлгўта хочидаги севгиси қаҳрамонлиги учун қизғин миннатдорчилик билдиридик. Биз Унга қутулишимиз учун, абадий ҳаёт учун ва кишсанлар учун миннатдорчилик билдиридик. Ўша пайтда биз учун на лагер, на бўш касалхона палатаси мавжуд эди. Бизнинг қалбимизда фақат Худо бизни севишини ва У бизни абадий ҳаёт учун қутқарганини англашдан қувонч ҳисси бор эди!

Ибодатимиз сўнгида биз ҳатто секингина мадҳия
куйладик:

Худойим, Сенинг уйингни, Сенинг севгинг
Қасрини севаман,
Мен Масих одамлардан қайтариб олган
Жамоатни севаман.
Мен доимо у билан рухан мулоқотда бўлишдан,
Меҳнатнинг барча оғирликларини ва Унинг
қайғуси хочини кўтаришдан хурсандман

БЕШИНЧИ БОБ

Сўнгги кунларда бирга

Бизга бу шимолий лагерда худди Худо сўзида айтилганидай яхши эди: “Шундай инсонлар саодатлидир: Улар фосиқлар маслаҳатига юрмайди, Гуноҳкорлар йўлида улар турмайди, Мазахчилар орасида улар ўтирумайди” (Заб. 132:1). Аммо орадан бир оз вақт ўтиб, Фёдор билан Каншауби борган сайин болаларини ва хотинини соғиниб ғамгин бўлаётганини сездим.

— Каншауби, нега Тоня сен билан учрашишга келмайди? — сўради бир куни Фёдор.

— Бизнинг лагеримиз Кавказдан жуда узок, — деди овозида қайғу билан Каншауби. — Кейин уйда ёш болалар билан ким қолади?

— Тоняга сенинг олдингга келишга ёрдам беришлари учун жамоатдаги биродарларга хат ёз, — маслаҳат бердик биз унга.

Каншауби жамоатга ва хотинига бу ҳақда хат ёзди. Тез орада у Тонядан хат олди. У ўз хатида тезда келишини ёзган эди. Каншаубининг қувончи чексиз эди: у хурсанд, кулиб юрарди. Лагер бошлиғи учрашув учун уч кунга ижозат берди ва расман учрашув вақтини белгилади. Бир неча хафтадан кейин Тоня келди.

Бир куни кечқурун ишдан келиб мен хурсанд, кулиб суҳбатлашаётган Каншауби ва Фёдорни кўрдим.

— Тоня келди! — мени қўриб деярли қичқирди Каншауби.

— Табриклайман, азиз биродарим! — қувонч билан қучдим мен уни. — Қачон учрашасан?

— Ҳозир навбатчи зобитнинг олдига бориб била-ман, — деди Каншауби ва қувонч билан навбатчи зо-битнинг ёнига кетди.

Тез орада Каншауби учрашувга кетди. Уч кун у биз билан бўлмади. Биз у Худодан шундай ажойиб совғани олганидан деярли бир йиллик айрилиқдан сўнг хотини билан бирга бўлиш баҳтига эришганидан хурсанд эдик. Биз Каншаубининг учрашувдан келишини ва бизга Кавказдаги тақводорлар ҳаёти ҳакида айтиб беришини, оиласи ҳақидаги янгиликлар билан ўртоқлашишини сабрсизлик билан кутардик. Биз яна эҳтимол, бу сафар Тоня орқали Хушхабарни олиш умиди билан биродаримизни кутардик. Биз сўнгги пайтларда шу ҳақда зўр бериб ибодат қилардик.

Каншауби учрашувнинг иккинчи куни биз Фёдор Владимирович билан учрашувлар хонасига келдик. Кечки пайт эди. хона деразаларидан бири бизнинг зонамизга қараганди. Дераза ойнасининг 2/3 қисми оқ бўёқ билан бўялган, ташқи томондан темир панжара билан тўсиб қўйилганди. Аммо дераза ойнасининг тепа қисми тоза ва тиниқ бўлиб, одамларни кўрса бўларди. Тоня ва Каншауби бизни қўришди ва кулиб, қўлларини силкита бошлашди. Биз ҳам уларга караб жилмайдик, қўлимиз билан мангут уйимиз бўлган, на қамоқ, на турма, на қайғу, на айрилиқ бўлмайдиган осмонни кўрсатдик.

Уч кунлик учрашув тугади ва мана Каншауби яна биз билан. Қувончли, айни пайтда Тоня билан айрилиқдан хафа, у бизга сирли боқарди.

— Яхши янгиликлар борми? — сўрадим мен.

— Хушхабар! — секин гапирди биродарим Каншауби.

— Худога шукр! — бир овоздан хитоб қилдик биз. — Худо бизнинг ибодатларимизни эшитибди! Биз Унинг сўзини қандай соғиндик!

Тоня Хушхабарни учрашув хонасига олиб келгани, Каншаубининг эса уни зонага олиб ўта олгани Худонинг мўъжизаси эди. Энди биз Худо Сўзини ўқий олардик! Нафақат биз, балки бошқа маҳбуслар ҳам — лагерда Хушхабар билан қизиқаётган ўнтача одам бор эди.

Шунингдек, Тоня Каншаубига озиқ-овқатлар ҳам олиб келганди. Бизнинг зонамизда қариндошларидан озиқ-овқатлар ёки посылка олмайдиган оч одамлар кўп эди. Шунинг учун хотинларимиз Клава, Надя ва энди Тоня ҳам олиб келган озиқ-овқатларни биз бошқа маҳбусларга ҳам берардик.

Айниқса, мен тошкентлик баланд бўйли, озгин бир йигитни эслаб қолдим: қорачадан келган чўзинчоқ юзли, маъноли қора кўзлари. У қандайдир майда ўғирлик учун судланган эди. Болалигида у кўчада ўсганди. Бу йигитча она ҳақидаги ғамгин қўшиқларни яхши куйларди. Маҳбуслар унга “Жага” деб лақаб қўйишганди. У доимо оч эди. Уятchan, тортинчоқ, кўзларида ғам билан у паст овозда сўради: “Сизда бир бўлаккина ортиқча нон топилмайдими?” Биз қўлимиздан келгунча Жагага ёрдам беришга ҳаракат қиласдик: нафақат озиқ-овқат ёки кийим-кечак билан, балки унинг рухини кўтаришга, Масиҳни кўрсатишга уринардик.

Яна москвалик бир йигит ҳам доимо оч ва бечораҳол ҳолда эди. Баланд бўйли, жуда озгин, фақат суюклари ва териси қолган бу йигитнинг исми Сергей эди. унинг муддати жуда кам бўлиб, Москва шўро-

сида маст ҳолда қилган жанжали учун бир йил берилганди. Доимо индамас, у лагернинг маҳбуслар яшайдиган худудида майда-чуйда қўшимча ишларни бажаарди: ниманидир суварди, бўярди, лагер бошлиқларининг хоналарини, ошхонани ва бара-кларни таъмирларди. Унинг кийими доимо оҳак ва бўёқ теккан бўларди. Сергей қандайдир қўрқиб қолган ва ичимдагини топ одам эди. Маҳбуслар уни ёқтиришмасди ва доимо: “Сен Москвада ким бўлгансан?! Қаерда ишлагансан? Сен оддий одамга ўхшамайсан!” — деб сўрашарди.

Баъзизда уни уриш учун муштларини кўтаришарди. Шунда Сергей индамай ўзини четга оларди. Биз унинг тўйиб овқат емасликдан ва ёлғизлиқдан жуда азоб чекаётганинги кўрадик ва унга эътибор беришга, яхши сўз билан руҳини кўтаришга ҳаракат қиласардик. Биз нимамиз бўлса — нонми, мураббоми, маргаринми у билан бўлишардик. Биз унга Раббий ҳақида гапирганимизда, у дикқат билан эшитар, аммо камдан-кам савол берарди. Шунинг учун биз унинг эътиқод масалаларини, Худога ҳақиқий муносабатини билмасдик: эҳтимол, у бизни одоблиги учун эътибор бериб тинглар?

Сергей бир куни менга: “Георгий, мен озодликка чиқишимдан олдин лагердаги охирги кунимда сен билан муҳим нарса ҳақида гаплашиб олмоқчиман!” — деганда унинг муддати охирлаб қолганди. У озод бўлган куни бизнинг баракка кирди, Фёдор ва Каншауби билан хайрлашди, берган ёрдамларимиз учун миннатдорчилик билдириди. “Бу лагерда фақат сизлар чин маънода одамсизлар!” — деди бизга Сергей хайрлашаётганда.

Кейин у мендан уни вахтагача кузатиб қўйишимни илтимос қилди. “Георгий! Мен сенга юрагимни оч-

моқчиман. Лагерда маҳсус бўлим зобитидан ташқари ҳеч ким менинг кимлигимни билмайди... Мен тасодифан бу жиноятчилар лагерига тушганман. Мени бу ерда сақламасликлари керак эди. Москвада мен майор унвонидаги милиция зобити эдим. Бир куни мен метрода бир ёш йигит билан қаттиқ уришиб қолдим. Мен озроқ маст эдим. Биз нима ҳақдадир баҳлашдик, у мени итарди, мен уни урдим. Кейин билсам, у Ички Ишлар Вазирининг қариндоши экан. Шундай қилиб, мен бу ерга келиб қолдим, бу — вазирнинг қасоси. Одатда бизни — жиноятлари учун судланган милиция ёки КГБ ходимларини жиноятчилар бўлмайдиган маҳсус лагерларда сақлашади. Агар маҳбуслар менинг аслида ким эканлигимни билгандарида, мени бир кечада бўғиб ўлдирган бўлардилар!” — деди алам билан Сергей.

Кейин у сўзида давом қилди: “Мен сизлардан — тақводорлардан, менга кўрсатган яхшиликларингиз учун миннатдорман! Фақат нон ва маргарин учун эмас — менга нисбатан одамгарчилигинги учун ҳам раҳмат! Худо севгиси ҳақидаги сўзларингиз учун ҳам раҳмат!” Сергей тўлқинланиб кетди ва кўзларида ёш билан қичқирди: “Мен милиция майори сифатида Москва остидаги, Дедовскдаги сизнинг баптистларингиз йиғилишларини ҳайдашда иштирок қилганман. Мен сизнинг эътиқоддаги биродарларингизни қамаганман, уларнинг устидан кулганман! Мен — сизнинг таҳқирловчингизман, мана бу ерда, лагерда менга сизлардан — баптистлардан — бошқа ҳеч ким ёрдам бермади!”

“Сергей, Москвага қайтиб борганингда — сен ўзинг қувғин қилган тақводорларни ахтариб топ, уларнинг йиғилишларида иштирок қил! — илтинос қилдим мен ундан.— Сенга Масих керак! Сен

қутулишга муҳтожсан, Масиҳ сени севади!” Кейин биз бир-биримизнинг қўлимизни маҳкам сиқдик. “Мен сен учун, Сергей, бутун ҳаётим давомида ибодат қиласман”, — дедим мен хайрлашаётиб. Баракка қайтиб келиб, мен биродарларимга Сергей билан қилган сухбатим ҳақтида айтиб бердим. Биз ҳар куни у ҳақда Самовий Отамиз олдидағи ибодатларимизда эслаб турдик.

Мени Москвадан бу шимолий лагерга этап билан олиб келгандарида Пермдаги жўнатиш пунктида мен 18 ёшлардаги Валерий исмли ёш маҳбус билан танишган эдим. Унинг тиши жуда оғрирди: эҳтимол, йиринг бўлса керак, чунки бир томон юзи жуда шишиб кетганди... Оғриқ азобидан у на овқатлана, на ухлай оларди, жуда қаттиқ азоб чекарди. Мен нима биландир унга ёрдам беришга харакат қиласдим ва ҳеч бўлмаганда у ширин қайнок сув ичиб, сал бўлсада кучга кириши учун унга шакаримни бердим. Кейин тишининг шиши қайтгандан сўнг Валерий мен билан яқин бўлиб қолди ва бизга у кўп нарсалар ҳақида айтиб берди, мен ўз ҳаётим ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Валерий майда ўғри эди, у ниманидир ўғирлаб иккийилга қамалганди.

У менинг ҳаётга қарашларим ва эътиқодим билан жуда қизиқарди. “Теоргий, сен чиндан ҳам Худога ишонасанми?! Бу жуда ғалати! Мен ҳеч қачон бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаганман. Менга болалигимданоқ Худо йўқ деб уқтиришарди. Олдинига оилада — отонам, кейин мактабда ўқитувчиларим. Менинг отам Совет Армияси зобити бўлган. У 1956 йилда Вегрияда ҳалок бўлди. Онам тез орада яна турмушга чиқди ва иккинчи турмушидан қиз туғди, мен эса керак бўлмай қолдим. Ўгай отам нимагадир мени ёмон кўрарди. Мен мактабда ёмон ўқирдим, киссавур эдим.

Мана энди мен бу ерда — қамоқхонадаман”, — ана шундай қисқа қилиб Валерий ўз ҳәётини тасвиirlаб берди.

Валерий иккаламизни бошқа маҳбуслар қатори Чепечанка лагерига олиб келгандаридан мен уни Фёдор ва Каншауби билан таништиридим. У негадир бирпасда биз учун яқин, ўзимизнинг одамга айланди. Кейинроқ бизда Хушхабар пайдо бўлганда эса, Валерий уни ўқий бошлаганлар ичидан биринчилардан бири бўлди. Тез орада у биз билан бирга очиқчасига ибодат қила бошлади.

Каншауби лагерга келгандан ярим йил ўтгач, кейин эса Фёдор билан биздан сўнг лагерда Худога яқинлаша бошлаганлар 10 тадан ошли. Аммо очиқчасига биз билан ибодат қилишга фақат Валерий журъат қилди. Лагер маъмурияти хавотирга тушиб қолганди, лагер бошлиғи Станицкий эса бир куни зобитлар орасида шундай деди: “Агар ҳал қилувчи чоралар кўрилмаса, ярим йилдан сўнг лагернинг ярми баптистларга айланади!” Албатта, у жуда муболага қиларди, аммо атеистларнинг хавотирлари учун асос бор эди.

Июль ойининг бошларидан лагерга Москвадан Ички Ишлар Вазирлигидан комиссия келди. Бундан бир неча кун илгари лагер маъмурияти томонидан маҳбуслар учун ҳаммом ташкил қилинди, ҳаммага тоза ички кийимлар берилди, ўсиб кетган соқоллар қирилди, ўрин-жойлар: чойшаблар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари алмаштирилди. Лагер худуди ҳам тозаланди, тартибга солинди, ҳаттоки тоза дарё қуми олиб келиниб, зонадаги йўлкаларга сепилди. Шошилинч равишда бир нечта клумбалар ва гуллар экилди. Ошхонада шу пайтгача маҳбусларнинг товоклари устида минглаб айланиб юрган чивин ва пашшалар

йўқ қилинди. Яна зона ўртасидаги отлар қиши да-
вомида еб улгурмаган, қишидан қолган озиқ-овқат
қолдиқлари устига ҳам қум сепилди. Ҳозир отлар
чириган балиқ қолдиқларига қиё ҳам боқмасдилар,
чунки атрофда кўм-кўк ўтлар жуда кўп эди.

Баракларнинг деворларига Лениннинг суратлари
ҳамда янги бўёқ билан янгилangan ишоралар ёпиши-
тирилган катта фанера лавҳалар қоқилди. Бу шиор-
ларнинг мазмуни қуйидагича эди: “Ленин таълимоти
тўғри, шунинг учун ҳам мангудир!”, “Ленин ҳозир
ҳам барча тириклардан тириkdir!”, “Партия ва халқ
ягонадир!”, “Озодликка пок виждан билан!” “Ватан-
га кўпроқ ёғоч етказиб берамиз!”

1967 йил эди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллик
юбилейи яқин эди (1917–1967 йил). Барча лагер-
лардаги маҳбуслар катта умумий авфни кутишарди.
Москва комиссияси бизнинг лагеримизда фақат икки
кун бўлди. Комиссия аъзолари лагерни кўришди,
маҳбуслар яшайдиган баракларга киришди, ошхонага
боришлиди. Улар яна 20 тача маҳбуслар билан
сухбатлашишди. Уларнинг орасида Маховицкий ҳам
бор эди. Сухбат лагер бошлигининг хонасида бўлиб
ўтди. У ерда Москвадан келган комиссия аъзолари-
дан ташқари лагер бошлиғи Станицкий ва 2–3та ла-
гер зобитлари бор эди. Комиссия раиси, МВД полков-
ниги Маховицкийдан сўради:

— Сиз, эҳтимол, бу йил Совет давлатининг 50
йиллик юбилейи муносабати билан катта авф кутила-
ётганини биларсиз?

Маховицкий билишини тасдиқлади.

— Сиз нима деб ўйлайсиз — сиз авф этиласиз-
ми?! — сўради полковник.

Маховицкий елкаларини ноаниқ равишда қисди:

— Билмайман!

— Нима сабабдан сиз бу ердасиз? — янгради савол.

— Худога эътиқодим учун!

— Худога эътиқоди учун бизда ҳеч кимни суд қилмайдилар, — тушунтира бошлади полковник. — Сизни аниқ ҳаракатларингиз — совет қонунларини бузганингиз учун озодликдан маҳрум қилишиди.

Маховицкий жавоб берди:

— Мен сизнинг гапингизга қўшиламан; ўрток бошлиқ, тўғри, бизнинг мамлакатимизда аниқ ҳаракатлар учун суд қилишади: эътиқод учун, ибодат йигилишлари учун, Хушхабарни тарғиб қилгани учун.

— Ленинградда қаерда ишлагансиз?

— Киров заводида.

— О, бу жуда катта революцион анъаналарга бой, машхур собиқ Путилова заводи—ку! Унда жуда кўп марта Владимир Ильич Лениннинг ўзи нутқлари сўзлаган. Маховицкий, қандай қилиб шундай катта революцион анъаналарга бой коллектив сизни қайта тарбияламади?! — ҳайрон бўлди полковник.

— Эътиқодингизга кўра кимсиз? — полковник Маховицкийнинг масиҳий-баптист эканлигини жуда яхши билса—да, аниқлади полковник.

— Мен — Хушхабар-баптист эътиқодидаги масиҳийман.

Полковник лагер бошлиғига мурожаат қилди:

— Лагерингизда баптистлар нечта?

— Лагерга учта баптистни келтиришди. Аммо бугунги кунда лагерда улар кўпчиликни — 10–15та кишини ташкил қиласди. Маховицкий ва унинг эътиқодидаги биродарлари лагерда фаол ташвиқот олиб боришиди! Мен бу ҳақда аллақачон Москвага — Вазирликка билдирганман. Улар билан нима қилиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларни кутаяпман!

— Маховицкий, сиз нега лагерда эътиқодий ташвиқот билан шуғулланаяпсиз? Янги муддат олишни хоҳлайсизми? Менга сиз ва сизнинг ҳамфирларингиз баракда очиқчасига ибодат қилишингизни, эътиқодий дунёкарашингизни бошқа маҳбусларга зўрлаб ўтказишингизни айтишди. Агар сиз ибодат қилишни бас қилмасангиз, катта авфни ҳеч қачон кўрмайсиз! — деди москвалик полковник.

— Ибодат қилмаслик бизнинг қўлимииздан келмайди, ўртоқ бошлиқ! Бунда бизнинг ҳаётимиз! Ибодат — бу бизнинг эътиқодимизнинг; Худога севгимизнинг нафасидир! Шу учун биз ибодатимиз ва эътиқодимиз учун лагердамиз! — жавоб қилди Маховицкий.

Лагер бошлиғи:

— Маховицкий, ибодат ёки озодлик — танланг!

— Биз ўз Худойимизга ибодат қиласиз! — жавоб қилди Фёдор Владимирович.

Москвалик полковник:

— Тушунинг, Маховицкий, лагер — бу давлат муассасаси! Қонунга асосан жамоат бизнинг мамлакатимизда давлатдан ажратилган. Сизнинг давлат муассасасида, ҳатто баракда ибодат қилишга ҳаққингиз йўқ!

— Аммо биз қаерда ибодат қилишимиз керак?

— Ҳожатхонада! — сурбетларча кулди полковник.

— Агар ибодатларингиз ва ташвиқотларингизни бас қилмасангиз, сизни бошқа янада узокроқ, яrim йиллаб қуёш юзини кўриб бўлмайдиган лагерларга юборамиз! — қўшиб қўйди комиссия аъзоларидан бири. — Озод бўлганингиздан сўнг, уйингизда ибодат қиласиз, ҳозир эса озод бўлгунингизча чиданг!

— Биз баракдаги кроватимиз ёнида ибодат қилганимиз ва ибодат қиласиз ҳам. Сиз бизни озодликдан

махрум қилдингиз, хотинларимиз ва болаларимиздан тортиб олдингиз, бизни шимолга, лагерга олиб келдингиз. Бугун — барак ва наралар — бизнинг уйимиз, шу ерда биз ибодат қиласиз!

— Сизни янада Шимолга жўнатамиз! — таҳдид қилди москвалик полковник.

— Ўртоқ бошлиқ! Шимолдан нарига — йўл йўқ, у ерда Шимолий муз океани бор. Агар бизни бошқа лагерга олиб борсангиз, унда фақат иссиқроқ ва пашшалар бўлмаган жанубга олиб борасиз, — хотиржамлик билан жавоб қилди Фёдор.

— Уни энг қийин ишларга тайинланг! — буюрди москвадан келган полковник.

— Сухбат тугади! Кетишингиз мумкин! — деди Станицкий.

Кейин Фёдор хонадан чиққандан сўнг полковник қичқириди:

— Маховицкий! Катта авф ҳақида ўйлаб кўринг! Сизнинг озодлигингиз — ўз кўлингизда. Сизни уйда хотинингиз, болаларингиз ва ҳатто тақводор биродарларингиз кутаяпти!

Москвалик комиссия кетганидан сўнг кейинги кунлари лагер бошлиғи ўз кабинетига биз билан Худо ҳақида кўп сухбатлашган маҳбусларни чақира бошлади. Станицкий уларнинг ҳар бирига агар улар биз билан ҳар қандай муносабатни тўхтатсалар, тезда озодликни авф бўйича ваъда қилди. Аммо бундайлар йўқ эди. Фёдор Владимировични эса лагер ёнида жойлашган посёлкадаги аҳоли уйларини қуриш бригадасига ишга тайинлашди. Аммо унинг руҳи тушмади. “Дурадгорлик ишини жуда яхши соғиниб қолгандим!” — қувноқлик билан деди у бизга.

Июлнинг бошида бизга зимдан яхшилик қилиб юрган лагер зобитларидан бири Каншаубига шундай

деди: “2–3 кундан сўнг сизларнинг учалангизни Чепечанкадан бошқа лагерга жўнатишади”. Бизни бу хабар жуда тўлқинлантириди: буларнинг барчаси лагердаги Масихга яқинлаша бошлаган одамларнинг тақдирида қандай акс этаркан? Биз Худога ибодат қила бошладик: “Хеч бўлмаса биттамизни бу ерда Чепечанкада қолдир, токи биз яқинлашган қалбларга маънавий кўмак элтишда давом қиласлий!”

Бир кундан сўнг зобит бизнинг учаламизга кеч-курун давлат томонидан берилган нарсаларни — матарапларни, кўрпаларни, чойшабларни, ёстиқларни топширишни ва этапга тайёрланишини буюрди:. Шу охирги куни биз яширин ибодат йиғилиши ўтказишга ва унга Худони англашга яқинлашган барча маҳбусларни таклиф қилишга қарор қилдик.

Биродарларимиз биринчи бўлиб Хушхабарни ўқиши менга топширишди. Мен янги дўстларимизга қарадим: улар бизга қандай яқин бўлиб қолишли! Худо уларнинг юракларида ўз ишини бошлади, Унинг ҳақиқати нурлари юракларнинг энг яширин, чуқур жойларига барча ёвуз ва жиноий нарсаларни фош қилиб кира бошлади. Ҳақиқатдан ҳам Худо Сўзи — худди Муқаддас Китобда ёзилганидай маънавий қиличдир: “Худонинг каломи жонли ва таъсирли, ҳар турли дудама қиличдан ўткирроқдир. У жон билан руҳни, бўғинлар билан иликни бўлгундек суқилиб киради, юракнинг хаёлу ниятларини фош қиласли” (Ибр. 4:12).

Худо нафакат инсон қалбининг гуноҳкорона моҳиятини фош қиласли ва очиб ташлайди, балки қалбларга ҳалокатли, танглик ҳолатидан чиқишига ёркин умид, авф қилиниш ва қайта тирилишга — гуноҳкорлик зулматидан янги, қувончли ва пок ҳаётга Худо билан бирга боришга умид бағишилади.

Қалбларнинг қайта тирилиши — гуноҳларда ва жиноятларда қотган, ёлғон, сурбетлик ва нафрат билан суғорилган юрак тўсатдан яхшилик, севги ва шафқат учун очилади... Илгари тўхтовсиз сўкиш, лаънатлар ва ёмон сўзлар оқимини чиқараётган оғиз — энди қувонч билан қисқагина қилиб муқаддас сўзларни айтади: “Худо! Менинг Раббим!”

Учаламиздан хар биримиз йигилганлар учун Хушхабардан парча ўқиб, қисқа ваъз айтдик. Биз лагерда биринчи марта барча Худога яқинлашганлар билан ана шундай катта йигилиш ўтказдик. “Эртага эрталаб биз учаламиз этапга жўнашимизни айтишди!” — дедим мен сўзимнинг сўнгидаги. Янги дўстларимиз бизни кутаётган айрилиқдан хафа бўлишди ва хавотирга тушишди.

“Биз доимо сизлар учун ибодат киламиз, Худо бу ерга ўз хизматкорини юборишига ва сизлар етим бўлиб қолмаслигингизга ишонамиз! Биз сизга бу Хушхабарни қолдирамиз, бу кичик гурухга — бўлажак лагер жамоатига жавобгарни танлашни хоҳлаймиз. Биз биродарларимиз билан муҳокама қилдик, сенга, Михайл, Хушхабарни топширишга ва бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳақида руҳий васийликни топширишга қарор қилдик. Масиҳ ҳақидаги гувоҳлик бу тайга лагерида давом қилиши керак. Худо сизни ташлаб кўймайди!” — Мен Хушхабарни Михайлга — маҳбуслардан бирига топширдим. Мен у билан Москвадан келаётган этап пайтида танишган эдим. Охирида Каншауби ибодат қилди, кейин биз йигилишимизнинг ҳар бир иштироқчиси билан хайрлашдик ва эҳтиёткорлик билан битта-битта тарқалдик.

Үйқудан олдин баракда биз яна бирга тиз чўкиб, узоқ вакт ибодат қилдик. Ўша кеча биз яна ўз

нараларимизда ухладик, аммо энди матрасларсиз, ёстиқларсиз ва кўрпаларсиз. Кейинги куни эрталаб барвакт турдик ва ибодат қилдик. Подъемдан сал олдин отряд командири баракка югуриб кирди ва: “Баптистлар, этапга!” деди.

Отряд командири — бизнинг барак тарбиячи-си — 30 ёшлардаги баланд бўйли, озгин лейтенант биз — художўйларни унча ёқтирумасди. У бизни йў-лимиздан қайтариш, атеизм ва материализм руҳида қайта тарбиялаш учун эътиқод ва Худо ҳақида биз билан доимо баҳслашарди. “Мен сизнинг эсингизни киритиб қўяман! Сизни тўғри йўлга соламан!” — дерди у қўпинча бизга бошқа маҳбусларнинг ёнида. Аммо у сира муваффақиятга эриша олмасди. Аксин-ча маҳбуслар орасида бизнинг эътиқодимизга катта қизиқиш уйғотарди.

“Баптистлар, тез ошхонага, ўз паёгингизни олинг, кейин — йўлга!” — қичқирди отряд командири. Эшикка етганда у қўшимча қилди: “Ниҳоят бизнинг лагеримиз бу баптистлардан қутулади!”

Биз ошхонадан қайтиб келганимизда, баракка яна отряд командири югуриб кирди: “Маховицкий! Хотинингиз билан учрашувга! — яна баланд овозда қичқирди у. — Бу баптистларнинг омади чопгандандар — қаранг-а, хотини Питердай жойдан келибди-я!”

Маҳбус Костя — Москвалик таксист, қайта тарбиялаб бўлмайдиган баптистлардан қутулаётган отряд командирига тушунган холда жилмайди.

— Гражданин бошлиқ, — деди Костя, — баптистларнинг касаба уюшмаси кучли, тўғрими! Ленинграднинг ўзидан Маховицкийнинг хотини келибди! Уларга баптистлар касаба уюшмаси жуда яхши ёрдам берибди — тасаввур қиласизми — 2000 километрдан келибди-я!

— Ҳа, яна ўғли билан! — тўлдирди отряд зобити.

— Ҳа, уларнинг касаба уюшмаси мустаҳкам, — яна бир марта такрорлади Костя. — Бизниги ўхшамайди... — Костя қайгули тарзда қўлларини ёйди.

Утрашувга тўсатдан чақирилиш Фёдорни кучли ҳаяжонга солди. Биз ва Каншауби ҳам ҳайратдамиз: этап ва тўсатдан — учрашув! Аммо биз биродаримиз учун баҳтлимиз.

— Келинглар, биродарларим, ибодат қилайлик, кутилмаган қувонч учун Худога миннатдорчилик билдирайлик! — дейди Фёдор.

— “Тор жойда Сен менга кенглик ато қилдинг!” — Каншауби 4-сано сўзларини ўқиди.

Биз тиз чўқдик, Фёдор ибодатда Худога Унинг ажойиб йўллари учун қизғин миннатдорчилик билдириди. Отряд бошлиги биз ибодат қилаётганимизда сабр билан кутиб турди. “Майли, баптистлар сўнгги марта менинг барагимда ибодат қилиб олишсин! Агар улар шунчалар ақлсиз бўлсалар ва ибодатсиз тура олмасалар!” — афтидан у шундай деб ўйласа керак. Кейин Фёдор отряд командири ҳамроҳлигига вахтага учрашувга кетди. Баракда биз билан Каншаубидан ташқари яна бир нечта маҳбуслар бор. Қолганлар аллақачон баракдан чиқишиб, лагер дарвозасидаги вахта томонга разводга қараб кетишиди.

Якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб 7.00да ишга кўриқдан ўтказиш бошланади. Деярли барча меҳнатга лаёқатли маҳбуслар қуролланган соқчилар ва итлар назорати остида ўрмонга жўнашади. Ишга кўриқдан ўтказиш лагер дарвозаси ёнидаги устунга осилган рельс парчасига қаттиқ урушдан бошланади: “Бўм! Бўм! Бўм!” соқчилардан бири рельсга темир бўлаги билан 9–10 марта урган пайтда оғир металл

товуши баракларнинг ва бошқа биноларнинг барча бурчакларига етиб боради.

Кейин лагер радиоси: “Гражданин жазолангандар! Ишга кўриқдан ўтказиш эълон қилинади! Бригадирлар ўз бригадаларингизни олиб чиқинг!” — деб шундай баланд товушда эълон қиласди, унинг овозини нафақат зона, балки бутун тайга эшилади. Бизни энди маҳбуслар деб эмас, “гражданин жазолангандар” деб аташади — бу янгилик яқинда жорий қилинди. Лагер ҳам энди расман лагер деб эмас, МТМ — меҳнат тузиши муассасаси деб аталади.

“Ишга кўриқдан ўтказиш! Чик!” — баланд товушда кичқиришади назоратчи соқчилар ҳар бир баракка кириб. Мана, барча бараклардан секин, истар-истамай лагер дарвозаси томонга қараб қовоқлари солинган, уйқудан салқиган юзли маҳбуслар судралиб боришиади. Олдинда узун кун ва машақатли, мажбурий иш... Маҳбуслар кечки соат 6–7ларда жуда чарчаб, оч қолиб, оёқларини зўрға судраб қайтадилар. Бизнинг лагеримиз ёғоч тайёрлайди: “Мамлакатга ёғоч керак!” Лагерда фақат касаллар, ногиронлар, қариялар ва хўжалик хизматчилари — супуриб-сирирадиганлар, зонада таъмирлаш ишларини олиб борадиганлар ва лагер ошхонасида овқат пиширадиганларгина қолишиади.

Биз Каншауби билан баракдан чиқдик. Атроф жим-жит, сокин, шамол йўқ, тайгадан пашшалар булути учиб келяпти — афтидан, кеча давомида маҳбуслар қонини соғинишган, оч қолишган, шекили... Бизнинг ёнимиздан дарвозага томон ишга маҳбуслар ўтиб боришияпти. Улар ғазаб билан пашшаларни ҳайдашади. Аммо уларни тайгада, ёғоч тайёрлашда нима кутяпти — ўйлашнинг ўзи даҳшат! Пашшалар шоҳлиги: ўнлаб, юзлаб пашшалар

тананинг очиқ қисмларига, юзларга ва қўлларга ёпишишади.

Баъзи маҳбуслар бизнинг этап қилинишимиз хақида аллақачон билишади. Дўстона равища қўлларини силкитадилар, хайрлашадилар ва биз тезроқ озод бўлишимизни тилайдилар. Кимдир тўхтаб, сўрайди:

— Этап қаерга? Нечта одам? Сизни қаерга жўнатишяпти?

— Билмаймиз! — жавоб қиласиз биз Каншауби билан. — Этапга — фақат учаламиз, шекилли.

— Ҳар қандай вазиятда ҳам сизни жанубга пашшалар кам жойга олиб боришади! Шимолга йўқйўқ, — ишонтиришади баъзилар.

Маҳбуслардан бири — биз у билан таниш эмасдаймиз — хайрлашишга келди ва бизнинг қўлимизни қисиб, жилмайди:

— Сизга бундай сўнг ҳам ўз эътиқодингиз учун худди шундай мустаҳкам туришингизни тилайман! Маъмурият сизнинг эътиқодни ҳимоя қилиб айтган сўзларингиздан қўрқди. Сиз ғалаба қилдингиз! Бундан кейин ҳам худди шундай қилинг!

— Сиз-чи?! Сизнинг Худога муносабатингиз қандай? — сўраб улгурдик биз.

Ёнимиздан бир зобит югуриб ўтиб бораради. Бизнинг маҳбуслар қуршовида турганимизни кўриб, у бегараз қичқирди: “Баптистлар, ташвиқотни бас қилинг! Кучингизни янги лагерлар учун асранг! Оқйўл!”

Биз баракка қайтиб кирдик. Бир соатдан сўнг Фёдор учрашувдан қайтиб келди. У жилмаяр, баҳтиёр эди.

— Нега учрашув бунча тез тугади? — сўрадим мен.

— Бошқа рухсат беришмади — этап, — жавоб қилди у. — Клава келди, яна ўғлим Миша ҳам! У жуда хурсанд бўлди, чунки у мени кўпдан бери кўрмаганди. Клава озиқ-овқат, нарсалар олиб келибди, аммо раҳбарлар рухсат беришмади. Мана факат учта помидорни олиб ўтишга рухсат беришди.

Фёдор курткасининг чўнтағидан учта қип-қизил, катта-катта помидорларни чиқарди ва нараларнинг устига қўйди. Улар қандай чиройли ва хушбўй! Биз уларни қўлга олиб меҳр билан силаймиз: анчадан бери янги узилган сабзавотларни кўрмаган эдик. Ҳаттоқи лагер овқатидаги картошка ҳам қуритилган эди. Помидорларга шу куни у ёки бу сабаб билан ишга чиқмаган бошқа маҳбуслар ҳам ҳасад билан боқишиади. Фёдор тумбочкадан яшириб қўйилган ва аррадан ясалган пичоқни олиб, ҳар бир помидорни бир неча бўлакка бўлди: помидорлар ўн бўлакка бўлишди. Баракда маҳбуслар сони нечта бўлса, тахминан шунча.

“Олинглар йигитлар! Янги узилган помидорлар, ҳозиргина озодликдан!” — қувончли овоз билан муружаат қилди у ҳаммага. Биз помидорларни газета ёзиб устига қўйдик. Маҳбуслардан кимдир бир чимдим йирик туз олиб келди. Биз ўрнимиздан туриб, овқатга Худонинг марҳаматини сўрадик. Шундан сўнг ҳар ким ўзига кичик бир бўлак янги, ажойиб мазали поимдордан олди. Шу пайт вахтадаги аскар югуриб кириб келди ва қичқирди:

— Маховицкий, Винс, Джангетов! Вахтага, этапга!

— Хайр, йигитлар! — дедик биз ҳамма маҳбусларга ва аскар билан вахтага кетдик.

Вахтада бизни тинтув хонасига олиб киришиди — хонада узун оғир стол турарди. Учта аскар аллақачон бизни кутиб туришарди. “Нарсаларингиз-

ни столга қўйинг! Ҳамма нарсангизни чўнталингиздан чиқаринг!” — деган буйруқ берилди. “Пулингиз борми? Пичок, устара, гиёҳванд моддалар?!?” — сўрашди аскарлар.

Биз стол устига иссиқ, қишки кийимларимиз солинган қопларимизни қўйдик: пахтали камзул, пахтали шимларимиз, пийма, жун пайпоқлар ва иссиқ жун қўлқоплар солинган қопларимизни — уларсиз Шимолда мумкин эмас — ҳалок бўласан. Мана шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммасини қопда асрашга ва лагердан—лагерга ўзимиз билан олиб юришимизга тўғри келади. Аскарлардан бири стол устига менинг қопимдаги нарсаларни тўкиб, менга қаради:

— Нега жавоб бермаяпсан? Пулинг борми? Таъқиқланган бирон нарса борми?!

— Таъқиқланган ҳеч нарсам йўқ! — жавоб қилдим мен аскарга.

— Агар топсам-чи?! Мендан таёқ ейсан! — Аскар ҳали жуда ёш, ҳали кўп бўлса ўн тўққиз ёшдадир, аммо у аллақачон қўполликка ўрганган.

— Ахтар! — дедим мен хотиржам. Бошқа аскар мени тинтув қилаётган ёш аскарга ўргатди:

— Ундан Муқаддас Китоб ҳақида сўра — уни қаерга беркитди экан?

— Қани сенинг Муқаддас Китобинг?! Бу ёққа бер! — қўполлик қилди ёш аскар.

— Лагер бошлиғида, — олдингидай хотиржам жавоб бердим мен.

— Нима сен, Худога ишонувчанмисан? Одамларни аҳмоқ қилиб, динни тарғиб қилдинг?! Сени отиб ташласа ҳам кам!

— От! — дедим мен хотиржам.

Менинг хотиржамлигим очиқдан — очик ёқ-маяпти.

— Сен мендан оласан, ҳозир! — ириллайди у мен-га. — Сенинг эътиқодингни миянгдан чиқариб ташлайман!

Менинг қишки кийимларимни тинтув килишни тугатиб аскар буюрди:

— Кийимларингни еч! Ҳамма нарсангни еч, пайпокларингни ҳам!

Мен ҳамма кийимларимни ечиб стол устига кўйдим. Аскар синчиклаб ҳамма нарсани текшириб чиқди. Ҳар бир чивиқни бармоқлари билан синчиклаб кўрди. Аммо таъкиқланган ҳеч нарса топа олмай, менга кийимларимни қайтариб берди:

— Ол! Тез кийин!

Мен кийиниб бўлганимда тинтув хонасига лагер бошлиғи Станицкий кириб келди. Каншауби, Фёдор ҳам тинтувдан кейин кийиниб бўлишганди.

— Тинтувни тугатдингизми? — сўради Станицкий аскарлардан.

— Тугатдик! Ҳаммаси жойида, ўртоқ майор! — Станицкийнинг эгнида майор погонлари бор янгиғина ҳарбий кийими бор эди: унга эндиғина бу унвонни беришганди.

Мен Станицкийга мурожаат қилдим:

— Гражанин бошлиқ! Сизга мурожаат қилишга рухсат этинг!

— Ҳа, эшитаман, — жавоб берди Станицкий.

— Мен бу лагерга келганимда сиз мендан Мукаддас Китобни олиб кўйдингиз. У ҳозир қаерда? Сиз мен озод бўлган вақтимда ёки лагердан этап қилинаётганимда қайтариб беришга ваъда берган эдингиз.

— Ҳа, беришга ваъда қилганман, — тасдиқлади Станицкий. — У менинг сейфимда! Ҳозир қайтариб бераман.

Станицкий тинтув хонасидан чиқди. Тезда у күлида Муқаддас Китоб билан қайтиб келди.

— Мана, олинг! — Станицкий менга Муқаддас Китобни узатди.. — Аммо янги лагерда уни сиздан яна олиб қўйишади, — қўшиб қўйди у.

— Раҳмат, гражданин бошлиқ, — мен Станицкийга миннатдорчилик билдиридим. — Сиз уни ўқидингизми?

— Ўқидим! Қизиқ китоб, аммо жуда кўп тушунарсиз жойлари бор.

— Муқаддас Китобда энг асосийси — бу Исо Масихда нажот топиш масаласи, — изоҳ берди Каншауби. — Китобдан энг асосий жойини ўқиб беришга рухсат беринг.

Каншауби менинг қўлимдан Муқаддас Китобни олиб, уни очди. Кейин Юҳанно Хушхабарининг 3:16, 17 оятларини ўқий бошлади: “*Зеро Ҳудо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. Ҳудо оламни ҳукм қилиши учун эмас, балки Ўғли орқали қутқарии учун Ўғлини дунёга юборди*”.

“Ҳудо сизни севади, гражданин бошлиқ! Масиҳ хочда сизнинг ҳам гуноҳларингиз учун ўлди!” — Станицкийга мурожаат қилиб деди Фёдор. Станицкий Каншаубининг қўлидаги Муқаддас Китобга хаёлчан қарашда давом қилиб бошқа ҳеч нарса демади. Кейин у тинтув хонасидан ҳеч нима демасдан чиқиб кетди. Мен Муқаддас Китобни нарсаларим солинган қопга солдим. Аскарлар жимгина бўлиб ўтаётган воқеани кузатиб туришарди.

Тинтувдан кейин учта аскар бизни лагердан олиб чиқиб, темир йўл томонга олиб кетишиди. Биз лагердан 100 метрлар нари кетганимизда, бизни тўsatдан

түхтатиши: лагердан бир зобит чопиб келарди “Жангетов! Орқага, лагерга қайтинг — сиз қоласиз!” — қичқирди зобит. Бу шунчалар кутилмаган бўлдики, нафақат Каншауби, аммо биз ҳам Фёдор билан тўхтадик: нима гап? Нима бўляпти? Зобит бизнинг ёнимизга келиб, Каншаубини елкасига қоқди: “Кетдик лагерга!”

Каншауби ўзини йўқотиб кўйди... У биз билан йўлда эди — тўсатдан бундай ўзгариш! Биринчи бўлиб Фёдор ўзига келди: “Каншауби! Худо сени лагерда қолдиряпти! Сен шу ерда кераксан!” Фёдор бундан ортиқ хеч нарса дея олмасди, чунки ёнимизда аскарлар ва зобит туришарди. Солдатлар бизни шошира бошлиашди: “Хўш, нега қотиб қолдингиз?! Кетдик!” Биз азиз Каншауби билан қучоқлашиб хайрлашдик ва зобит уни қайтиб лагерга олиб кетди, бизни эса аскарлар темир йўлга — этапга олиб кетиши. “Хайр, Каншауби! Худо сенга ёр бўлсин!” — охирги марта қичқирдим мен.

Бизнинг Чепечанка шимолий лагеримиздан жанубга Чепец бош лагеригача тор изли темир йўл боради. Шу йўлдан Кама дарёсига ёғоч чиқарилади. Нарига эса баҳорда ёғоч Кама бўйлаб оқизилади: ёғочларни сувга туширишади ва улар дарё бўйлаб Соликомскгача ёки янада узоққа — жанубга — то Волга дарёсигача сузид боришади. Йўл тор изли ва унинг узунлиги бор йўғи 70 км бўлса-да, унинг номи жуда жарангдор — “Чепечанка темир йўли”. Чепец қишлоғида ҳаттоқи кичкинагина вокзал ҳам бор: кичкина ёғоч будкача — унга бор-йўғи ўнтача йўловчи сиғади. Аммо будканинг эшиги устига “Вокзал” деб ёзилган.

Сталин 30-йиллардаёқ бутун Узоқ Шимол орқали темир йўл ўтказмоқчи бўлган: гарбдаги Оқ дengиз-

дан шарқдаги Охота денгизигача, Транссибир магистралы — аммо улгурмади. Фақат Воркутагача қурдирди, у ёғини қуришга улгурмади — уруш ҳалақит берди. Бу йўлни миллионлаб маҳбуслар қуришди. Аммо тайга ва ботқоқ уни ютиб юборди, бу жуда катта ҳаракатдан фақат жуда кам натижага қолди, холос — 70 километрик тор изли “Чепечанка магистрали”. Баҳорда, ёзда ва кузда бу темир йўли — Чепечанка лагери билан боғланишнинг ягона воситасидир. Қишдан бошқа пайтда Чепечанка ва Чепецдаги тайга йўлларидан қўп сонли жилғалар ва ботқоқликлар туфайли машиналар умуман ўта олмайдилар.

Мана энди биз шу темир йўлдан жанубга саёҳат қилишимиз керак. Бизни кутиб турган маҳбуслар вагони худди катта ҳайвон қафасига ўхшайди, фақат ёмғирдан ҳимоя қилиш учун томи бор. Бу қафас тор темир йўли платформасига қўйилган ва платформанинг тахминан 2/3 қисмини банд қилган — бу биз маҳбуслар учун. Платформанинг 1/3 қисми 2–3 кишидан иборат соқчилар учун майдонча. Зарур бўлиб қолганда у ерга ит ҳам сигади. Биз учун мўлжалланган вагоннинг деворлари — бу қалин пўлат симлардан ясалган панжара — шундай экан, ундан шамол ўтиб туради!

Биз маҳбуслар вагонида беш кишишимиз: мен, Фёдор ва яна учта бемор маҳбуслар: улар Чепецдаги лагер касалхонасига кетяптилар. Улардан бири вагон полида ётибди, секингина инграяпти. Қолган иккитаси тор ўтиргичда ўтиришибди. Иккаловининг ҳам қўли синган. Синган қўллари қандайдир ёғоч бўлаклар қўйиб латта-луттталар билан ўралган, гипс қўйилмаган. Составда бор-йўғи иккита вагон бор: бизнинг маҳбуслар вагонимиз ва “олий даражали”

деб аталадиган йўловчилар вагони. Олдинда — мотовоз йўловчилар вагонида Клавдия ва Миша кетишяпти.

Жўнашимиздан олдин “қафасимиз” олдида Станицкий пайдо бўлди. У бизнинг ҳаммамизни кўриб турибди, аммо соқчидан сўрайди:

— Этапга жами нечта одам кетяпти?

— Бешта маҳбус: учтаси — Чепецдаги касалхонага, иккита баптист эса бошқа лагерга.

Станицкий жимгина Фёдор билан бизга қарайди. У бизнинг ёнимизда турибди. Faқат қафаснинг йўғон симлари бизни ундан ажратиб турибди. Афтидан, Станицкий бизга нимадир демоқчи, аммо соқчи аскарлар ёнида айтолмайди. Биз унда панжара орқали қараб турибмиз.

— Гражданин бошлиқ, хайр! Қилган яхшиликларингиз учун раҳмат, — дейди Фёдор.

Мен ҳам Станицкий билан хайрлашдим ва унга миннатдорчилик билдиридим. Аммо Станицкий худди бизнинг миннатдорчилигимизга эътиroz билдиргандай заҳархандалик билан тиржайди.

— Мен сизга қанақа яхшилик қилдим?! Қафасда ушлаганимми? — секин сўрайди у.

— Сиз бизга шахсан ёмонлик қилмаганингиз, хотинларимиз учрашувга келганларида уларни таҳқирламаганингиз учун биз сиздан миннатдормиз. Сизга катта раҳмат, гражданин бошлиқ! — қизғин дейди Фёдор.

Станицкийнинг чехраси ёришди:

— Сизга оқ йўл ва тезроқ озод бўлишингизни тилайман!

— Гражданин бошлиқ, Худо сизга нажот топиш йўлларини очиши учун биз ибодат қиласиз, — дедим мен хайрлашиб.

Соқчи аскарлар бизнинг сухбатимизни қизиқиш билан тинглаяптилар. Станицкий яна бир неча дақиқа қафасимиз олдида турди, кейин эса аста-секин лагер томонга юриб кетди. Фёдор Станицкий ҳақида шундай деди: “Унинг қалби Худосиз қийналяпти! У 30-йилларда Ленинградда катта одам бўлган ва тақводорларни шахсан ўзи отиб ташлаган. Бу ҳақда унинг ўзи менга айтиб берди. Охирги ойларда эса лагерда у Худо ҳақида кўп нарсаларни эшитди, бизнинг масиҳийлик ҳаётимизни кузатди, сейфида Муқаддас Китоб турганда уни яширинча ўқиди ҳам. У бу ерга биз билан хайрлашиш учун келди. Эҳтимол, у бизда ўша ўзи ўлдирган масиҳийлар эътиқодининг давомини кўраётгандир. Худо унга тавба қилишга ва кутулишга ёрдам берсин!”

Мен эса қўшиб қўйдим: “Биласанми, Фёдор, мен ишонаманки, Худо унинг қалби устида ишляяпти! Мана, Каншауби ҳам тўсатдан лагерда қолди — бу тасодиф эмас. Худо Каншауби орқали Станицкий-нинг юрагига тақиллатища давом қиласди”.

ОЛТИНЧИ БОБ

Жанубга этап

Мотовоз кескин труба чалди, состав ўрнидан күзғалди: Алвидо, Чепечанка — бизнинг маҳбуслик йўлимиздаги биринчи лагеримиз! Ҳали олдинги ҳаётимиизда нечта лагер бор — буни фақат Худо билади. Хайр, азиз биродаримиз Каншауби, Сени Худо асрасин!

Икки вагонли мотовоз аста-секин жуда эски, состав оғирлиги остида эгилаётган тайга тор изли Темир йўлидан ҳаракат қиляпти. Йўл авария ҳолатида: уни доимо маҳбуслардан иборат курувчилар гурухи тузатишади, таъмирлашади. Темир йўли албатта ботқоқли жойлардан ўтади. Биз жуда секин ҳаракатланяпмиз, тез-тез тўхтаймиз: олдинда ёғоч ортилган составлар боришаётган. Баъзида ёғоч ортилган платформалар “тўлқинланишади, яъни рельслардан чиқиб кетади. Биз авария жойига маҳбусларнинг маҳсус йўл гурухлари келмагунча ва платформани жойига кўймагунча соатлаб тураверамиз.

Ана шундай тез-тез мажбурий тўхташлар пайтида Клавдия Александровна ва Миша йўловчилар вагонидан чиқишишади ва бизнинг вагон олдига келишади. Соқчилар қаршилик кўрсатмайдилар.

— Жамоат қандай? Тақводорларнинг кайфиятлари қандай? — сўрайди Фёдор хотинидан.

— Ҳаммаси яхши! Ҳамма соғлом. Йиғилишлар доимо ўз вақтида ўтиб турибди. Жамоатда ёшлар кўп, — гапирди Клавдия.

— Ташқилар-чи? — қизиқди Фёдор.

— Бизнинг мажлисларимизга тез-тез ташриф буюриб туришади, таҳдид қилишади, жарима солишади, баъзида ҳайдашади. Аммо мажлислар давом қиласди.

— Киевда нима гаплар? У ердаги бизнинг жамоатимиз қандай? — савол бердим мен.

— Киев жамоатига жуда қийин: унинг аъзоларига кўп зулм ўтказишаپти: ҳукумат деярли ҳар бир йиғилишни тарқатишга ҳаракат қиласди. Ҳозирги пайтда ўнтача воизлар қамалган. Аммо жамоат тириқ, тетик, йиғилишлар давом қиласди, — ҳикоя қилди Клава.

Соқчилар турли шаҳарлардаги тақводорларнинг ҳаёти ҳақидаги бизнинг сұхбатимизни қизиқиш билан тинглаб туришибди, яна маҳбуслар ҳам диққат билан эшитиб туришибди. Фёдор билан бизнинг эса сұхбатимиз тугамайди — биз бундай узок давом этгандың учрашувдан жуда хурсандмиз. Миша йўловчилар вагонидан бизга озиқ-овқат келтиради: помидор, олмалар, нон билан колбаса. Биз ўз бойлигимиздан маҳбусларга ҳам берамиз. Бундай учрашувлар бир кун давомида 5–6 марта бўляпти, ҳар бири камида ярим соат, баъзида эса бир соат давом қиласди.

— Қандай қилиб сен Миша билан йўлга чиқиши жүръят қилдинг? — сўрайди Фёдор хотинидан.

— Ҳозир ёз, болаларнинг таътили, шунга қарор қилдим. Кеча эса сизнинг лагерингизга бораётганимизда қизиқ бир воқеа юз берди. Ленинграддан Соликамскгача биз поездда келдик, кейин эса йўловчилар вертолётида Чепецга учиб келдик. Биз Чепецга кундузи учиб келдик. Аммо Чепечанка-

га фақат кечқурун “класс” вагонда жүнадик. Биласанми, ким билан бирга поездда келдик? — сүради Клавдия.

— Билмайман. Ким экан у?

— Сизнинг бошлиғингиз Станицкий! — қаттиқ овозда қичқирди Миша. — У биз билан бирга мадхияларимизни куйлади!

— Станицкий?! Бизнинг мадхияларимизни куйлади?!

— Ҳа, у Миша билан бирга куйлади, — тасдиқлади Клавдия. — Уни тиззасига ўтказиб сүради: ”Менга биронта илохий қўшикни куйлаб бер-чи!” Миша бизнинг мадхияларимизни куйлай бошлади. Станицкий эса унга жўр бўлди. Улар шундай деярли бутун йўл бўйи бирга куйлашди!

— Ажойиб! — хитоб қилди Фёдор.

— У яна менга сиз учалангиз ҳақингизда жуда кўп нарсаларни айтиб берди, — давом қилди Клава. — Пермда яқинда Уралдаги лагерларнинг мажлиси бўлиб ўтди, у ерда гап сиз ҳақингизда — тақводор маҳбуслар ҳақида борди. Бошлиқлар сизларни нима қилишни билишмайди! Сизнинг биродарларингиз ва опаларингиз ўтирган барча лагерларда Масих ҳақида катта гувоҳлик кетяпти: Ҳамма фақат Худо ҳақида сўзлашади — маҳбуслар ҳам, соқчилар ҳам. Ҳукумат жуда хавотирга тушган: улар бир лагерда биттадан ортиқ баптистни ушламаслик керак деган қарорга келишди. Мана шунинг учун сизларни ҳар хил лагерларга ташлашмоқчи. Буларни менга кеча Станицкий айтиб берди.

— Демак, энди бизнинг художўйларимиз кўп лагерларда бўлишади ва яна кўп маҳбуслар Масих ҳақида эшитишади! — хурсанд бўлдик биз Фёдор билан.

— Худонинг бу қалблар ҳақидаги ғамхўрлиги учун Үнга шарафлар бўлсин. Бизнинг Масих учун кишанларимиз — бу қамоқхоналарда ва лагерларда Хушхабарнинг тарғиб қилинишидир. Бунинг устига, лагер ва қамоқхоналарнинг ичидаги Хушхабарнинг тарғиботи бўлади.

70 километр узоклиқдаги йўлга бутун кун кетди. Кечкурун Чепецга келдик. Клава ва Миша билан хайрлашдик. Соқчилар бизни қишлоқ бўйлаб астасекин жўнатиш лагерига бошлаб кетишаётди. Чунки bemорларимиздан бири тез юра олмайди. Тунни жўнатиш камерасида ўтказдик. У ерда биздан бошқа яна ўнтача маҳбус бор эди.

Эрталаб биз Фёдор билан жуда эрта — соат бешда уйғондик. Турдик, ювиндик, ибодат қилдик ва Муқаддас Китобни ўқий бошладик. Соат олтида лагерда ва жўнатиш лагерида умумий подъём. Ҳаммамизга 500 граммдан қора нон, 10 грамм шакар ва бир неча қошиқ қандайдир суюқ бўтқадан иборат паёк берилди. Яна ҳаммамизга бир чойнак қайнаган сув ҳам берилди.

Нонушта қилиб бўлиб биз яна Муқаддас Китобни ўқишига тутиндик! Биз уни қанчадан бери қўлимизга ушламаган эдик! Баъзи маҳбуслар қизиқиб сўрашди:

— Сиз нима ўқияпсиз?

Мен уларга Муқаддас Китобни кўрсатиб, дедим:

— Муқаддас Китобни ўқияпмиз.

Маҳбуслар Муқаддас Китобдан бирон нарсани ўқиб беришни илтимос қилишди. Аммо маҳбуслардан бири, 40 ёшлардаги кичкина жуссали, кал, ховлиқма бир одам камерада югурга бошлади ва: “Динни тарғибот қилишни бас қилинг! Муқаддас Китоб советларга қарши китоб! Мен ҳозир сиз ҳақингизда қамоқхона вакилига айтаман!” деб қичқира кетди.

Биз илгари бундай нарсани учратмагандик: биринчи марта маҳбус ўзининг оператив қисмга, яъни лагер КГБсига яқин эканлиги ҳақида очиқ айтди. Фёдор бу жосусга мурожаат қилди:

— Кулоқ сол, яхши одам, сен нега Муқаддас Китобга ҳужум қиляпсан?! Сен уни ўқиганмисан?

У бизнинг ёнимизга югуриб келди:

— Менга ҳозироқ Муқаддас Китобни беринг, мен уни бошқаларга бераман!

— Сиз ўзи кимсиз? — сўрадим мен Муқаддас Китобни кўкрагимга қаттикроқ босиб. — Сиз кимсиз — КГБмисиз ёки маҳбусми?

Аммо бу одам камера эшигини тақиллатиб, соқчиларни чақира бошлади.

— Гражданин бошлиқ! Тезроқ очинг! Очинг!

Тезда темир эшикнинг қулфи жаранглади ва шовқин билан очилди.

— Нима бўлди? Ким тақиллатди? — камерага иккита назоратчи кириб келди.

— Гражданин бошлиқ! — шошиб қолди жосус. — Бу баптистлар, — у қўли билан бизларни кўрсатди, — бизнинг ҳаммамизни ўз эътиқодларига ўтказмоқчилар, бу ерда Худо ҳақида тарғибот қилишяпти ва Муқаддас Китобни ўқишаپти! Бу бизнинг мамлакатимизда таъқиқланган!

Соқчилардан бири жосусга мазахомуз қараб, шундай деди:

— Сенинг нима ишинг бор? Ўқишаптими, қўй, ўқийверсинлар! Муқаддас Китоб бизда таъқиқланмаган. Муқаддас Китобни кўрсат, — мурожаат қилди у менга.

Мен кўрсатдим.

— Қайси тилда? Рус тилидами? — сўради иккичи соқчи.

— Ҳа, рус тилида! — жавоб қилдим мен.

— Ўқи, — сокчи менга Муқаддас Китобни берди.

Аммо жосус ҳеч тиниб—тинчимасди:

— Мен ҳакимда оператив бўлим бошлиғига етказинг. Баптистлар ҳақидаги масала жуда жиддий. Сиз уларнинг ёнини олмаслигингиз керак!

Сокчи елкасини қисди:

— Яхши, етказаман! Фамилиянг нима? — жосус фамилиясини айтди. Икки назоратчи ҳам чиқиб кетишиди, камера эшиги тарақлаб ёпилди.

— Мен буни шундай қолдирмайман! — қутуришда давом қиласарди жосус.

— Қара, қандай қутуряпти, югуриб-еляпти, — секингина деди менга Фёдор.

Биз яна нара устига ўтирдик ва Муқаддас Китобни ўқий бошладик. Аммо маҳбуслар энди бизнинг ёнимизга яқинлашмасдилар, овоз чиқариб ўқиши илтимос қилмасдилар. Фақат қўркув билан узокдан гоҳ бизга, гоҳ жосусга, гоҳ эшикка қарашарди. Ярим соатдан кейин эшик яна очилди ва назоратчи жосуснинг фамилиясини айтиб чақирди. Уни олиб кетганларидан сўнг ҳамма енгил нафас олди. Маҳбуслардан бири ҳатто:

— Мана кал шайтон! Ер ёрилиб шундайларни ютиб юбормайди ҳам! — деди ва алам билан оёғи остига тупурди.

— Ҳозир тезкор бошлиқ келади ва Муқаддас Китобингизни олиб кетади, — фараз қилди бошка маҳбус.

— Эҳтимол, олиб қўйишар ҳам, — тасдиқладик биз. — Аммо Муқаддас Китобнинг ҳаммасини ололмайдилар, фақат бу китобни. Бизнинг юрагимизга Худо ёзган нарсаларни улар ололмайдилар! Муқаддас Китоб — фойдали китоб. Унда Раббий ҳар бирин-

гизни севади деб ёзилган. У хочда сизнинг ҳам гуноҳларингиз учун ўлди. Аммо иблис сизнинг унинг ҳукми остидан чиқиб кетишингиздан қўрқади. Шунинг учун ҳам кутуради, — тушунтира бошладик биз маҳбусларга.

Яна камера эшиги тарақлади ва камерага ўрта бўйли, тўла, думалоқ юзли, майор унвонидаги зобит кирди. Унинг ёнида олдинги иккита назоратчи ҳам бор эди. Майор ўткир нигоҳ билан камерани кўздан кечириб, нигоҳини олдин Фёдор билан бизга, кейин нара устида турган Муқаддас Китобга қадади. Унинг кўзлари ғазаб билан кисилди, чехраси ёвузлашди.

Камерадаги барча маҳбуслар қандайдир гужанак бўлишди ва қўлларини орқаларига қилиб жим қотишиди.

— Бу кимнинг китоби? — майор қўли билан Муқаддас Китобни кўрсатди.

— Меники, гражданин бошлиқ, — жавоб қилдим мен.

— Бу нима, Муқаддас Китобми? — қайтариб сўради майор.

— Ҳа, Муқаддас Китоб, — жавоб қилдим мен

— ИИВнинг Ахлоқ тузатиш муассасаларида Муқаддас Китоб таъқиқланган, шунингдек, диний ташвиқот ҳам таъқиқланган! — ҳар бир сўзини чертиб-чертиб сўзлади майор. Кейин у давом қилди:

— Сиз Муқаддас Китобни тарғибот қилганингиз учун янги муддат олишингиз мумкин!

— Мен индамадим. Майор яна ҳаммага қаради ва кейин менга мурожаат қилди:

— Сизнинг муддатингиз қанча?

— Умумий тартибли лагерда уч йил, — жавоб қилдим мен.

— Қанчасини ўтадингиз? — майорнинг янги саволи.

— Бир йилини.

Майор истеҳзоли жилмайди:

— Фақат бир йил! Демак, сиз хали озодликдан маҳрум қилинган жойларда ҳеч нарсага ўрганиб улгурмабсиз, Муқаддас Китобингизни ташвиқот қилишда давом қиляпсиз. Уч йил бу болаларча муддат (ҳеч нарса эмас). Сталин пайтида Муқаддас китоб учун 25 йиллаб беришарди! Эътиқодингизни тарғибот қилишни бас қилинг! Жазолаймиз! Шафқатсиз жазолаймиз! Сизни бу ерга тузатиш, қайта тарбиялаш учун юборишган, эътиқодни тарғибот қилиш учун эмас! — газаб билан деди майор.

Кейин у нараларнинг ёнига келди ва қўлига Муқаддас Китобни олиб эшикка йўл олди. Назоратчилар жимгина унинг кетидан кетишиди.

— Гражданин бошлиқ! Бу менинг Муқаддас Китобим, қайтиб беришингизни сўрайман! — мен эшик томонга қараб бир неча қадам юрдим.

— Мен сизнинг Муқаддас Китобингизни мусодара қиласман! — совуқ овоз билан деди майор.

— Ундей бўлса, гражданин бошлиқ, менга Муқаддас Китобни мусодара қилишингиз ҳақида расмий ҳужжат беринг, — мен яна майорга мурожаат қилдим.

— Расмий ҳужжатни осмондан оласиз! Худодан! — қичқирди майор ва газаб билан камера эшигини ёпди.

Камерага қалбни эзувчи сукунат чўқди. “Ҳужжатни осмондан оласиз!” — такрорлади маҳбуслардан бири. Кейин эса жосусни эслади: “Мана кал нима қилди!”

“Ибодат қиласиз!” — қарор қилдик биз Фёдор билан. Биз наралар олдида тиз чўкиб, узоқ ибодат

қилдик: майор учун ҳам, жосуснинг қалби учун ҳам, ҳозиргина қўлимиздан олинган Муқаддас Китоб ва Худо майорни уни ўқишига ундаши учун ҳам. Ибодатдан кейин биз “Худойим, Сенинг уйингни яхши кўраман” деб аталадиган Хушхабар мадҳиясини кўйладик. Бандилар жим туришар, диққат билан қулоқ солишарди.

Кейинги куни эрталаб соат саккизларда соқчилар Фёдор билан бизни жўнатиш лагеридан олиб чиқишиди ва дарё томонга олиб кетишиди. Чепец лагери катта Урал дарёсининг Кама қирғогида жойлашган. Бизни дарё бўйлаб саёҳат кутарди. Ёз ойларида маҳбусларни кўчириш учун маҳсус ўзиорар баржалардан фойдаланиларди. Мана бизни ҳам соқчилар тор зиндан баржага олиб чиқади. Баржа унча катта эмас, бу металлдан ясалган. Трюом очик ва саёз, биз унинг ичига тушдик. Бошларимиз Трюомдан чиқиб турибди, бизга қирғоқ, қишлоқ ва лагер кўриниб турибди. Соқчилар — учта аскар палубада жойлашишди, уларнинг ёнида катта қопонғич ит ҳам бор. Сузиб кетдик!

Биз оқим бўйлаб пастга сузиб кетяпмиз. Ўзиорар баржа анча тез сувзяпти. Биз Трюом деворлари ёнида турибмиз. Атрофни кузатиб кетяпмиз: қандай яхши, атроф жуда гўзал! Ям-яшил тайга дарёгача бостириб келган, баланд, сарвқомат арчалар ва кенг сершоҳ қарағайлар — ҳамма-ҳаммаси ям-яшил, байрамона безанганд. Тайга дарёси шамоли, мусаффо ва салқин юзни, кўкракни эркалайди. Осмон эса — оч мовий, унда енгил оқ булутлар сузиб юрибди. Қуёш меҳр билан танамизни иситади. Атроф жим-жит, сокин. Чексиз дарё кенглиги, озодлик ёнгинамиизда — шундай яқин туюлди. Аммо соқчиларга қараб озодлик биздан қанчалар узоқ эканлигини англаймиз.

Урал жуда гўзал! Серсув шимол дарёлари чиройли: кичик-кичиқ, ҳеч ким билмайдиган тайга жилғалари ва дарёларидан улар қудратли дарё оқимларига айланадилар. Биз Фёдор билан буларнинг барини Худо қандай донишмандлик билан яратганидан завқланамиз! Куйлагинг, Яратганни шарафлагинг келади! Ва биз куйлай бошлаймиз — Худо бизнинг ҳаётимизни бойитиш учун берган ҳамма нарсаси бизнинг масиҳийлик мадҳияларимизда ўз аксини топади. Улуғвор ва серсув дарёнинг ўзи ҳам, ям-яшил тайга ҳам, мовий осмон ҳам, — биз билан бирга тантанали мақтov мадҳияларини ва Худога миннатдорчиликни куйлагандай бўлади: “Раббим, Сен қанчалар буюксан!”

Биз дарёнинг иккала томонидан жойлашган қандайдир қишлоқлар ва посёлкалар ёнидан сузib ўтипмиз. Баъзи уйлар, айниқса баландроқ тошлоқ қирғоқдагилар дарёга жуда яқин қурилган. Уйларнинг деразалари ва ҳатто оқ пардаларигача кўриниб турибди. Уйларнинг ёғочларини ҳам фарқлаш мумкин: қалин, оғир, вақт ўтиши билан қорайган. Илгари, қадимда Уралда уйларни мустаҳкам, бақувват, асрларга етгулик қилиб қуришарди. Мана бугун ҳам улар бузилмасдан, на совуклардан, на қорлардан, на узок давом этадиган куз ёмғирларидан хавфсирамай туришибди. Оч мовий рангга бўялган дераза ромлари эса нақшлар билан безатилган, оқ пардалар тутилган, уйларга байрамона кўриниш бағишлийдилар. Атрофдаги ҳамма нарса бу қуёшли ёз кунида ёрқин, шодон ва байрамонадир.

Биз қирғоқда турган одамларни ҳам кўрамиз: кўпинча бу кафтлари билан ёрқин қуёшдан кўзларини пана қилиб бизнинг баржамизни кузатиб қолаётган аёллардир. Айниқса, қирғоқ яқинида чўмилаётган

болаларни кўриш биз учун жуда қувончлидир. Баъзida қаршимиздан дарё юкорисига қараб сузаётган, баланд қувурли — ҳали эски тузилишдаги йўловчилар пароходи чиқади. Унинг ғилдираклари сувни шодон шапиллатиб айланади. Бундан ташқари, биз дарёда қуёшда қорайган балиқчилар ва уларнинг балиқ тутадиган қайикларини ҳам учратамиз. Барча одамлар — пароходдагилар ҳам, қайикдагилар ҳам, қирғоқдагилар ҳам — бизнинг баржамизга безовталик билан қарайдилар, айниқса ит ва қуролланган аскарларга. Эҳтимол, улар бизнинг Трюомдан чиқиб турган ва сочи қириб олинган бошимизни ҳам кўришгандир... Бизнинг баржамизни — бу сузуви қамоқхона эканлиги ва унда тутқун маҳбуслар борлиги ҳаммага аниқ.

Биз Фёдор билан тезда бир-биримиздан ажралишимишни тушунамиз — тури лагерларга олиб кетишади. Аммо ҳозир биз биргамиз, яна Муқаддас Китобдан олинган севимли оятимиз эсга тушади: “Эгамизнинг режалари тоабад событ туради, Унинг ниятлари наслдан-наслга ўтиб боради” (Забур 32:1). Тез-тез Каншаубини эсга оламиз: қандай яшаётган экан бизнинг азиз биродаримиз? Клава билан Миша ҳозир қаерда экан?

Дарё сокин оқади, бизнинг баржа сузаяпти, булутлар ҳам сузишяпти. Шунингдек, бизнинг еримиз ва бутун коинот Худонинг режалари ва қонунларига асосан яратган кўзга кўринмас, чексиз кенгликда сузиб боряптилар. Бизнинг Худойимиз буюк, У бизни севади! Худо севгиси ва Унинг мангулиги билан қиёслаганда бу кишанлар, бу тутқунлик нима бўпти! Ким биздан Худо севгисини ва бизнинг Унга бўлган ишончимизни тортиб ола билади?! Ҳеч ким!

Туш вақтида жазирама қуёшдан металл баржа жуда қизийди, биз энди Трюм девори олдидә туралы маймиз. Металлга құл теккизиб бўлмайди — шунчалар иссиқки, қўлни куйдиради. Биз Трюм ўртасида турибмиз, салқин дарё шамоли бизни тетиклаштиради.

Дарё бўйлаб бизнинг саёҳатимиз 6–7 соат давом килди. Биз Бондюг қишлоғига етиб келдик. Пристанда бизни аллақачон Соликамск соқчилари билан бирга очик юк машинаси кутяпти, Чепец аскарлари бизни уларга топширишади. Бондюгдан Соликамскгacha 120 км, йўли тайга йўлларига нисбатан яхши. Тўғри, у тупроқ йўл, асфальт қилинмаган, аммо ўнқирчўнқирларда жуда силтаса-да, машинада юриш мумкин. Машина жуда тез юряпти, кечга томон биз Соликамскга етиб келдик. Яна қамоқхона, жўнатиш қамоқхонаси, яна тинтуб ва янги камера!

ЕТТИНЧИ БОБ

Соликамск жўнатиш қамоқхонаси

Соликамск жўнатиш қамоқхонасида бизни бўш камерага жойлаштиришди. Камера унча катта эмас, 10–15 кишига мўлжалланган. Биз камерага кирганимизда бурнимизга қандайдир кимёвий модданинг ўт-кир ҳиди урилди: ҳавода ўткир ҳидли майда оқ зарралар учиб юрарди. Полдаги наралардан, деворларда эса оқ кукун қатлами ётарди. Нафас олиб бўлмасди: камерадаги заҳарли ҳид димоқни куйдирап, ўпкага ўтарди. Биз йўтала бошладик, кўзларимиз ёшланди. Дарёнинг тоза ҳавосидан сўнг тўсатдан бундай “одам ўлдирадиган хонада” бўлиб қолиш!

Биз камера эшигини тақиллата бошладик:

— Гражданин бошлиқ! Эшикни очинг! Биз нафас ололмаяпмиз! — Биз узоқ тақиллатдик, аммо жавоб бўлмади.

— Очинглар! Очинглар!

Биз кам қимирашга ҳаракат қиласдик. Чунки сал ҳаракатлансак устидаги ва полдаги оқ кукун заҳарли туман булутини ҳосил қилиб ҳавога кўтарилади. Нафас олиш керак! Шу тарзда икки соат ўтди. Бошларимиз жуда оғрирди. Биз девор тагида полда ўтириб рўмолча орқали нафас олишга ҳаракат қиласдик. Аммо ҳеч нарса ёрдам бермасди — бутун ички аъзоларимизга бу заҳарли оқ кукун ўтириб қолганди! Шунингдек, кийимимизга ҳам оқ қатлам ўтириб

қолганди. “Худойим! Сен ҳаммасини күряпсан! Бизга ёрдам бер!”

Биз захар күзларимизга кирмаслиги учун уларни юмишга харакат қиласыз, бўлиб-бўлиб нафас оламиз... Нихоят камера эшиги очилиб, ёши ўтганроқ соқчи эшикдан бизга қаради.

— Сиз бу ерга қандай кирдингиз? Бу камерага хозиргина ДДТ кукуни сепищди-ку, дезинфекция килинди. Сизни бу ерга ким олиб кирди? — сўрайди у.

— Ким олиб кирди?! Соқчилар, албатта! Бу камерани ўзимиз танламаймиз-ку!

— Сиз нега қамалғансиз? Қайси модда? — қизиқди соқчи. У сергап эди. Қандайдир хонаки ва 60 ёшларда эди.

— Биз тақводорлармиз! Худога эътиқодимиз учун қамалғанмиз, — жавоб қилдик биз.

— Демак, баптистларсиз! — мулойимлик билан аниқлик киритди соқчи.

Биз очиқ эшик орқали коридордан кираётган нисбатан тоза ҳаводан очқўзларча нафас оламиз.

— Ҳа, унда нега сизни бу хонага жойлаштиришгани тушунарли! Қайта тарбиялашашапти, демак, эътиқодингиздан совитишмоқчи, — давом эттириди у ўзининг нутқини бамайлихотир. — Тез чиқинглар, бўлмаса тез орада ўласиз! Мен эса жавоб бераман, чунки менинг сменам, менинг камераларим! Бошлиқларга нима? Сизни эътиқодингиз учун ўлдирадиган хонага қамаб қўйишидди, агар сизга бирон нарса бўлса, бошлиқлар ўзларини четга олишади. Айбдор — “стрелкачи” — мен! Қаерга қарадинг? Юринг, юринг, бечоралар! Худога шукр, тирик қолибсиз, нафасингиз қисилмабди! Мен бу ерда кимдир борлигини билмабман ҳам, хозиргина сменани қабул қилиб олдим!

Биз қамоқхона коридорига чиқдик — ифлос, оқ күкүн билан булғанған. Бизнинг қишики кийимларимиз солинган қоплар ҳам оппоқ. Соқчи бизни коридордан бошлаб боряпти, камералардан бирини очади. У ерда бир нечта маҳбуслар бор.

— Сиз қаердансиз, тегирмончилар? — кутиб олишди бизни камерадаги маҳбуслар.

Биз чиндан ҳам бошимиздан оёғимизгача оппоқ ун билан қолланған тегирмончиларга ўхшаймиз.

— Биз факат тахтаканаларни ва бизни — тақ-водорларни ўлдирадиган алоҳида камерадан келдик! — жавоб қилдик биз.

Камерада сув оқаётган кран бор: жуда яхши! Биз ювиниб, тоза совуқ сувни очкүзлик билан ичдик. Эҳтиёткорлик билан кийимимиздан оқ куқунни қоқамиз, аммо куқун шунчалар кўпки, камерада оқ булат пайдо бўлади.

— Эй, эй, секинроқ! Бўлмаса бизни ҳам заҳарлайсизлар! — қичқиради бизга маҳбуслар. Ярим соатдан кейин камера эшиги очилиб, ўша хушфеъл назоратчи менинг фамилиямни айтди:

— Хотининг билан учрашувга чиқ!

Яна кутилмаган янгилик — ҳеч нарса тушуна олмаяпман! Фёдор ҳам.

— Бу, Маховицкийни учрашувга бўлса керак? — аниқлик киритишга ҳаракат қилдим мен.

— Сенинг фамилиянг Винсми?

— Ҳа, Винс! — жавоб қилдим мен.

— Ундей бўлса, учрашувга чиқ! Сенинг олдингга Киевдан хотининг келди!

Ҳайрон бўлиб, мен камерадан чиқдим. Биз шошмасдан қамоқхона коридоридан бораяпмиз. Менинг раҳмдил назоратчим қалитларни ўйнатиб, ярим овозда куйлади: “*Тақдир одам билан ўйнашади, у доим*

ўзгарувчан: гоҳ юксакларга олиб чиқади, гоҳ жарга изсиз ташлаб юборади!"

— Бизнинг ҳаётимизни тақдир эмас, Худо бошқаради, — унинг қўшиғини тузатдим мен.

— Эҳтимол, Худодир! Ким билади? — тезгина кўнади назоратчи. — Мана сенга ҳам Худо ўша Киевнинг ўзидан учрашув учун хотинингни юборди. Сизларнинг — баптистларнинг Худоларингиз яхшига ўхшайди.

Жўнатиш қамоқхонаси биносидан чиқаверишда мени бошқа ёш ўзбек соқчи қабул қилиб олди. У мени кенг қамоқхона ҳовлиси орқали учрашувлар биносига бошлаб боряпти. Кейин маҳсус хонага олиб киради. Хонада узун стол ва бир нечта стуллар турибди.

— Шу ерда ўтириб тур, — деди у менга, ўзи эса чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг хонага хотиним Надя ва 25 ёшлардаги иккита йигит кириб келишди.

— Бу бизнинг эътиқоддаги биродарларимиз! — деди Надя ва яқин келиб мени қучоқлади.

— Аммо бу нима — сен бошдан оёғингтacha оқ бир нарсага булғанибсан-ку? Нима бўлди??!

Надя менинг кийимимдан оқ кукун қолдиқларини қоқишига ҳаракат қилди. Мен уни тўхтатдим.

— Эҳтиёт бўл, бу кукун жуда заҳарли. Бу — дуст!

— Сенга нима бўлди ўзи? — яна сўрайди у овозида ташвиш билан. Мен уни хотиржам қиласман:

— Ташвишланма, буларнинг ҳаммаси аллақачон ўтиб кетди. Салом, азизим! Сенинг келишингни ҳеч кутмагандим!

— Мен сени топиб олганим — буни бутун бошли бир ҳикоя қилса бўлади! Бу ерда мен билан Клавдия Маҳовицкая ҳам бор. Биз бирга Соликамскдан учиб

келдик. Агар у бўлмаганда, мен ҳозир бекорга Чепечанкага борган бўлардим, — айтиб беришга шошилди Надя.

Мен ёш биродарларим билан танишдим. Улар Соликамскдаги маҳаллий баптистлар жамоатидан эдилар. Уларнинг ота-оналари ҳали 1941 йилдаёқ Украинадан Шимолий Уралга сургун қилинишган эди. Шундан бери улар Соликамскда яшарканлар. Менинг янги танишларим шу ерда — Уралда туғилган эдилар.

— Сиз билан учрашувга бизни ўтказишади, деб ҳеч ўйламаган эдик, азиз биродарим! — улар қувонч ва шодлик билан сўзлардилар.

— Сизнинг Соликамскдаги жамоатингиз қандай? — суриштиридим мен.

— Жамоатимиз унча катта эмас, унда 100 тача одам бор. Биз таҳқирланган биродарларимиз билан биргамиз, — жавоб қилишди биродарлар.

Надя Киевдан келтирган катта озиқ-овқатлар солинган жомадонни улар олиб киришди. У соқидан сўради:

— Эримни овқатлантирсам мумкинми?

— Овқатлантиринг, овқатлантираверинг! Марҳамат! — жилмайди ўзбек соқчи.

Мен ажабландим: ўзи ўзбек, аммо рус тилида яхши гапиаркан. Надя стол устига оқ салфетка ёзди. Озиқ-овқатларни чиқариб қўйди, нон, колбаса, пишлок кешиб қўйди.

— Хўш, энди овқатланишни бошлишинг мумкин, — деди у.

— Йўқ, мен бир ўзим овқатланмайман! Келинглар, бирга овқатланамиз! — Биз ибодат қилиб, овқатлана бошладик. Ўзбек соқчи бизнинг сухбатимизга қулоқ солиб, қизиқиши билан қарапди.

Надя эса қандай қилиб бу ерга келиб қолганлиги ҳақидағи ҳикоясини давом қилдирарды:

“Биласанми, мен Чепеңда Клава билан мутлақо тасодифан учрашиб қолдим. Мен Соликамскдан йүловчи вертолётта учиб келдим. Вертолётта 12 та одам бор эди. Вертолёт ерга құнди, биз торгина темир зинадан пастга туша бошладик. Ҳали вертолётта пайтимда мен пастга қараб, ёнида 9 ёшлардаги ўғыл бола бўлган аёлга эътибор қилдим. Улар қайтиб Соликамскга учадиган рейсни кутишарди. Унинг юзи менга таниш кўринди. Мен ерга тушдим. У ҳам менга диққат билан қаради. Кейин эса менинг ёнимга келди ва:

— Сиз Надымисиз? Георгий Петровичнинг хотини-а? — деб сўради.

Шунда мен уни танидим: биз илгари ҳеч учрашмагандик, аммо мен уларнинг оиласвий суратларини кўрганман.

— Сиз эса Клава Маховицкаясиз-а?

Биз қучоқлашиб, ийғлаб юбордик... Мен унга шундай дедим:

— Мана Георгийнинг олдига Чепечанкага кетяпман. Сиз учрашиб қайтаяпсизми?

Аммо шунда Клава тез, ҳаяжон билан гапира бошлади, чунки вертолётта чиқиш бошланган эди:

— Надя, тезроқ кассага югуринг, Соликамскга қайтиш чиптасини олинг. Эрларимиз аллақачон Чепечанкада йўқ. Мен жомадонингизга қараб тураман.

Мен ҳеч нарсани тушуниб улгурмай аэропорт биносига қараб чипта учун югурдим. Мен чипта олиб бўлгунимча вертолётни ушлаб туришди. Ва мана мен бу ердаман! Клава ва Миша ҳам шу ерда! Эҳтимол, унга ҳам Фёдор Владимирович билан учрашишга рухсат беришар.

Бизнинг учрашувимиз тахминан икки соатча давом қилди. Надя менга оиласиз, болаларимиз ва Жамоат ҳақида сўзлаб берди. Кичкина қизимиз Женя икки ёшга кирганди, у яхши гапиради. Ундан: “Женя, сенинг даданг қани?” — деб сўрасалар, у девордаги суратни кўрсатиб: “Менинг дадам қамоқхонада. Мен тез орада дадамнинг ёнига бораман, уйга олиб келаман!”

Учрашув сўнгида Надя озиқ-овқатларнинг бир қисмини унча катта бўлмаган қопчага солиб, назоратчиidan: “Мен эримга бир оз озиқ-овқатлар бермоқчиман. Сиз рухсат берасизми?! — деб сўради.

Ўзбек йигити индамай розилик маъносида бошини силкитди. “Сизга катта раҳмат!” — миннатдорчилик билдириди унга Надя.

Охирида биз Худога бу кутилмаган учрашув учун миннатдорчилик билдириб ибодат қилдик. Мен азиз рафиқам ва эътиқоддаги биродарларим билан хайрлашдим.

— Руҳингизни туширманг, биродарларим! Ҳамма нарсада Раббимизга содиқ бўлинг! Соликамскдаги жамоатингизга ва Уралдаги барча тақводорларга менинг алангали биродарлик саломимни етказинг.

Мен Надя орқали Киевдаги жамоатга ҳам салом юбордим, мен учун болаларимизни ва кекса онамни ўпид қўйишини сўрадим. Кейин биз ажралдик.

Ўзбек назоратчи мени учрашувдан қамоқхона ҳовлисидан олиб ўтаётганда, у сўради:

— Сен эътиқодинг учун қамоқхонадамисан?

— Ха, Худога эътиқодим учун, — жавоб бердим мен.

— Нимага озиқ-овқатни кам олдинг?! Кўпроқ олиш керак эди!

— Яхши муносабатингиз учун раҳмат! — миннатдорчилик билдиридим мен ўзбек йигитга.

Мени камерага олиб кирганларида, Фёдор камерада йўқ эди — уни ҳам хотини билан учрашувга чақиришганди. Тез орада у ҳам учрашувдан қайтиб келди. Кейинги кун яна этап. Фёдор билан бизни ва яна ўнтача бошқа маҳбусларни жўнатиш лагери дарвозасидан олиб чиқишиди. Бизни ёпиқ машина кутиб турарди. Нарироқда эса хотинларимиз, Миша ва йигирматача Соликамсклик тақводорлар — улар асосан ёшлар эдилар — кутиб туришарди. Бизнинг хотинларимиз ва тақводор дўстларимиз кўлларини силкитиб биз билан хайрлашдилар. Автомат ушлаган аскарлар бизни ўраб олишди. Итлар ириллаб ипларини узгурай бўладилар.

Биз Фёдор билан на аскарларга, на итларга ёки қайгули бомбадан ҳосил бўлган чуқурчага эътибор қилдик. Биз фақат ёш тақводорларнинг юзларини, уларнинг қувонч ва Худога ишонч—умид билан нур сочаётган кўзларини кўрардик.

Ёшлар — бу Жамоатнинг қуввати, унинг келажаги! Даҳрийлик ёшларни Масихга қўймади, уларни Худо севгисидан ажратиш учун бор кучини масиҳий ёшларга қарши ташлади! Аммо Муқаддас Китобда, ҳали масиҳийликнинг эрта тонгида I асрда пир Юҳанно ёшларга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: “*Оталар, сизларга ёздим: Сиз азалдан бор Бўлганни таниб олдингиз. Йигитлар, сизларга ёздим: Сизлар бақувватсизлар, Худо қаломини дилингизда сақлаётурсиз, Ёвуз шайтон устидан голиб чиқдингизлар!*” (1 Юҳан. 2:14).

Мана бу Соликамск жамоатидан бўлган ёш дўстлар ҳам бизга — эътиқоддаги ўз биродарларига — Масих учун банди бўлганларга жўнатиш лагерига таскин бе-

риш учун келдилар. Улар қўрқмадилар, ҳижолат бўлмадилар. Уларга қараб бизнинг юракларимиз шодланарди: биз олдимизда Жамоатни кескин таъқиб қилиш пайтларида руҳан туғилган янги масиҳийлар авлодини кўрардик. Улар биздан олдинрокқа кетишларига, халқقا Масиҳнинг янги Хушхабарини олиб боришлирага ишонардик! Худо бизнинг олдимизда тириқ, ҳақиқий ва галабали эътиқод уфқларини очди!

Маҳбусларни кемага чиқара бошлашди. Яна уларнинг фамилияларини, моддаларини, қамалиш муддатларини айтиб чақиришди. Ҳар бир чақиришдан сўнг фамилияси айтилган маҳбус машинага югуриб чиқиб олади. Мана, ниҳоят, биз ҳам машинадамиз. Аммо машина эшиги ҳали очиқ, бизга хотинларимиз ва эътиқоддаги дўстларимизнинг азиз чехралари, мовий осмон ва узокларда ястаниб ётган ва уфқка туташиб кетган ям-яшил тайга кўриниб турарди. Машина ҳали жойида туарди, биз узоқ вакт — йигирма дақиқача машинанинг очиқ эшигидан қараб турибмиз. Эҳтимол, бизнинг дўстларимиз ва қадрдонларимиз бизни кўришмас, чунки машина ичидан бирон нарсани кўриш қийин. Аммо улар кетмайдилар. Машинадаги барча маҳбуслар бизнинг дўстларимизга эътибор қилишади.

— Улар сизнинг олдингизга келишганми? Улар сизникими? — сўрайди улар.

— Улар бизнинг хотинларимиз ва менинг ўғлим,— жавоб қилди Фёдор.

— Қолганлари—чи?

— Тақводорлар, бизнинг эътиқоддаги дўстларимиз.

— Улар анча ёш-ку, яна тақводормилар?

— Ҳа, улар ёшлиқданоқ Масиҳда ҳаёт мазмунини топганлар.

Саволлар кўп. Маҳбуслар бир-бирларининг сўзларини бўлиб, биздан эътиқод ҳақида, Худо ҳақида, бизнинг ўзимиз ҳакимиизда сўрашади: Нега қамашди, қанча муддатга? Биз ҳамроҳларимизга тушунтирамиз: “Бизни эътиқодимиз учун, Хушхабарни тарғиб қилганимиз учун, Худо ҳақида сизга ўхшаган одамларга айтиб берганимиз учун қамашди!”

Биз маҳбусларнинг саволларига зўрга жавоб бериб улгурамиз, аммо юрагимиз шодликка тўла — мана, Масих ҳақида гувоҳлик беришнинг янги имкониятлари!

Машина ҳали ҳам жойида турибди, унинг эшиклари ҳали ҳам очиқ. Соқчилар ҳам шу ерда, аммо итлар кўринмайди. Эҳтимол, олиб кетишган бўлса керак... Миша тақводорлар гурухи олдида турибди. Унинг қўлида помидор ва оқ нон солинган сумка. Маҳбуслардан бири хўрсинди: “Мен неча йиллардан бери помидор еганим йўқ...” Яна иккита маҳбусни олиб келиб бизнинг машинамизга ўтқазиши. Тўсатдан Миша машина томон югуриб кела бошлади. Аскарлар ўзларини йўқотиб қўйиши. Миша эса охирги маҳбус билан бирга машинага сакраб чиқиб олди ва бизга помидор, нон солинган сумкани ташлади. Соқчилар қичқириши, машина эшигини ёпиши. Аммо биз Миша яна ўз жойига, дўстларимиз орасига бориб жилмайиб турганини кўриб улгурдик.

Машинадаги маҳбуслар ҳаяжонда. Фёдор чуқур нафас олди: “Яшавор, Миша! Кўрқмаганини қаранг!” У қўлидаги помидорлар ва оқ нон билан маҳбусларга юзланди: “Ҳозир биз ибодат қиласиз, Худога бизга юборган егулиги учун миннатдорчилик билдириб овқатланиб оламиз”. Сўнгра у баланд овоз билан ибодат қилди ва ҳаммага биттадан помидор тарқатди.

Мен эса ҳаммага нон бўлиб бердим. Нон янги, оппоқ, биз анчадан бери бунақасини емаган эдик.

Тўсатдан машина эшиги очилиб кириб келган зобит сўради:

— Нима бўлди? Сизларга нима беришди?

— Помидор билан нон, бошлиқ! — жавоб қилишди маҳбуслар.

— Кўрсатинглар, мен кўрмокчиман! — дейди зобит.

— Ҳеч нарса қолмади! Биз аллақачон едик! — бир овоздан жавоб қилишди маҳбуслар.

— Мана фақат сумка қолди, — кимдир зобитга бўш сумкани узатди.

Зобит қўлини силтаб, четга ўтди. Машина эшигини эса очиқ қолдирди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Эътиқод уфқлари

Машинанинг очиқ эшигидан биз на дўстларимиз ва қадрдонларимизнинг чеҳраларини кўрдик: “Хайр азизлар! Хайр, эътиқоддаги дўстларимиз!” деб қичкиришга зўрга улгурдик.

Машина эшиги ёпилиб, ўрнидан қўзғалди. Олдинда этап! Аммо нафақат этап: олдинда Худога хизматнинг янги уфқлари, эътиқоднинг уфқлари! Бизни олдинда ўнлаб янги жўнатиш лагерлари, қамоқхоналари кутаётганлигини, шунингдек, ҳали олдинда яқинларимиз ва дўстларимиз билан кўп йиллик айрилиқ йиллари борлигини билсак-да, қалбимиз шодликдан жўш уради. Олдимизда — ҳали қанчадан-қанча Масих таълимоти тантанаси учун руҳий кураш йиллари бор. Исо Масих — бу хақиқат ва ҳаёт йўлидир! У бизнинг қутқарувчимиз, бизнинг ёруғ умидларимиз, бизнинг ғалабага ва қувончга бўлган сўнмас ишончимиздир! Унда бизнинг ҳозиримиз ва келажагимиз, бизнинг эътиқодимиз уфқларидир!

Худо кенгликларида Осмон мовийлиги
Ва дарёларнинг серсувлиги нақадар гўзал!
Масихда менинг ёрқин тонгларим —
Эрким ва баҳтим абадий!

Худо биз билан — бизнинг болаларимиз, хотинларимиз билан, бизнинг эътиқоддаги дўстларимиз билан. Аммо Худо нафақат бизни, художўйларни севади, балки У барчани — рус, черкас, украин халқларини — дунёning ҳамма халқларини севади.

Ва У бизга масиҳийларга Ўз амрини айтган: “*Шу сабабдан ҳамма ёққа бориб, ҳамма халқларни Ота, Ўғил ва Мұқаддас Рұх номи билан именга киритиб, улардан шогирдлар орттириңгелар. Уларга ўргатинглар: Мен сизларга амр этгандарнинг ҳаммасига улар итоат этсинглар. Шуни ёдингизда тутингларки, дунё тугаб битгунча, Мен доимо сизлар билан биргаман*” (Матто 28:19, 20).

Худонинг ҳар бир халқ ҳақида ўзининг мангу режалари бор: “Худо битта одамдан бутун элатларни яратиб, уларни бутун ер юзига жойлаштириди. У азалдан элатларнинг ҳаёти вақтини ва улар истиқомат қиласидиган жойларнинг чегараларини белгилаб берди” (Хаворий. 17:26).

Ер юзидаги барча халқлар учун, жумладан, руслар, украинлар, черкаслар учун Худо яшаш жойини ва вақтини белгилаб қўйган. Худонинг фикрлари ва режалари қандай ажойиб! Ҳар бир одамнинг, барча халқлар ва мамлакатларнинг ҳаётида Худо... “*Оҳ, Худонинг саховату ҳикмати ҳамда билимининг чуқурлигини қаранг! Унинг ҳукмларига кимнинг ақли етар, йўлларини ким текшириб чиқар экан?*” (Рим. 11:33).

Художўй бўлиш қандай баҳт, ҳатто шу тор машина ичида ҳам Худо уфқларини кўриш, бутун инсоният тарихи нимага йўналтирилганлигини тушуниш қандай баҳт! Ва ўзининг кичик, ўз тақдирини худди Худо марҳаматининг бир бўлагидай қабул қилиш. Унинг эътибори ва севгисини. Худо дунёдаги

барча халқлар ва инсонлар: “Худо буларни, Мени қидирыснлар, пайпаслаб топсинлар, деб қилди, гарчи У аслида ҳар биримиздан Худо биздан узоқда бўлмаса ҳам. Зотан, “биз Унда яшаймиз, Унда ҳаракат қиласиз ва Унда мавжудмиз”. Сизнинг шоурларингиздан бири шундай деган эди: “биз ҳам унинг наслимиз”” (Ҳаворий. 17:27–28) эканини хоҳлаши қандай гўзал ва ажойиб!

Афинада, Қадимги Грецияда Хушхабарнинг буюк тарғиботчиси ҳаворий Павлус ҳам масиҳийликнинг эрта тонгига ёқ шундай деган. Худди шундай: биз ҳам Худо марҳамати билан бугунги — йигирманчи аср сўнгига Масиҳ ҳақидаги буюк ҳақиқатни эълон қиласиз. Мана шунинг учун Худо бизни судъялар ва прокурорлар олдида, турмаларда ва лагерларда, этапларда ва жўнатиш пунктларида маҳбуслар орасида, аскарлар ва зобитлар орасида Ҳақиқатни айтиш учун юборди.

Худо Ҳақиқатини ҳаммага тарқатиш ишлари боряпти! Худо Россия, Украина, Белоруссия халқларининг, Урал, Кавказ, Сибир халқларининг — дунёдаги барча халқларнинг маънавий уйгонишлари ҳақида ўзининг мангу режаларига эга.

“Шоҳлик тўғрисидаги Хушхабар бутун дунё бўйлаб ваъз қилинади, шу тариқа ҳамма халқлар буни эшиштади, ниҳоят, охир замон келади” (Матто 24:-14). Бу Хушхабар ояти қачонлардир ёш черкас йигити Каншауби Жангетовнинг ҳам юрагига таъсир қилди, унинг бутун ҳаётини, дунёқарашини ўзгартириб, уни черкас халқига Масиҳ хушхабарини тарқатувчи қилди.

Хушхабар хабари ўз вақтида Ленинграддаги Киров заводининг ёш ишчиси Маховицкий Фёдор Владимировичга ҳам етиб борди, а уни жуда катта —

тўрт миллионлик шаҳарда Худо севгисининг хабар-чиси қилди. Хушхабар даъвати Сибирда — мен 16 ёш бўлган пайтимда менинг ҳам юрагимга таъсир қилди.

Худога эътиқод қилганимиздан бошлаб Хушхабар тарғиботи — Масиҳнинг бу буюк топшириги — биз учаламиз учун — (нафақат учаламиз, балки ер юзи-даги миллионлаб такводорлар учун) асосий вазифа ва ҳаётдаги энг муҳим мақсадга айланди.

Бизнинг эътиқодимиз, бизнинг умидларимиз, бизнинг ҳаёт ва ишонч—эътиқодларимиз ана шундадир!

* * *

Киш уйқулари учиб кетишади
Ва бўронлар.
Мен баҳорнинг бошланишини севаман,
Қайнинлар куртак очган пайтларни

Апрель ҳаётга уйғонади:
Майсалар ҳам, гуллар ҳам, қушлар ҳам!
Масиҳ— оламнинг мақсади эса —
Менинг юрагим эшигин секин тақиллатади.

Қалбим, юрак эшикларини оч!
Йўқолсин ҳар қандай қулфлар!
Сўзла, Худойим, сўзла!
Муқаддас кенгликларингга мени бошла.

Сўзла, Раббим, сўзла:
Мен сенинг ҳақиқатингни қабул қилишга ташнаман!
Сен одамларни, элларни яратдинг
Ва биз учун бир марта қийналдинг.

Ўлимга тик бориб, шон-шуҳрат ила тикландинг!
Менга қайта тирилиш хабари азиздир:
Хозиргидай нажот топиш баҳтини
Ҳеч қачон билмаганман.

Ўз қалбинг солномачиси,
Осмон Ватанининг зиёратчиси
Мен қалбимга пичирладим:
“Ҳаёт феълларини ишонч қучи билан ушла!”

МЕНИНГ СҮҚМОҒИМ

Хаёт йўлини мен белгиламаганман,
У фақат Худо иродасининг аксиdir!
Усиз мен ҳалок бўлардим, ҳалок бўлардим,
Худосизлик — бу фақат йўлсизликдир!

Менинг курашим — бу шахсий кураш эмас:
Ҳақиқат учун Худо урушлари олиб борилади!
Менинг тақдирим кунлари ғайриоддийдир —
Осмонда бўлиш шарафига мен лойик бўлганман.

Дўстлик ҳам — тасодифий учрашувлар натижаси эмас:
Дўстлар, бемаъни фикрлар учун эмас.
Балки ҳалқларга курашлар, қатъий таҳдидлар орасида
“Худо” сўзини етказишдир.

Шунинг учун мен Масиҳ номи билан
Барча душман тўсикларига олға бораман.
Менинг ибодатим, менинг орзуим
Самимий бўлиш ҳамда мўмин, жасур бўлишдир

РОССИЯ ВА МАСИХ

Россия ва гуллар, Россия ва шеърлар —
Бир оз ғалати эшитилиши мумкинми?
Хатолар ва гуноҳларни, оғриқлар
Ва олдинги уятларни қандай унудиш мумкин?

Россия ва эзгулик, Россия ва Масих:
Қайта тирилиш йўли, тавба қилиш кўз ёшлари
Ҳамда мурувват — орзу эмас,
Балки олий самовий вазифадир.

Россия, тубсиз жарга мангуга қулама.
Ўғилларинг, набираларинг ҳақида ўйла
Сен учун Масихнинг қони тўклигган,
Сен учун У даҳшатли азобларга чидаган.

Худосиз йўл йўқ, Худосиз ҳаёт йўқ —
Фақат аянчли ҳаёт бор, холос.
Масих — Севги, ҳам Ҳақиқат, ҳам Ёруғликдир
Ҳамда мангуликнинг муқаддас асосидир.

Россия ва Масих! Россия Масих учун —
Менинг севгим, ибодатим ва жасоратим!
Бу учун кўплар қамоқхона нолалари
Ва Шимол нафаси бор жойлардан ўтдилар.

Россия, ватаним! Оҳ, Масих севгисини,
Унинг сабр-тоқатини Қандай изоҳлай?!

Қайта тирил! Сен Худо билан
Мулокотда яшашинг керак.

УКРАИНА — ҚУВОНЧ ВА ОРЗУ

Мен ёмғирдан журъатсиз шовқинни оламан:
Менинг деразамга тундаги тақ-тақ.
Гулхан олдида — юксак хаёллар парвози
Кедр дараҳти олдида эса озроқ жасорат.

Жилға олдида — хаёлчан қўшикни,
Жазирама иссиқда сахийликни.
Кушларда эса — келаётган баҳорнинг хабари,
Совуқ қиши устидан тантаналарни.

Ўрмонлардан — сокин сухбатни,
Кўллардан — хотиржамлик фазилатини,
Денгизлардан — нурли кенгликларни,
Ва албатта, мовий осмонни!

Буларнинг барини яратувчи совға қилди
Тонгнинг биринчи нурларини.
Ишонч ва қувонч ила кутганларга
Ва Худони завқла улуғлаганларга.

Мен энди ҳаётдан норози бўлмайман:
Ва Муқаддас Китоб оятлари билан дўстлашаман.
Осмондан эса тунда сеҳргарлар
Куйлаган ўлдузчани ахтариб топаман.

Мен бир куни Байтлаҳмга келдим,
Ўзим билан яраланган юрагимни ҳам келтирдим.
Барча муаммоларим залворини
Масиҳга — Осмон чақалоғига юкладим.

Шунинг учун Украина халқини,
Қўшиқларини ардоқлайман, севаман.

Мангулик билан бирдам юраклар
Этиқоднинг нурини завқ билан ушлайман.

Украина — қувонч ва орзу,
Ёрқин баҳорий гуллар!
Сен учун Масих ёнида жой бор
Ва сенга У нажот ҳадя қилади.

Мен — сенинг ўғлингман, сенга бегона эмасман,
Худо иродаси марҳамати олдида
Украина самимий бош эгиши-чун
Менинг ҳаётим ибодатга ошно бўлди.

ЙҮЛДА

1.

Мен тун аро кетяпман... Түғилган элим,
“Москва — Смоленск”... Вагонлар тебранади,
Дераза ортида эса оппоқ отахон
Ва ўтмиш ингроқлари эшитилади.

Қиши... Қор... Чексиз ўрмоналар...
Дараҳтлар совуқдан маъюс туришар...
Ҳалок бўлганларнинг аччиқ қисмати
Дераза ортида ғамгин кезарлар.

Даҳрийлик юрти... Катта шаҳарлар
Ва кичик унутилган қишлоқлар,
Унда йиллар сокин ўтади
Ва кутулиш ҳақиқати барчага номаълум.

Бу ерда “Худо” ва “жаннат” сўзлари устидан кулганлар
Зулмкорлар қарғалар галаси каби кўп эди.
Смоленск ўлкаси — ҳақиқий рус шаҳри —
Аммо бунда ҳақиқатга ошнолар жуда кам.

Экспресс поезд учиб боряпти.
У совуқ, бўронлар аро тун қоронғусига интилар.
Калбда эса чукур ғам:
Худойим, кечир, Россия ҳақида эсла!

2.

Тун бўйи вагон жанжаллашди, ингради
Ароқ хиди билан тўла эди у,
Мен ён томондаги ўриндиқда бедор кузатардим:
Ҳалок бўлган қалблар қайғуси,
тақдири елкамни эзарди.

Бу сенсан, менинг азиз Россиям —
Менинг орзуларим, қувончим ва хизматим.
Мен ёшлигимданоқ сен ҳақингда ибодат қиласман
Ва Осмон билан ярашишингни кутаман.

Кранни тортиб поездни тўхтатинг!
Ақлсизлик тумани тарқаб келиши-чун
Ва ота-ватаним мозорда қолиб кетмаслиги учун —
Кайфи бор вагонни станцияда қолдиринг.

Аммо поезд зимистон аро учиб боради,
Поезд ахли худди беҳушдай...
Ох, уларга хотиржамлик ва қутулиш ҳадя қилувчи
Масих ҳақида қандай айтсан экан?!

Ох, менинг Россиям! Сен қаерга кетаяпсан?!

Рулда турган — Худойим қанчалар қадрлайди?
Дахрийликда — зимистон ва саросима шоҳлиги,
Шунинг учун ҳам келажак ҳақида ташвиш бор, холос.

РОССИЯ — ФАҚАТ ҚАЙИНЛАР ЭМАС

Россия — фақат қайнлар эмас,
Нафақат гуллар ва ёрқин тонглардир,
Россия — бу аччик күз ёшлари
Ва жуда күп қайғу-кулфатлар деганидир.

Россия, мен сенинг тақдириңг-ла,
Қаттиқ синов кунлари ошно бўлдим:
Мен ўшанда зулмат устидан ғалабангга
Ва Масиҳ азоб-уқубатлари кучига ишонардим.

Худо кенгликлари жуда гўзал:
Унда эзгулик ва озодликка ҳаракат бор!
Худо тонглари отаверсин —
Қалблар қайта тирилаверсин.

АСР КАСАЛЛИГИ

Эшитяпман: “Раббий ўлди! Қайта тирилмади!
Биз ўзимиз учун күтқарувчилар ва худолармиз!
Бу ерда — ер юзасида бизнинг ақлимиз
ва тараққиётимиз
Жаннатни ва самовий қасрларни кура олади”.

Хамма ёқда бир нарса: Ғарб ҳам, Шарқ ҳам
Бир касаллик билан оғриган,
Хамма ёқда одам ҳамма нарсаны яратди, у
Худо деган бир хил қўшиқни куйлади.

Одам шундай нигоҳини осмонга қадар,
Мўъминлик ва қутулиш йўлларини рад қилар,
Худо йўқ, эътиқод — бемаънилик, деб
Ғазабдан ақлини йўқотиб қичқирап.

Аммо, агар юрак эшигини очиб
У ердаги гуноҳ, ёлғон қатламларига назар ташланса,
Ҳаттоқи уммон сувлари етишмасди
Виждонни, юракни ва ақлни улардан тозалаш-чун.

Фақат Раббийнинг давр бошида биз учун
Тўкилган муқаддас қони
Кутулиш ва эътиқод йўлинин очди
Ва қалбларга ўлмас севги нурларин сочди.

БИЗГА ХУДО КЕРАК!

Турли жойлардан хатлар келади:
Днепрдан, Невадан, Печорадан ва Волгадан.
Уларда — қалб фарёди, узок тентириашлар армони
Ва қайта тирилиш хабари:

“Биз Масихсиз ёввойилашдик,
Худосиз излашлардан чарчадик!
Мана энди қалбларда бўшлиқ —
Ишончсизлик ва қайфу-ғам зулматида.

Биздан Худо нурини бекитишади,
Ёлғон совғаларни ҳадя қилишди;
Мана энди ёшимиз қайтганда
Атрофда фақат тутаётган шам қолдиқлари.

Биз эзгуликни, севгини ва шафқатни
Тушунишни буткул унутдик,
Кечирган ҳолда улуг вазифага
Ишониш кучидан маҳрум бўлдик.

Бизга ёруғлик керак!
Бизга Худо керак!
Шубҳа ва ташвишлар туни
Онгимизни бутқул тарк этиши-чун
Қалб йиғиси ва минг бора тавба керак.

“Нафрат” сўзи абадий ўлсин!
“Мурувват” эса қайта тирилсин!
Халқимиз ишонч, қувонч ва қўшиклар
Учун қайта тирилсин!”

ЙҮЛЛАР ЧОРРАҲАСИДА

Хаёт йўллари чорраҳасида,
Ўтмиш — фақат мағлубиятлардан иборат бўлганда,
Хозир эса туманга бурганганда,
Қалбинг битмас ташвишлар уммонига гарқ бўлади.

Ох, менинг Россиям! Азиз Ватаним!
Мен Қутқарувчи олдида ибодатга тиз чўкаман.
Ва сен ҳақингда йиглаб, сенинг дахрийлигинг,
Кулфатинг ва айбларингни сўраб
тўхтовсиз қайғураман.

Сен учун факат ягона тўғри йўл бор,
Бутун олам аро бундан бошқа йўл ийќ:
Самимийлик ва мўминлик ила тавба қилиш
Хамда Масих оёқларига бош уриб ибодат қилиш.

Менинг севгим кўпларга ёқмайди.
Аммо мен сенинг ярадор қалбингни севаман
Тўхта! Диққат билан қулоқ сол:
Ва сен учун Муқаддас Қон тўкилди!

Хаёт йўллари чорраҳасида
Ох, Менинг Россиям, бу кун хато қилма!
Қайта тикланиш йўли — Худо севгиси
Сени Илохий қасрга киришга чорламоқда.

ЁЛГОН ҲАЁТДА ЯШАМАСЛИК

Болалик чегараларини ёриб ўтиб
Биз ҳаётга ишонч ва жасорат-ла кирганимизда
Ҳаётни ёлғондан бошламаслик
Эътиқодни ва эзгу ишни танлаш қанчалар муҳим!

Эзгулик ва ҳақиқатни афзал билиш
Ёвузлик, ҳийла ва фитналарни инкор қилиб
Масиҳ оёклари остига гуноҳ занжирларини қўйиб,
Худо марҳамати абадий нур таратсин.

Худо энг ишончли дўстларни юборгай,
Синовларда титрамаслик учун куч ҳам беради.
Ибодат қидирувчи теранлигини ҳам,
Барча бойликлардан қимматроқ
севги мадҳиясини ҳам У ато қиласди

ХИЗМАТ ҲАҚИДА СОКИН СУҲБАТЛАР

Хизмат ҳақида сокин сұхбатлар,
Юракнинг ёвузылкка алоқасиз эканлиги;
Ва менинг чарчоқ пешонамга
Масих қўлларининг ором бериши.

Қутқарувчининг диққат-эътибори,
Мехрли ғамхўрлиги ва севгиси,
Шафқатнинг теранлиги ва сахийлиги
Ва мулоқотга яна ва яна даъвати.

Мўъминлик ва беозорликни қандай
ўзлаштириш мумкин?
Улардан меҳнат асосини топиш;
Тор йўллар ғалабаси ҳақидаги
Олий фикрларга эришиш.

Бизни кўпинча таъқиб қиладиган
Оловли тухматлардан кўрқмаслик,
Муваффақият дақиқаларида ғуурланмаслик,
Ҳаётнинг аччиқ синовларида ўзни йўқотмаслик

Пойтахтлар шовқини ва қишлоқлар ғовури
Бир оз тинчиганда,
Яна қалбим завқ билан Масих томонга
Ибодат панохига учиб кетади.

МУҚАДДАС БҮЛИШ — БУ СЕВГИ

Муқаддас бўлиш — бу севги,
Раҳмдиллик ва бошқаларга шафқат.
Аммо қошлар кўтарилиганда
Ва қалбда ҳақорат тўлқинланганда.

Ўз ишингни муқаддас деб атама,
Агар фақат бошқаларни фош қиласанг,
Бу фақат художўйлик тутунидир
Сен ўз гунохингни Худодан бекитганингда.

Ҳасад, худди суюклардаги йиринг каби жўш урганда
Дўстлик нури сўниб қолади.
Қалб эса ишончсизлик занжирларига
Худди нам зиндонга тушгандай тушади.

Муқаддас бўлиш — ҳар бир фикрнинг, истакнинг
Масиҳ сари эътиқод парвозидир!
Муруватнинг фидокорона меваси,
Ҳамда шафқатнинг халос бўлган оғриқларидир.

Муқаддас бўлиш — қувонч нуридир,
Бу қалб мўъминлиги ва итоат,
Бу буюк руҳий жанглар пайтида
Булутлар зулматидаги матонатидир.

МУҚАДДАС КИТОБ ШОИРЛАРИ

Муқаддас Китоб шоирлари! Сиз ўлмас
саҳифаларни
Жангларда ва ғамларда тўлдирдингиз.
Бизнинг кунларимизда ҳам нутқ санолари
Халқларда ва асрлар аро тўхтатмасдан
қуйилиб келмоқда.

Шоҳлар ва чўпонлар —
кувғинга учраган пайғамбарлар —
Саҳроларда ва тоғларда ҳамда сокин
сув бўйларида:
Худодан халқ юз ўтирганда,
Сиз доимо ёлғиз кезардингиз!

Сизнинг қалбларингизни рақиблар ахтарганлар,
Исмингиз эса калака бўлган;
Узок, яқинлар, ҳамма-ҳамма ҳакида
Юрак торлари аянчли нола қилганлар.

Муқаддас Китоб шоирлари!
Сиз эътиқодни тасдиқлагансиз.
Худо сиз учун қалқон ҳамда қўрғон бўлган,
Ва сизнинг қайғули мисраларингиз
Кўпинча тўсатдан қувонч ила ёришган.

Мана нима сабабдан бизнинг авлодимиз ҳам
Забурлар ўқиб Худо раҳмдиллиги,
абадий кутулиш учун,
Денгизлар мовийлигию,
юлдузларнинг ажойиб жўрлиги учун
Унинг кучини шарафлайдилар.

Далалар, ўрмонлар ва қудратли тоғлар оралаб
Оқадиган Худо дарёларининг кучли оқимлари учун,
Қайта тирилишнинг шодиёна тонглари учун,
Эътиқод уфқлари-ю кенглари учун.

ҚАЙТА ТИРИЛИШ ТОНГЛАРИ

Жилғалар югуриб оқмоқда,
 ўрмонда қушлар чуғурлашадилар,
Турналар қанотида баҳор шошилиб келаётір,
Күм-күк осмондан эса қызғын қүёш
 нурлари оқими
Мехр ила оқиб келмоқда.

Ишончсизлик ва зулматнинг қиши уйқусидан
Уйғониш тимсоли бўлмиш баҳорни севаман,
Турма зулматини тарк этаётган тутқун ёруғлика
Худди шундай интилгани каби.

Мен кўпинча Масих ҳақида, Гўлгўта
Азоб-уқубатларининг машаққати ҳақида
хәёл сураман.
У ерда қип-яланғоч ва бутунлай қон ичидা
У гуноҳкор мавжудот учун ўларди.

Ох, айёр ёвуз душман
Мукаддас Ҳакиқатни ўлим билан
янчид ташлашни қандай хоҳларди
Гуноҳ ва қабиҳликларни чексиз кўпайтириб
Оламни зулматга ботиришни у истарди.

Ох, Менинг Россиям!
Қайта тирилишга пешвоз чиқиб
Эрта тонгда қүшиқ ила тур!
Фақат Масихда сенинг қалбинг қутилади,
Фақат Ү — сенинг йўлинг, ҳам ҳақиқатинг,
ҳам ҳаётинг!

“ТУТҚУННИНГ ЎЙЛАРИ”

Сен ёшлиқданоқ ҳақиқат учун курашдинг
Эзгулик ва мангу қутулиш күйчиси.
Мана энди сенинг хизматларинг марраси:
Тайга ўлкаси ва қуршалган худуд.

Тор-танқис жүннатиш камералари, этаплар
Бетон пол энди шоирнинг ўрни.
Хаво ўрнига — диққинафас қўланса ҳид
Камера деворлари — сен учун бутун олам.

Сен эзгулик ва баҳтни тасдиқладинг,
Ишончсизлик ўғилларини ёргулликка чорладинг.
Сен мангу барҳаёт мақсадни тарғиб қилдинг
Ва қабиҳликлар ҳамда фитнани фош қилдинг.

Хўш, энди нима?! Орзулар тарқалиб кетдими?
Ёшлиқ умидлари ва эзгу тилаклар-чи?
Соқчи итлар — гуллар эмас,
Қаттиқ совуқлар ҳам шеърият эмас...

Аммо севги ва эътиқод ҳақидаги қўшиқ
Бўронлар увлаши орасидан
илгаригидек қалбимда янграмоқда
Ички бир овоз сўзлайди: “Буюк мақсад
Сари садоқат сўқмоғидан мардона бор!”

Эзгулик ва ҳақиқат ёвузликни енгади!
Қайта тирилиш нури олдида зулмат чекинади!
Зиндонлар барбод бўлади!
уларнинг пўлат кийимларини
Барчага кўз-кўз қилиш учун музейга беришади.

83-САНО

Сенинг масканларинг қанчалар зориқиб кутилган,
Худо кучлари, Худо кучлари!
Менинг ибодатларим, менинг бор күчим
Сенга қаратилган, Худойим!

У ерда, чўққида, менинг юрагим —
Хаёллар, истаклар парвози!
У ерда қушча ўзига маскан топади
Ва қалдирғоч ўзи учун ин қуради.

Оҳ, Худойим, қалбим сенга интилиб қандай чарчади —
Сенга, Сенинг меҳробларингта,
На қамоқхоналар, на ташвишлар
Бўлмаган Сенинг ўлкаларингда!

* * *

Мен сени севаман, Масих биродарлиги!
Сенинг эътиқодингнинг кучли парвози,
Токи асрлар аро ўлмайдиган
Эзгу хабарнинг ишончли сўзи!

Сен Масиҳдан ҳам жазирамада
Ҳам совуқларда умид қилишни ўрганишга тайёрсан,
Ва ёвузлик билан сира ошно бўлмасликни
Тор сўқмоқла факат юришни.

Кавказда, Украина чўлларида
Москва яқинида, Урал тоғларида
Сибир текисликлари кенгликларида
Сенинг эътиқодинг ғамларда мустаҳкамланди.

Мен сенинг бир қисминг бўлишдан хурсандман,
Бирга қувонч ва қайғу-ғамни бўлишаман.
Сен ҳақингда доимо ибодат қиласман.
Масих билан тезроқ учрашишни кутаман!

* * *

Болаларим, менинг болаларим!

Яна айрилиқ йиллари...

Турма деворлари орқали кўзларингизни кўраман.
Сизнинг меҳрли чехрангиз ва нафис қўлларингизни —
Ва киприкларимда ёш ялтирайди.

Қисқа учрашув дақиқаларида сизга

қандай таскин берай

Ёки сизга етти ёшимдан отамдан жудо
бўлганимни айтиб берайми?

Қалбимни пораловчи йиғини босиб,
Кейин йиллар узра суратига термулганимни?

Синовлар ва зулмлар ичра чексиз ўлкамни

Бутун қалбим-ла севгимни айтиб берайми?

Қутб ёғдуларининг камалак ранг иплариними,
Ва она Украиналининг хаёлчан ўрмонлариними?

Болаларим, азиз болаларим!

Сизга шуни васият қиласман!

Эътиқод, ҳақиқат, севги — мана турмуш мазмуни!

Ҳаётда Масиҳ билан ўтишни жуда истайман

Кейин эса — осмон, мовий ўлкалар!

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Г.П. Винс 1928 йилнинг 4 августида — Амурдаги Благовещенскада америкалик миссионер Пётр Винс оиласида туғилди. 1937 йилда Георгийнинг отаси эътиқодий фаолияти учун қамоққа олинди ва отишга хукм қилинади. Ўттиз йилдан кейин эса оқланади. Георгийнинг онаси Лидия Винс, ўғлига отаси жонини фидо қилган маънавий қадриятларни сингдира олди. 16 ёшли Георгий ўсмирилигиданоқ ўз ҳаётини Худога хизмат қилишга бағишилади.

1946 йилда Лидия ўғли билан узоқ Шарқдан Киевга кўчиб келади ва Георгий политехника институтига ўқишга киради. Кейин уйланади, масиҳий-баптистларнинг Хушхабар жамоати ҳаётида фаол иштирок қила бошлайди. Хушхабарнинг тарғиботчиси бўлган Георгий худди отаси каби, даҳрийлар давлати томонидан қувғинларга дуч келади: 1966 йилда у қамоққа олинади, 3 йилга лагерга хукм қилинади ва лагер муддатини ўташ учун Шимолий Уралга жўнатилади. Озодликка чиққандан сўнг Георгий яна жамоат ҳаётида фаол иштирок қила бошлайди ва 1975 йилда яна 10 йилга хукм қилинади. 1979 йили АҚШ президенти Картернинг расмий илтимосига асосан, Георгий Винс Кўшма Штатларга сургун қилинади.

У озодликка чиқиб масиҳийлик миссиясига асос солади. Миссиянинг мақсади — таҳқирланган жа-

моатга, айниқса, Совет Иттифоқида ўз эътиқодий ғоялари учун зулм ўтказилган виждан бандиларига кўмак ва ёрдам бериш эди. Бундан ташқари, у асос солган миссия масихийлик китобларини рус тилига таржима қилиш, шунингдек, Совет Иттифоқига Муқаддас Китобни ва бошқа руҳий адабиётларни етказиб бериш билан шуғулланарди.

Совет Иттифоқида қайта қуриш ва вазиятнинг ўзгариши натижасида 1990 йил 5 августида М. Горбачёв Георгий Винсни Совет фуқаролигидан маҳрум қилиш ва СССР худудидан чиқариб юбориш ҳакидаги Олий Совет 1979 йили қабул қиласан карорни бекор қилувчи Фармон чиқаради. 1990 йилнинг нояброда у ватанига қайтиб келди ва яна Хушхабарни тарғиб қила бошлади. Энди у озод эди.

1997 йилнинг сентябрида Г. Петрович АҚШнинг Тинч океан қирғоқларидағи жамоатларига қилган ташрифидан сўнг уйига қайтиб келди. Врачлар унда мия ўсмаси борлигини аниқлашди. У 1998 йилнинг 11 январида ер юзидағи ўз хизматини тутатиб ҳаётдан кўз юмди.

Г. Винс “Эътиқод уфқлари”, “Кишанлардаги Хушхабар”, “Садоқат сўқмоғидан” китобларининг, шунингдек, “Шеърият дафтаридан”, “Ёлғонларга асосланиб яшамаслик”, “Бизга Худо керак” шеърий тўпламларининг муаллифиdir.

МУНДАРИЖА

ЭЪТИҚОД УФҚЛАРИ

Сўзбоши	3
1. Шимолий этап	5
2. Каншаубининг ҳикояси.....	28
3. “Букри”	45
4. Лагерда уч киши.....	52
5. Сўнгги кунларда бирга	79
6. Жанубга этап	104
7. Соликамск жўнатиш қамоқхонаси	116
8. Эътиқод уфқлари.....	127

ШЕЪРЛАР

Менинг сўқмоғим.....	132
Россия ва Масих.....	133
Украина — қувонч ва орзу	134
Йўлда.....	136
Россия — факат қайнилар эмас	138
Аср касаллиги.....	139
Бизга Худо керак	140
Йўллар чорраҳасида.....	141
Ёлғон ҳаётда яшамаслик	142
Хизмат ҳақида сокин сухбатлар.....	143
Муқаддас бўлиш — бу севги	144
Муқаддас Китоб шоирлари	145
Қайта тирилиш тонглари	147
“Туткуннинг ўйлари”	149
83-сано	150
Мен сени севаман, Масих биродарлиги.....	151
Болаларим, менинг болаларим!	
Яна айрилиқ йиллари.....	152
Муаллиф ҳақида.....	153